Узбекистон Республикаси Халк таълими вазирлиги

Кукон давлат педагогика институти

**Миллий истиклол гояси,
хукукшунослик ва маънавият асослари
кафедраси.**

Мехнат хукуки

(Маъруза матнлари).

Кукон – 2003 йил

Мехнат хукуки фани буйича:

Умумий соат – 80 соат.
Маъруза – 40 соат
Семинар – 40 соат

Матн муаллифлари:

Иброхимов Б – тарих фанлари номзоди, доцент.
Маматкулов М – укитувчи, хукукшунос.

Мухаррир:

Аминов М – фалсафа фанлари номзоди, доцент.

Такризчилар:

Дехконов А – тарих фанлари номзоди, доцент
Кабиров И – укитувчи, хукукшунос.

Маъруза матнлари «Миллий истиклол гояси, хукукшунослик ва маънавият асослари кафедрасининг 2003 йил майдаги йигилишида маъкулланди.
Укув – услубий кенгаши матнни купайтиришга розилик берди.
Маъруза матнлари ДТС талабларига асосланиб тузилди.

1-мавзу: Мехнат хукуки фани, унинг вазифалари ва максадлари.

Режа:

1. Мехнат хукуки фани, унинг тараккиёт боскичлари.
2. Мехнат хукуки фанининг асосий вазифалари.
3. Мехнат хукуки фанининг урганилиши ва ахамияти.

Таянч тушунчалар:

Мехнат, жисмоний мехнат, ижтимоий фойдали фаолият, доимий ва мавсумий фаолият, мехнат хукуки, унинг предмети, мехнат хукуки фанининг урганиш объекти, манбалари мехнат хукукининг умумий ва махсус кисмлари.

Мустакил Узбекистон Республикасининг ижтимоий тараккиёт эхтиёжлари ва хаётий тажриба талаблари юридик фанларнинг тугал системасини такомиллаштиришни таказо этади. Хукукшунослик деб номланувчи умумий фан таркибига фукаролик хукуки, жиноят конунчилиги, оила хукуки, ер ва сув хукуки, халкаро хукук сингари тармоклар киритилгандир. Унинг урни кишилик жамиятининг тараккиётидаги ахамиятига караб белгиланади.

Мехнат хукуки одамларнинг мехнат фаолияти жараёнидаги муносабатларини урганади. Бу фан маълум маънода мехнатни такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Кишиларнинг мехнат фаолияти ва мехнат хукуки билан бир каторда мехнат хукуки фани хам шакилланиб ва ривожланиб борганлиги хакида аник маълумотларга эга булишимиз лозим.

Мехнат хукуки фани масалан Россияда Октябр инкилобидан кейин таркиб топди ва ривожланиб борди.

Хар кандай давлат узининг дастлабки кунларидан бошлабок мехнат муносабатларини хукукий жихатдан тартибга солиш масаласи билан бевосита шугулланади. Кишиларнинг мехнат фаолияти ва муносабатлари буйича узининг норматив талабларини белгилаб олади. Бундай норматив талабалар эса Конституция, кодекслар ва конунларда хукукий жихатдан конунлаштириб куйилади.

Мехнат хукуки фани хам ягона ва ижодий негиз асосида курилади. Мехнат, унинг мохияти ва максадларига оид умумий тушунча ва дунёкарашлар ва урганиш методологияси хам давлат сиёсати, бозор муносабатлари билан чамбарчас богликдир.

Мехнат хукуки фанининг асосий коидалари ва томойиллари мамлакатнинг истикболини белгилаб берувчи конун хужжатларидан акс эттирилгандир.

Мехнат хукуки фани ижтимоий фан сифатида мехнат жараёнидаги ижтимоий муносабатларни урганади. Булар эса мехнат хукуки фанининг предметини ташкил этади. Мехнат хукуки фани хукук нормалари ва мехнат муносабатларини урганиш билан жамиятнинг объектив конуниятлари билан богликлигини аниклаб беради. Масалан, мехнатни такдирлашни тартибга солиш масаласини урганишда мехнат хукуки фани мавжуд нормалар асосида сарфланган мехнат микдори ва сифатига караб таксимлаш борасида амалдаги конун хужжатларига кай даражада мувофик эканлигини, мехнат меъёри билан истеъмол меъёри уртасидаги мувофиклик, мехнатни моддий рагбатлантириш ва уни мухофаза килиниши куриб чикилади. Улар уртасида номувофиклик аникланган такдирда мехнат хукуки фани бундай камчиликларни йукотиш йулларини ва шартларини белгилаб беради.

Мехнат хукуки фани хукукий тушунчалар ва илмий таърифларнинг вужудга келтиришга, хукукий онг ва маданиятни такомиллаштиришга ёрдам беради. Масалан Узб.Р.МК нинг 29 моддасида жамоа шартномаси тушунчасига тулик таъриф берилади. 72 моддада эса Мехнат шартномасига тулик тушунча ифодалаб берилгандир. Мехнат хукуки фанига оид бундай тушунчалар кодекслар ва конунларда пухта ишланган булиб, улар хусусида махсус тадкикотлар хам яратилгандир.

Мехнат нормаларини янада такомиллаштириш хукук фани маълумотларидан фойдаланишни такоза этади. Фаннинг мехнат хукуки нормаларини кулланиш борасидаги роли хам каттадир. Бунда мазкур нормаларни илмий талкин кила билиш, уларни ургапиш ва умумлаштириш, куп холларда эса хукукий нормаларни кулланиш тажрибасини тугри тахлил килиш натижасида конунларни тугри ва бир хилда куллаш имконияти тугилади.

Мехнат муносабатлари, мехнат сарфи билан боглик барча хаётий муаммолар хам мехнат муносабатлари тушунчасига киравермайди. Масалан, хаваскор овчи ов килар экан бунга у муайян мехнат сарфлайди. Бунда у хеч ким билан мехнат муносабатига киришмайди. Унинг ов билан боглик функцияси унинг юридик вазифасини ташкил этади. У мехнат хукуки нормалари билан тартибга солинувчи муносабатда булади. Фукаролик хукуки билан тартибга солинадиган айрим муносабатлар мехнат хукуки фанининг асосий элементи хисобланади. Мехнат хукукининг предмети жонли мехнат булса, фукаролик хукукининг предмети – мулкка айлантирилган мехнатдир.

Мехнат муносабатлари мулк шакли билан боглик булишидан катъи назар мехнат хукуклари билан тартибга солинади. Узбекистон Республикаси конституцияси ва бошка конунлар /Мулкчилик тугрисида, Корхона тугрисида, Хусусийлаштириш билан боглик конун хужжатлари/ да белгилаб берилган тамойилларни билиб олишимиз зарур. Мехнат килиш эркинлиги, дам олиш хукуки, мехнатга яраша хак олиш хукуки, ижтимоий таъминот олиш, нафака билан таъминланиш хукуки, мехнат интизомини таъминлаш бурчи ва бошка тамойиллар пухта конунлаштириб куйилгандир. Мехнат фаолиятини ташкиллашдаги мехнат муносабатлари мехнат хукуки тизимининг асосий ядросини вужудга келтиради.

Мехнат хукуки мулк шаклига караб мехнат муносабатлари табакалаштирилган холда урганишни таказо этади. Мехнатнинг доимий, муаккат, мавсумий, жисмоний ва аклий мехнат сингари турлари расмий тан олингандир. Шунга кура ишлаб чикариш хам турли – туман турларга булинади. Ер ости ишлари, маиший хизмат сохаси, йул – транспорт ходимларининг мехнати ва х.к. ички тармок табакалашувини билдиради. Уларга диккат ва эътибор килмаслик окибатида мехнатни хукукий тартибга солиш мумкин булмас эди.

Демак ишчи ва хизматчилар мехнатини мехнат хукуки урганса, интеллектуал фаолият натижалари билан ихтирочилик хукуки шугулланади. Пул – кредет ва хисоб – китоб ишлари сохасидаги мехнат фаолияти хукукнинг алохида бир тури – молия хукуки томонидан урганилади.

Мехнат жараёнида мехнат муносабатлари каторига кирмайдиган, лекин шу муносабат билан алокадор булган, улардан келиб чикадиган муносабатлар хам мавжуддир. Масалан, иш берувчи билан ишловчиларнинг жамоат ташкилотлар уртасидаги муносабатлар, жамоа шартномасини тузиш, мехнатга хак тулаш буйича келиб чикадиган муносабатлар, кадрлар тайёрлаш ва жойлаштиришга оид муносабатлар, иш жараёнида ишловчилар хаёти ва соглигини саклаш ишларини назорат килиш, мехнат низоларини куриб чикиш, хал килиш билан боглик муносабатлар ва х.к. хам тартибга солиб борилиши лозим. Бу муносабатларнинг барчаси мехнат хукукининг предмети, бинобарин мехнат хукуки фанининг урганиш объекти хисобланади.

Мехнат хукуки фани бошка давлатлардаги мехнат муносабатлари, Халкаро мехнат ташкилоти ишлаб чиккан тавсияномалар, халкаро битимлар томонидан шакллантирилган мехнат муносабатларни хам урганиб боради.

Мехнат хукуки фани мехнат килиш тарихини, мехнат хукуки боскичларини хам урганиб боради. Мехнат хукуки фани эса доимий равишда такомиллашиб, ривожланиб келмокда. Масалан 70 йилларгача мехнат хукуки фанининг урганувчи предмети булиб келган мехнатга кобилиятсизлик нафакаси, ногиронлик нафакаси, карилик нафакаси билан боглик муносабатлар ижтимоий таъминот хукуки деб номланувчи хукук тармоги булиб ажралиб чикди.

Мехнат муносабатларини мехнат хукукидан ташкари хукукнинг бошка тармоклари – жиноят, фукаролик, маъмурий ва мехнат хукуклари узаро якинликда урганиб борадилар. Уларни урганишда янги кабул килинган конунлар, фармонлар ва бошка хукук манбалари катта ахамиятга эга.

Мехнат хукуки икки кисмдан – а) умумий ва б) махсус кисмдан иборатдир. Умумий кисм факат мехнат муносабатларининг айрим элементларини эмас, балки умуман мехнат муносабатига оид хамма масалаларни уз ичига олади.

Махсус кисм – мехнат муносабатларининг айрим элементларига тааллукли масалалар (ишга кабул килиш, бошка ишга утказиш, ишдан бушатиш, иш ва дам олиш вакти, мехнатга хак тулаш, мехнат мухофазаси, мехнат интизоми, мехнат низоларини куриш) ларни уз ичига олади.

Кейинги йилларда мехнат хукуки масаласида кескин узгаришлар содир этилди. Илгари мехнат килиш хам хукук ва хам

бурч тарзида конунлаштирилган эди. Мустакиллик йилларида, янги мехнат конунчилигида мехнат килиш эркинлиги хал этилди. Мажбурий мехнатнинг такикланиши билан бирга ёлланиб ишловчи фукаролар институти хам шакллантирилди.

Мустакиллик йилларида бозор муносабатларига мос ислохотларни амалга ошириш жараёнида мехнат хукукига хам уз таъсирини утказмокда. Унинг предмети ва вазифалари доирасини хам кайта куриб чикилмокда. Узбекистон Республикаси Олий Кенгаши узининг 1993 йил 2 сентябрида «Мехнат конунлари кодексига узгартишлар ва кушимчалар киритиш тугрисида»ги конунни кабул килди. Унга кура МКК даги синфийлик, партиявий мафкура коидалари бекор килинди.

Узбекистон Республикаси Мехнат вазирлиги шу муносабат билан Вактинчалик Низомни ишлаб чикди. Унга кура хусусий, кушма, кичик, масъулияти чекланган ёки тулик акционерлик жамиятлари, дехкон – фермер хужаликлари ва якка тартибдаги мехнат фаолияти билан шугулланувчи, факат шахсий ёрдамчи хужаликда банд булган ва узини даромад билан таъминлайиган шахслар мехнатини хукукий тартибга солишнинг узига хос хусусиятлари, ушбу жабхада мехнат килаётган фукаролар, уларнинг оила аъзоларини ижтимоий жихатдан химоя килиш коидалари баён этилгандир.

Давлат тасарруфида булмаган секторда банд булган фукароларни ижтимоий таъминлаш, нафака ва пенсиялар тайинлаш масалалари хам ушбу Низомда уз ифодасини топди. Турли – туман ширкатлар, уюшмалар, жамоа хужаликлари, дехкон – ва фермер хужаликлари хамда бошка тадбиркорлик шаклларининг аъзолари булган шахсларнинг мехнат фаолиятлари мехнат конунлари билан эмас, балки тегишли кооператив ёки бошка хужалик юритиш субектларининг низомлари билан тартибга солинади.

Бирок «Кооперация тугрисида», «Корхоналар тугрисида», «Ижара тугрисида», «Жамоат бирлашмалари тугрисида» ва бошка конунларда таъкидланишича, уларда мехнат килаётган барча шахсларга мехнат конунларида кузда тутилганидан паст булмаган мехнат шароитлари яратилиши, мехнат хукуклари таъминланмоги керак.

Иш берувчиларнинг касаба уюшма ташкилоти билан муносабатлари мехнатни ташкил этишга кумаклашса хам, мехнат муносабатлари булмасдан, жамоат муносабатларидир. Бу муносабатлар мехнат конунларига кура купрок «Касаба уюшмалари ва уларнинг хукуклари тугрисида»ги конунга асосланади.

Корхона ва ташкилотларнинг ахолини иш билан таъминлаш органлари билан буладиган муносабатларини хам мехнат конунлари билан эмас, маъмурий хукук нормалари билан тартибга солинади. Чунки ахолини иш билан таъминлашда хокимият ваколатлари хукмрон рол уйнайди.

Назорат учун саволлар.

1. Мехнат хукуки фани нимани ургатади?
2. Мехнат фаолияти деганда нимани тушунасиз?
3. Ижтимоий муносабатларни тушунтириб беринг?
4. Мехнат килиш эркинлигига таъриф беринг?

5. Мехнат хукукининг махсус кисмида нималар акс эттирилади?
6. Мехнат шароитларини баён килинг?

Адабиётлар.

1. Узбекистон Республикасининг Конституцияси. Т. 2001 й.
2. Узбекистон Республикасининг Мехнат кодекси. Т. 1996 й.
3. Хукукий ислохатлар: мехнат конунчилиги. Кулланма. Т. 1995 й.
4. Мехнат конунчилигидан нималарни билиш керак. Т. 1990 й.

2-мавзу: Мехнат хукуки манбалари.

Режа:

1. Мехнат кодекси, унинг яратилиши, тузилиши ва тараккиёт боскичлари.
2. Мехнат хукуки манбалари тушунчаси.
3. Норматив хужжатлар, уларнинг амал килиш коидалари.

Таянч тушунчалар:

Мехнат хукуки манбалари тушунчаси, Узбекистон Республикаси Конституцияси-асосий манба, Мехнат кодекси ва унинг тамойиллари, бошка норматив хукукий хужжатлар.

Узбекистон Респбликасида мехнат конунлари кодексини ишлаб чикиш 50 йилларда бошланди. Чунки бу даврга келиб мехнат конунчилигини ривожлантириш учун кулай шарт – шароитлар яратилди. Шу давргача амалда булган Мехнат конунлари кодекси 1922 йилда кабул килинган эди. 50 йилларнинг охирларигача булган даврда конунчиликда купгина кушимча ва узгартиришлар ишлаб чикилган эди. Колаверса Мехнат конунлари кодексининг асосий матни эскириб колган эди. Давлат ва жамият хаётида юз берган улкан узгаришлар Кодексдан четда колиб кетди. Шунинг учун хам Республика конун чикарувчи органи узининг 1958 йил 10 июндаги карори билан Узбекистон конунчилигини кодекслаштириш комиссиясини тасдиклади. Кодексларнинг, шу жумладан Мехнат конунлари кодекси лойихасини тайёрлаш учун мутахассислар, юристлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакилларидан иборат 9 та комиссия ташкил этилди.

1958 йилнинг охирларига келганда Узбекистон Республикаси Мехнат конунлари кодексининг янги лойихасини тайёрлаш ишлари тугатилди. Лойихада Кодекснинг умумий хажми 192 моддадан 309 та моддага купайтирилди. Бунга а) мехнат

муносабатларини хукукий жихатдан тартибга солишни такомиллаштирилиши б) ишчи ва хизматчиларнинг мехнат хукукларини кенгайтирилиши сабаб булди. Бунда мехнат хукуки фанинин ютуклари хам эътиборга олинди, суд практикасида тасдикланган холатлар хам мустахкамланди. Янги матнга «Халк хужалигини кадрлар билан таъминлаш», «Мехнат конунчилигига риоя этилиши устидан назорат килиш» сингари янги боблар киритилди. Конунларни кодекслаштириш тизими узгартирилди ва кайта ишлаб чикилди, купгина моддалар ва боблар тула кайта ишланди. Лекин уни кабул килиш жараёни узокка чузилиб кетди.

Узбекистон Республикасининг биринчи мехнат конунлари кодексининг лойихаси тайёр булиб колан эди. Бу лойиха 1971 йилдаги Мехнат конунлари кодексини ишлаб чикишга асос килиб олинди.

1970 йилнинг 15 июлида собик Иттифок республикасининг Мехнат Конунлари Асослари кабул килинди. У мехнат конунчилигини янада такомиллаштирилишини таъминлади. Узбекистон Мехнат конунлари кодексини тузишда юридик база булиб хизмат килди.

Узбекистон Республикаси мехнат конунлари кодекси лойихасини тузишда хукукшунос олимлар, суд ва прокуратура идораларининг ходимлари, жамоат ташкилотларининг вакиллари фаол катнашдилар. Лойиха Республика хукумати томонидан куриб чикилди. Республика Олий Кенгаши Мехнат конунлари кодекси лойихасини тайёрлаш буйича комиссия ташкил этилди. Лойиха кенг жамоатчилик томонидан мухокама этилди. Таклиф ва мулохазалар лойиха тайёрлаш комиссияси томонидан куриб чикилди. Лойиха мухокамаси даврида мехнат конунчилигининг айрим коидаларини янада аникрок ифодалаш имконияти тугилди. Бошка республикаларнинг мехнат конунчилигидаги тажрибалар хисоба олинди.

Мехнат конунлари кодекси лойихаси хар томонлама мухокама этилиб, кушимчалар киритилгандан сунг 1971 йилнинг 17 декабрида Республика Олий Кенгаши Кодексни тасдиклаш ва уни 1972 йилнинг 1 майидан кучга киритиш хакида конун кабул килди.

Мехнат конунлари кодекси ишчи ва хизматчиларнинг мехнатини тартибга солувчи норматив коидаларнинг кодекслаштирилган тупламидир. I моддада айтилишича Кодекс мехнат унумдорлигини устиришга, иш сифатини яхшилашга, ижтимоий ишлаб чикариш самарадорлигини оширишга ва мехнаткашларнинг турмушини яхшилашга, мехнат интизомини мустахкамлашга хизмат килади. Мехнаткашларнинг мехнат муносабатларини тартибга солади.

Мазкур кодекс 18 та боб ва 300 моддадан иборатдир.

Узбекистон Республикаси Мехнат конунлари кодексининг 2 боби ишчи ва хизматчиларнинг ишлаб чикаришга жалб этишнинг хамда мехнат муносабатларини тартибга солиш воситаси сифатида

жамоа шартномасига багишланади. Кодекснинг 3 бобида «Мехнат шартномаси» конуний асосда расмийлаштирилади. Унда бу масала буйича купгина хукукий янгиликлар баён этилади. Масалан, ишга кабул килишни асоссиз рад этишга йул куйилмайди. Бунда хеч кимга имтиёз берилмайди. Ишга кабул килиш хакидаги буйрук ходимга тилхат билан маълум килиниши Кодексга биринчи марта киритилди. Мехнат дафтарчаси хакидаги 26 модда хам кодексга янги модда сифатида киритилди.

Кодекснинг 36 моддасида мехнат шартномасини бекор килиш асослари санаб курсатилади.

Мехнат кодексига республиканинг айрим миллий хусусиятларини хисобга олиш кузда тутилган. Масалан Узбекистон хукуматининг 1940 йил 29 июндаги карорига кура Жума куни республика худудида дам олиш куни деб белгиланган эди. Лекин, кейинчалик халкаро вазиятнинг таказосидан келиб чикиб, 1941 йилнинг 26 майида республика хукумати дам олиш кунини жумадан якшанбага кучириш хакида карор чикарди.

Мехнат конунлари кодексининг «Мехнат низолари» деб номланган 14 бобига 1975 йилда кушимчалар киритилган булиб, у 32 моддадан иборат. Бошка республикаларнинг мехнат кодекларида бу моддалар сони 20 тадан 24 тагача моддани уз ичига олади.

Мехнат кодексининг 233 моддасида «Мехнат низолари комиссияларида курилмайдиган масалалар» санаб курсатилади. Бу эса кодексдан фойдаланишда кушимча кулайликлар тугдиради. Бундай нормалар Тожикистон ва Туркманистондан бошка хеч кайси республикаларнинг кодексларига киритилмаган.

Мехнат интизомини бузувчиларга карши кураш уз ахамиятини саклаб колди. Масалан Хукуматнинг 1983 йил 29 октябрдаги Фармонига кура ходимнинг маст холда етказган зарари учун тулик моддий жавобгарликни кузда тутувчи туртинчи пункт 144 моддага киритилди.

Хукук манбаи деганда умумий маънода хукукни ифода этиш шакли тушунилади. Манбаларнинг умумий шакли норматив хукукий хужжатдир. Шундай экан, мехнат хукукининг манбалари – мехнатга оид муносабатлар ва улар билан узвий равишда боглик булган бошка муносабатларни тартибга солувчи турли норматив – хукукий хужжатлардир.

Норматив – хукукий хажжатлар муайян турдаги ва мазмундаги ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Маълумки, 2000 йил 14 декабрда «Узбекистон Республикасининг норматив – хукукий хужжатлар тугрисида»ги конун кабул килинган. Мазкур конунда норматив – хукукий хужжатлар тушунчаси, турлари ва уларга куйиладиган талаблар белгилаб берилган.

Конуннинг 2 – моддасида норматив – хукукий хужжатлар тушунчаси баён этилган. Белгиланган шаклда кабул килинган, умуммажбурий нормаларни белгилаш, узгартириш ёки бекор килишга каратилган расмий хужжат норматив хужжат деб аталади.

Конунда курсатилишича Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Республика Президенти, Вазирлар Махкамаси, вазирликлар, давлат кумиталари ва идоралари, махаллий давлат хокимияти органлари норматив – хукукий хужжатларни кабул килувчи органлар ёки мансабдор шахслар хисобланади (4-модда).

Норматив – хукукий хужжатлар давлат хокимияти ва давлат бошкарув органлари томонидан кабул килинди. Норматив – хукукий хужжатлар, уларни кабул киладиган органлар мавкейи, юридик кучи, амал килиш худуди, тадбик этиладиган шахслар доирасига караб куйидаги туркумларга булинади:

а) Узбекистон Республикаси конституцияси.
б) Республика конунлари.
в) Олий Мажлис Карорлари.
г) Президент фармонлари.
д) Вазирлар Махкамасининг карорлари.
е) вазирликлар, давлат кумиталари ва идораларининг хужжатлари.
ж) махаллий давлат хокимияти органлари карорлари.

Мехнатга оид муносабатларни тартибга солувчи норматив – хукукий хужжатлар 1) конунлар ва 2) конун ости хужжатларга булинади. Норматив – хукукий хужжатлар конун хужжатлари хисобланади ва улар Узбекистон Республикасининг Конституцияси, Узбекистон республикасининг конунлари, Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг карорлари конун хужжатлари хисобланади.

Узбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Вазирлар Махкамасининг карорлари, вазирликлар, давлат кумиталари ва идораларининг норматив хужжатлари, махаллий давлат хокимияти органларининг карорлари конун ости хужжатлар сифатида белгиланган (конуннинг 6 – моддаси).

Маълумки, норматив – хукукий хужжатлар тизимида конунлар асосий урин эгаллайди. Конун давлат Олий вакиллик органи томонидан кабул килинадиган, энг юкори юридик кучга эга булган норматив–хукукий хужжатдир.

Мамлакатимизда Узбекистон Республикаси Конституциясининг устиворлиги сузсиз тан олинади. Конституция бошкалар орасида марказий урин тутади ва Узбекистон Республикасининг бутун худудида кулланилади. Конунлар ва бошка норматив – хукукий хужжатлар Конституция асосида кабул килинади хамда унинг нормаларига зид келиши мумкин эмас (конун 7 – модда). Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фукаролар Конституция ва конунларга мувофик иш курадилар. Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаб утганидек, жамият хаётининг мезони булган Конституцияни чукур урганишимиз, уни амалий хаётимизнинг доимий кулланмасига айлантиришимиз даркор…

Конституциямиз конун олдида хамманинг тенглигини таминлайдиган, хар бир инсоннинг уз фикрини эмин – эркин ифода килишида, уз хак–хукукларини талаб этишда, бурч ва масъулиятларини бажаришда бамисоли калкон булиб хизмат килиши керак.

Узбекистон Республикаси Олий кенгашининг 12–чакирик 11–сессиясида 1992 йил 8 – декабрда кабул килинган Узбекистон Республикасининг Конституциясида миллий давлат ва унинг маъмурий – худудий тузилиши, давлат хокимияти ва бошкарув органларининг тизими, ички ва ташки сиёсатни амалга ошириш тамойиллари, фукароларнинг асосий хукуклари, эркинликлари, бурчлари белгилаб берилган.

Таъкидлаш жоизки, холкаро – хукукий хужжатларда жумладан, инсон хукуклари Умумжахон Декларацияси, инсон хукуклари тугрисидаги халкаро битим ва бошка хужжатларда кузда тутилган. Хар бир фукаронинг мехнат хукуклари Узбекистон Республикаси Конституциясида уз ифодасини топган. Асосий

конунимиз мехнат сохасидаги тенглик, камситишларга йул куймаслик, Конституцияга мувофик фукароларнинг касб ва иш турини эркин танлаш хукукининг энг мухим кафолати булиб колади. Кейинги йилларда мехнатга оид муносабатлар сохасида хам бирканча мухим конунлар кабул килинди.

Масалан, Узбекистон Республикасининг 1998 йил 1–майида тасдикланган «Ахолининг иш билан таъминлаш турисида»ги (янги тахрир) конунда хар бир киши узининг мехнатга булган кобилиятини тасарруф этишда мутлак хукукка эга экани такидланади.

Назорат учун саволлар.

1. Узбекистон Республикаси Конституцияси – хукук манбаи деганда нимани тушунасиз?
2. Мехнат хукуки манбаларини санаб беринг?
3. Норматив хужжатлар деган тушунчани баён килинг?
4. Конун ва конун ости хужжатларини биласизми?
5. Хамманинг конун олдида тенглиги хакида гапиринг.

Адабиётлар.

1. Узбекистон Республикаси Конституцияси Т. 2001 й.
2. Мехнат хукуки дарслик. 2002 й.
3. «Норматив – хукукий хужжатлар турисида» конун, 2000 й, 14 декабрь.
4. Ахоли учун юридик маълумотнома, 1 кисм. Т. Адолат, 1994.

3-Мавзу: Мехнат жамоаси ва унинг ваколатлари.

Режа:

1. Корхоналар мехнат хукукининг субъектлари сифатида.
2. Мехнат жамоаси мехнат хукукининг субъектлари.

3. Касаба уюшма органлари мехнат хукукининг субъекти сифатида.

Мехнат кодексининг 15-моддасига мувофик, иш берувчи мехнатга оид муносабатларнинг субъекти хисобланади. Ушбу моддага биноан, куйидагилар иш берувчилар булиши мумкин:

1. Корхоналар, шу жумладан, уларнинг алохида таркибий булимлари уз рахбарлари тимсолида:
2. Мулкдорларнинг узи айни бир вактда рахбар булган хусусий корхоналар:
3. Конун хужжатларида назарда тутилган холларда 18 ёшгача булган айрим шахслар. Конунга биноан, корхона хукукий статусга эга булган такдирдагина, иш берувчи хисобланади. Бошкача айтганда, даставвал корхона иш берувчи сифатида хукукий лаёкатга эга булиши лозим. Иш берувчининг хукукий субъект экани бу унинг мазмуни корхона устави ёки низомда курсатилган ишлаб чикариш максади ва вазифалари билан белгиланади. Бозор иктисодиёти шароитида корхоналар, турли мулк шакллари асосида ташкил топади. Унинг юридик шахс сифатида ташкил этилиши, мазмун, мохияти ва тушунчаси Узбекистон Республикаси Фукаролик кодексининг 39-57-моддаларида баён этилган.

Фукаролар Кодексининг 39-моддасида таъкидланишича, уз мулкида хужалик юритишда ёки оператив бошкарувида алохида мол-мулкка эга булган хам уз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, уз номидан мулкий ёки шахсий номулкий хукукларга эга була оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда давогар ва жавобгар була оладиган ташкилот юридик шахс хисобланади. Юридик шахснинг узига хос хусусиятлари ва муайян белгилари мавжуд. Корхона рахбари билан тузилган мехнат шартномасида унинг хукуклари, мажбуриятлари, жавобгарлиги, унга туланадиган мехнат хаки микдори хамда ваколатлари доираси белгилаб куйилади. Шунингдек, корхона рахбари, унинг уринбосарлари ва бош бухгалтер билан мехнатга доир муносабатларни бекор килиш шартлари мехнат шртномасида аник курсатилади. (М.К.нинг 97-модда 5-банди). Корхона рахбари барча ходимлар унинг мажбурий

булган буйрук ва фармойишлар чикариш, мехнат шартномалари тузиш, интизомий хамда моддий жавобгарликка тортиш каби хукуклари М.К.нинг 17-моддасида баён этилган.

2. Узбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелдаги «Акциядорлик жамиятлари ва акцидорларнинг хукукларини химоя килиш тугрисида» ги конунда курсатилганидек низом жамгармасида жамиятнинг акциядорларга нисбатан мажбуриятларини тасдикловчи муайян микдордаги акциядорларга таксимланган хужалик юритувчи субъект акциядорлик жамияти деб юритилади. Жамият юридик шахс сифатида мустакил балансида хисобга олинган алохида мол-мулкига эга булиши, уз номидан мулкий ва шахсий номулкий хукукларни олиши хамда амалга ошириши зиммасига масъулиятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар булиши мумкин. Жамият давлат руйхатидан утказилган пайтдан бошлаб юридик шахс хукукларини кулга киритади ва уз низомига мувофик иш юритади. Чет эллик инвесторлар иштирокидаги корхонани тузиш, давлат руйхатидан утказиш ва тугатиш тартиби Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1997-йил 2-июлдаги 36-сонли карори асосида амалга оширилади.

Жамиятнинг кундалик фаолиятини бошкаришга якка рахбарлик асосидаги ижроия органи (директор) ёки коллегиал ижроия органи (бошкарув, дирекция) томонидан амалга оширилиши мумкин. Узбекистон Республикасининг «Кишлок хужалиги кооперативи (ширкат хужалиги) тугрисида» ги 1998 йил 30 апрелдаги Конунига биноан, кишлок хужалиги кооперативи, (ширкат хужалиги) юридик шахс хукукларига эга булган мустакил хужалик юритувчи субъект булиб хисобланади. Кишлок хужалиги кооперативининг (ширкат хужалиги) устави кооператив фаолиятини тартибга солувчи асосий хукукий хужжат хисобланади.

3. Касаба уюшмаси хам мехнатга оид муносабатларда узига хос хусусиятларга эга булади. Унинг статуси (хукукий холати) коннучиликда белгилаб куйилган. Жумладан, юкоридаги эслатилган конунда касаба уюшмасининг хукукий хамда муомила лаёкати, унинг хукук ва мажбуриятлари, шунингдек, уларни амалга ошириш кафолатлари белгилаб куйилган.

Касаба уюшмаларининг максад ва вазифалари Узбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмаларининг уставида аник курсатилган. Мазкур устав Узбекистон касаба уюшмалари федерациясига бирлашган касаба уюшмаларининг 1995 йил 17-мартдаги курултойида кабул килинган. Федерациянинг 2000 йил 8-апрелдаги 3-Курултойида унга жузъий узгартиш ва кушимчалар киритилиб, тасдиклаган. Мазкур уставга мувофик, касаба уюшмаларининг бош вазифаси-касаба уюшма аъзоларининг мехнат, ижтимоий, иктисодий, маънвий интеллектуал хукук ва манфаатларини мухофаза килишда харакат бирлигини амалга оширишдан иборат. **Касаба уюшмалари:**

- миллати, жинси, ёши ва диний эътикодидан катъий назар касаба уюшмаси аъзосининг мехнат килиши, ишни ва касбни эркин танлаши, хакконий мехнат шароитининг яратилиши, ишсизликдан химоя килинишига доир конституциявий хукукларига риоя этилишига:

- *иш билан бандликнинг энг юкори даражада булиши, даромадларнинг оширилишига ва мулкий табакаланиш даражасининг пасайтирилишига;*
- *мехнатга хак тулаш ва мехнат режимининг ижтимоий адолатли тузилишининг жорий этилишига;*
- *инсоннинг маънавий ва ижтимоий камолотига ёрдам берадиган буш вактдан окилона фойдаланишга;*
- *ишлаб чикаришнинг ривожланиш даражасига кура, ходимлар малакасининг оширилишига ва касб жихатидан кайта тайёрланишига;*
- *мехнат конунчилиги, мехнат ва атроф мухитни мухофаза килишга оид конун коида ва нормаларга риоя этилишига;*
- *ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини согломлаштириш, жисмоний тарбиясини ривожлантириш учун моддий шарт-шароитлар яратилиши ва маблаг ажратилишига;*
- *жамоа шартномаси ва келишувларини тузиш хамда уларнинг бажарилиши устидан назоратнинг амалга оширилишига;*
- *давлат органлари ва жамоат ташкилотлари билан хамкорликда ишлаш, мехнаткашларнинг мехнат, ижтимоий, иктисодий ва маънавий хукук ва*

эркинликларини химоя килишга каратилган конун хамда бошка норматив хужжатлар кабул килинишга, баркарорлик, хамжихатлик ва фукаролар тотувлигини саклаб колишга интилади.

Маълумки, Узбекистон касаба уюшмалари федерациясига бирлашган касаба уюшмаларининг 2000 йил 8-апрелда булиб утган 3-курултойида фукаролик жамиятини шакллантирш шароитида харакат дастури тсдикланган. Мазкур дастурда касаба уюшмаларининг жамиятдаги ахамияти ва урнини белгилаш, уларнинг конун чикарувчи, ижроия хокимият, тадбиркорлар, сиёсий партиялар, харакатлар, жамоат ташкилотлари, бошка касаба уюшмалари билан узаро алокалари, фаолият стратегияси ва тактикасини, шакли хамда услубларини халкаро касаба уюшмалари харакатидаги сиёсатини аниклаб олиш назарда тутилади.

Давлат ва хужалик идоралари, иш берувчилар, жамоат ташкилотлари, мансабдор ташкилотлари, мансабдор шахслар касаба уюшмаларининг хукукларига риоя этилиш, уларнинг фаолиятига кумаклашиши шарт.

Назорат учун саволлар

1. Мехнат жамоасига таъриф беринг.
2. Мехнат жамоасининг тузилиши ва фаолияти хакида нима биласиз?
3. Жамоа рахбари ваколатларини санаб курсатинг?
4. Мехнат жамоасининг вазифаларига нималар киради?
5. Жаомат ташкилотлари ва уларнинг ваколатларини баён этинг.

Адабиёт

1. Узбекистон Республикасининг Мехнат Кодекси. Т. 1996 й.
2. «Корхоналар тугрисида» конун. 1991 й.
3. «Касаба уюшмалари уларнинг хукуклари ва фаолияти кафолатлари тугрисида» конун. 1992 й 2 июл.

4. Ахоли учун юридик маълумотнома. Т. Адолат. 1 кисм. 1999 й.

4-мавзу: Мехнат муносабатлари ва уларни хукукий тартибга солиниши.

Режа:

1. Мехнат муносабатлари хакида тушунча.
2. Мехнат муносабатларининг асосий йуналишлари.
3. Мехнат муносабатларини хукукий тартибга солиш.

Таянч тушунчалар:

Мехнат жараёни ва ижтимоий муносабатлар. Мехнат муносабатларини акс эттирувчи норматив хужжатлар. Мехнат кодекси ва унинг тамойиллари.

Мустакиллик йилларида Узбекистон Республикаси худудида мехнат муносабати масаласи. Уни тартибга солиш муаммолари сохасида хам кескин чоралар курилди. Мехнат муносабатларини акс эттирувчи конун хужжатлари, келишувлар, шартномалар, битимлар ва бошка локал норматив хужжатлари ишлаб чикилди.

Мулкчилик шаклидан катъи назар барча корхона ва муассасалар хамда айрим фукаролар билан жисмоний шахсларнинг мехнат муносабатлари тегишли равишда конун хужжатлари билан тартибга солинади.

Мехнат тугрисидаги конун хужжатлари ишловчилар ва иш берувчиларнинг давлат ва жамият манфаатларини эътиборга олган холда, мехнат бозорининг самарали амал килишини, хакконий ва хавфсиз мехнат шароитларини, ходимларнинг мехнат хукуклари ва соглиини химоя килинишини таъминлайди, мехнат унумдорлигининг усишига, иш сифатини яхшиланишига, ахолининг моддий ва маънавий турмуш даражасини юксалишиа кумаклашади.

Мехнат муносабатига киришаётан барча субъектларнинг хукук ва мажбуриятлари конун хужжатлари билан белгилаб куйилади.

Мехнат хакидаги хужжатларда белгилаб куйилган ва тасдикланган шартлар муносабат субъектлари томонидан бир тарафлама узгартирилишига йул куйилмайди. Мехнатга оид муносабатларда тартибга солинмаган масалалар мехнат шартномаси тарафларининг келишуви асосда хал килинади.

Хар кандай локал шартномаларнинг ишловчи ходимлар ахволини огирлашуви ёки ёмонлашувига олиб келадиган шартлари ёки талаблари конун йули билан хакикий эмас деб топилади (5 модда).

Узбекистон Республикасининг барча фукаролари мехнатга оид муносабатларда узаро тенгдирлар ва уларни хар кандай йуллар билан камситилиши такикланади.

Фукароларнинг жинси, ёши, ирки, миллати, тили, ижтимоий келиб чикиши, мулкий холати ва мансаб мавкеи, динга булган муносабати, эътикоди, жамоат бирлашмалари мансублиги, ишчанлик кобилиятлари ва мехнат натижалариа алокадор булмаган жихатларига караб мехнатга оид муносабатларда хар кандай чеклашларга ёки имтиёзларга йул куйилмайди ва уларни камситиш деб бахоланади.

Мехнатнинг муайян турига хос булган талаблар ва ижтимоий химояга мухтож булган шахслар (аёллар, вояга етмаганлар, ногиронлар ва бошкалар) учун давлат конун хужжатларида белгилаб куйилган фарклар ва енгилликлар камситиш деб хисобланмайди.

Узбекистон Республикаси мехнат кодексининг 6 моддасида курсатилишича, мехнат муносабатларида хукуклари камситилган шахслар бундай камситишни бартараф этиш хамда унга етказилган моддий ва маънавий зарарни коплаш буйича даъво аризаси билан судга мурожаат килиши талаб этилади.

Мехнат муносабатларидаги узига хос демократик тамойиллардан бири мехнат килишга мажбурловнинг таъкикланишидир. Мехнат конунчилиги томонидан тахдид килиш оркали иш бажаришга мажбурлаш таъкикланади.

Мехнат кодексининг 7 моддаси талабларидан келиб чиккан холда:

1. *харбий ёки мукобил хизмат тугрисидаги конунлар асосида.*
2. *фавкулодда холат юз берган шароитларда.*
3. *суднинг конуний кучга кирган хукмига биноан.*
4. *бошка айрим холларда бажарилиши лозим булган ишлар мажбурий мехнат деб хисобланмайди.*

Мустакиллик йилларида маъмурий буйрукбозлик иш услубларининг бархам топиши, иктисодий омиллар ахамиятининг усиб бориши билан муносабат иштирокчилари уртасидаги иктисодий ва хукукий муносабатлар мазмуни хам узгариб ва бойиб бормокда.

Хужалик юритувчи барча субъектларга кенг имкониятлар яратилганлиги, уларни хукукий жихатдан тенглаштирганлиги халол ракобат учун зарур булган вазиятни вужудга келтирмокда. Бу ракобат мехнат бозорида ривожланган мамлакатларда амалда булган иктисодий жараёнларнинг авж олишига туртки булиб хизмат килмокда.

Мехнат муносабати катнашчилари уртасидаги хукукий муносабатлар шакли булмиш мехнат шартномаси олдинги пайтларда ягона колипда тузилар, унда ишловчининг алохида хусусиятлари, мехнатнинг характери ва бошка мухим масалалар эътибордан четда колиб кетар эди.

Мехнат килиш хамманинг асосий мажбурияти булгани, мехнат жойини танлаш имкониятлари чеклангани, томонлар уртасида мехнат шартлари буйича музокаралар олиб борилиши истисно килинар эди. Мехнат шартномаларининг аксарият кисми огзаки шаклда тузилиши хам бундан далолат берар эди.

Республикамизнинг барча корхона ва муассасаларида фукароларнинг мехнат хукукларини химоя килиниши кафолатланади. Бундай химоя назорат органлари ва мехнат низоларини хал этиш органлари томонидан амалга оширилади (8 модда).

Собик иттифок тузуми шароитида мехнат муносабатлари а) маъмурий буйрукбозлик тизимига ва б) давлат мулкига асосланган булиб, барча масалалар марказлаштирилган холда хал этилар эди.

Натижада ишловчи ва иш берувчиларнинг фаолиятларини хукукий жихатдан тартибга солиш имкониятлари чеклаб куйилган эди.

Узбекистон Республикасининг 1995 йил декабрида тасдикланган Мехнат кодекси 1. мехнат миносабатлари субъектларининг эркинликларини кенгайтирди. 2. уларнинг мехнатини тартиба солишни енгиллаштирди. 3.ишловчиларнинг мехнат хукукларини конуний жихатдан химоя килишни таъминлайди.

Олдинлари мехнат муносабатларини марказлаштирилган холда тартибга солинар эди. Эндиликда мехнат муносабатларидаги вазият тубдан узгариб кетди. Бозор муносабатларига утиш, мулкчиликнинг хилма – хиллиги, мехнат муносабатларининг шартнома асосида тартибга солиниши корхоналарда мехнат шароитларининг тубдан фарк килишга олиб келди. Натижада ишловчилар учун мехнат турини танлаш имкониятлари кенгайди. Шу билан бирга хар бир кишининг адолатли мехнат шароитларига эга булиши, хар бир киши учун унинг каерда ва кандай иш билан шугулланаётганидан катъи назар, мехнат конунчилиги билан кафолатланади. Бу ерда мехнатга хак тулашнинг минимал хажми, иш вактининг чегаралари, мехнат муносабатларида камситишларга йул куймаслик холатларига алохида эътибор берилади.

Корхона ва муассасаларда ишловчилар билан тузиладиган локал (жорий) актлар мехнат шароитларини яхшилаш ва ишловчиларнинг мехнат хукукларини химоя килинишини таъминлайди. Уларни конунларда курсатиб куйилган даражадан пасайишига йул куйилмайди.

Хар бир кишининг мехнат килиш хукуки ишга кабул килишда ноконуний усуллардан фойдаланишни таъкиклаш, ходимнинг шартномавий шароитидаги мехнати бир ёклама тартибда узгартиришга йул куйилмайди. Факат ходимнинг иш берувчи билан тузган шартномасини ходимнинг ташаббуси билан (ташаббус асосли булганда) узгартирилиши ёки тутатилиши мумкин. Иш берувчининг ташаббуси билан бундай килиш конунларда кузда тутилган асосларга кура амалга оширилади.

Узбекистон Республикасининг Мехнат кодекси Халкаро Мехнат Ташкилотининг 1982 йилдаги 158 сонли «Мехнат муносабатларини тухтатиш тугрисида» ги талабларини хисобга олган холда бозор шароитида шартномани бекор килиш ходим

учун кутилмаган хол булмаслиги керак. Шунинг учун хам иш берувчи ходим билан шартномани бекор килиш хохиши тугилганда, уни олдиндан огохлантириши мажбурият сифатида белгилаб куйилган.

Узбекистон Республикасининг Конституциясида ахолини ишсизликдан химояланиш хукуки белилаб куйилгандир. Мехнат кодекси ва «Ахолининг бандлиги тугрисида»ги конуни хар бир кишига иш турини танлашда куплаб хукукларни белгилаб берди. Давлат ахолини янги касбга ургатиш ва янги мутахассисликни эгаллашда ходимга хар томонлама амалий ёрдамлар курсатади.

Мехнат муносабатларида иш вакти, дам олиш вакти, мехнат ва ижтимоий таътиллар масаласи алохида уринни эгаллайди.

Халкаро Мехнат ташкилотининг 1935 йилда кабул килинган Конвенциясида бундай хукуклар ва 40 соатлик мехнат хафтаси белгилаб куйилгандир. Узбекистон Республикаси 1992 йилда ХТМ га аъзо этиб кабул килинди. 1993 йилнинг 2 сентябрида Мехнат конунлари кодексига кушимча ва узгартиришлар хакида конун кабул килинди. Унга кура мамлакатимизда 40 соатлик иш хафтаси белгилаб берилди. 1995 йилда кабул килинган Мехнат кодексининг 115 моддасида хам алохида белгилаб куйилди.

Айрим категориядаги ишловчилар учун кискартирилган иш вакти белгиланганлиги ва бунда иш хаки тулалигича саклаб колиниши хам мухим ахамият касб этади. I ва II гурух ногиронларининг иш вакти хафтасига 36 соат, зарарли мехнат шароитларида ишловчи ходимлар иш вакти хам камайтирилгандир. Байрамлар арафасидаги иш куни 1 соатга кискартирилди.

Мехнат муносабатларида катта уринни эгалловчи масалалардан бири мехнат таътили масаласидир. Мехнат конунчилигида курсатилишича мехнат таътилининг энг кам вакти 15 кундан иборат килиб белгиланди. Ишловчи ходимларнинг мехнат таътили пули таътилнинг биринчи кунигача туланиши лозим.

Узбекистон Республикасининг Халкаро Мехнат Ташкилотининг 1936 йилги 52 сонли «Хак туланадиган таътил» хакидаги Конвенциясига кушилган. ХТМ нинг 1970 йилги 132 Конвенцияси таътил сохасида янада юкорирок даражани белгилаб беради.

Узбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрда кабул килинган «Фукароларнинг давлат нафака таъминоти хакида»ги конуни хар кимнинг ижтимоий таъминотидан иборат конституцион хукукини амалга оширишнинг янги тартибини мустахкамлади. Фукаронинг ёши етганда, ногирон булиб колганда, бокувчисини йукотганда нафакалар тулашни кузда тутади. Нафака тизими учта даражадан ташкил топади. 1. давлат томонидан кафолатланган нафаканинг асосли микдоридан ташкил топади. 2. тула нафака белгилаш талаб килинадиган ортикча мехнат стажи хисобига ортиб борадиган нафаканинг бир кисмидан таркиб топади. Унинг микдори ишнинг давомийлигига ва ходим уртача ойлик иш хакининг микдорига боглик булади. Бунда пенсиянинг ошириладиган катта кисми микдори чекланмайди. 3. кушимча ижтимоий химояга мухтож шахсларга белгиланадиган устама киради.

Мехнат шартномаси буйича ишловчи хар бир киши касал булиб колганда, шикастланиб колганда, беморни парвариш килишда, карантин вактида, санатория–курортларда даволанган чогида вактинча ишламаганлиги учун имтиёзли нафака билан таъминланади. Иш жойида шикастланганда ва касб касалига чалинганида тула иш хаки микдорида, бошка пайтларда эса умумий мехнат стажига ва карамогидаги вояга етмаганларнинг сонига караб 60 фоиздан 100 фоизгача микдорда нафака туланади. 8 йил ва ундан ортик умумий мехнат стажига эга булан шахслара имтиёзли нафака иш хакининг 100 фойизи микдорида туланади.

Узбекистон Республикасининг Мехнат конунчилигида курсатилишича белгиланган ёшга етган хамда иш берувчи билан мехнат шартномасини тузган Республика фукаролари, чет эл фукаролари ва фукаролиги булмаган шахслар мехнат муносабатларининг субъектлари булиши мумкин. (МК 14 модда). Мехнат муносабатларининг субъекти булган иш берувчиларга куйидагилар киради:

1.корхоналар ва уларнинг алохида таркибий булинмалари уз рахбарлари тимсолида. 2. мулкдорнинг узи айни бир вактда рахбар булган хусусий корхоналар. 3. 18 ёшга тулган айрим шахслар.

Мехнат муносабатида катнашаётан хар бир ходим Узбекистон Конституциясининг 37 моддаси ва МК нинг 16 моддасига мувофик мехнат килиш, эркин иш танлаш, хакконий мехнат шартлари

асосида ишлаш ва конунда белгиланган тартибда ишсизликдан химояланиш хукукига эа.

Хар бир ходим 1. уз мехнати учун энг кам ойлик иш хакидан оз булмаган микдорда хак олиш. 2. чегараси белгиланган иш вактини урнатиш, айрим касб ва ишлар учун ниш кунини кискартириш, хар хафталик дам олиш кунлари, байрам кунлари, йиллик таътил бериш оркали хак туланадиган дам олиш. 3.хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган шароитларда мехнат килиш. 4. касбга тайёрлаш, кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш. 5.етказилган зарарнинг урнини коплаш. 6. вакиллик органларига бирлашиш. 7. ижтимоий таъминот олиш. 8. мехнат хукукларини химоя килиш сингари хукукларга эгадир.

Назорат учун саволлар

1. Мехнат муносабатларинингсубъектлари хакида гапиринг?
2. Мехнат муносабатларини тартибга солувчи конун хужжатлари деганда нимани тушунасиз?
3. Мажбурий мехнат хакида нима дейсиз?
4. Мехнат хукукини кандай химояланади?
5. Ахолининг бандлиги тушунчасини баён килинг?
6. Иш берувчилар хакида гапиринг?

Адабиётлар.

1. Узбекистон Республикасининг Мехнат кодекси Т. «Адолат» 1996 й.
2. Жамоа шартномалари хакида конун хужжатлари.

5-мавзу: Мехнат муносабатларининг субъектлари.

Режа:

1. Мехнатга оид муносабатлар тушунчаси.
2. Мехнатга оид муносабатлар себъектлари.
3. Мехнатга оид муносабатлар классификацияси.

Таянч тушунчалар:

Мехнат муносабатлари, унинг иштирокчилари, хукук лаёкати, муомала лаёкати, субъектларнинг хукукий статуси, субъектив хукук ва мажбуриятлари.

Юридик адабиётларда эътироф этилишича, хукукий муносабатлар себъектлари, хукукий нормалар туфайли муайян муносабатлар иштирокчиси– субъекти хукук ва юридик мажбуриятлар эгаси булган жисмоний ва юридик шахслардир. Демак, мехнат хукукининг субъектлари деганда, мехнат конунчилиги нормалари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларнинг иштирокчиси ва доимий мехнат хукук ва мажбуриятларига эга булган хамда уларни амалга оширадиган жисмоний ва юридик шахсларни англамок лозим.

Маълумки, хар бир хукук сохасининг мехнатга оид хукукий лаёкат ва муомала лаёкатига эга булган узига хос субъектлар мавжуд.

Мехнатга оид хукукий лаёкат деганда, мехнат конунчилиги нормаларига биноан субъектив хукук ва мажбуриятларга эга була олиш кобилияти тушунилади.

Мехнатга оид хукукий муомала лаёкати тушунчаси негизида конунчиликка мувофик хукук ва мажбуриятларни муайян хатти – харакатлар оркали амалга ошириш кобилияти имконияти тушунчаси ётади. Мехнат конунчилигига кура умумий хукукий лаёкат ва хукукий муомала лаёкати бир вактда, яъни фукаро 16 ёшга тулган вактда вужудга келади ва айни шу жихати билан фукаролик хукукий лаёкат ва муомила лаёкатидан фарк килади.

Фукаролик конунчилигида хукукий лаёкат эса шахс 18 ёшга тулгандагина пайдо булиши белгилаб куйилган. Мехнат конунчилигига мувофик, мехнат шартномаси буйича ишлаётган ходимлар, иш берувчилар, мехнат жамоаси хамда ходимлар ва иш

берувчиларнинг вакиллик органлари мехнатга оид муносабатларининг субъектлари хисобланади. Бу субъектларнинг хар бири узига хос хусусиятга, яъни хукукий «статус»га эга. Статус жисмоний ва юридик шахснинг хукукий холати демакдир. Субъектларнинг хукукий статуси деганда, мехнат конунчилигида мустахкамлаб куйилган унинг субъектив сифатидаги хукукий холати тушунилади. Субъектларнинг хукукий статуси тушунчаси куйидаги жихатларини камраб олади:

а) мехнатга оид хукукий лаёкат ва хукукий муомала лаёкатини (хукукий субъектлик);

б) конунчиликда белгиланган хукук ва мажбуриятларни;

в) хукук ва мажбуриятларни конунчиликда белгиланган кафолатларини;

г) унга юклатилган мажбуриятларнинг ижроси учун жавобгарликни (делектив жавобгарлик).

Маълумки, мехнатга оид хукукий субъектлик холати субъектларининг конунчиликда белгиланган узига хос жихати сифатида, муайян шартлар мавжуд булганда, мехнат сохасида аник ижтимоий муносабатларнинг субъекти булишига кодирлигини курсатади. Шу билан бирга, унинг зиммасига муайян хукук ва мажбуриятлар юкланади. Бундан ташкари, мехнатга оид хукукий субъектлик холати субъектларнинг, яъни ходим, иш берувчи, мехнат жамоаси хамда вакиллик органларининг аник ижтимоий муносабатларининг мазмунини ташкил этувчи субъектив хукук ва мажбуриятларга эга булиш лаёкатини хам ифодалайди.

Субъектив хукук ва мажбуриятлар мехнат хукуки субъектларининг асосий узагини ташкил этади ва доимо конунлар мазмунидан келиб чикади. Бундай хукук ва мажбуриятлар мазмуни, одатда, тегишли хукукий статут билан белгиланади. Ана шу статуслар асосида белгиланган мехнат хукуклари ва мажбуриятлари барча ходимларга танишдир. «СТАТУС» – сузи лотинчада «карор киламан», «хал киламан» маъносини англатади.

Бундан келиб чикадиган хулоса шуки, мехнат хукуки субъектларининг хукук ва мажбуриятларини конун хужжатлари, низом ва устав шаклида мавжуд булган статуслар оркали олдиндан белгилаб, хал этиб куйилган. Таъкидлаш жоизки, мехнат

сохасидаги субъектив хукук ва мажбуриятлар Узбекистон Республикаси Конституциясида (масалан, 37, 38 – моддалар), тегишли конунлар, Мехнат кодекси хамда бошка норматив хукукий хужжатлар билан мустахкамлаб куйилган.

Масаланинг яна бир эътиборли томони шундаки, субъектив хукук ва мажбуриятлар доимо алокадорлик ва узаро богликликда намаён булади. Мехнат хукуки субъектларининг статус асосида белгиланган хукук ва мажбуриятлар куламининг тенглиги муайян ижтимоий муносабатларга йуналтирилгани хамда бажарилаётган мехнат вазифасининг хусусиятлари билан ажралиб туради. Масалан, ходимнинг асосий мехнат вазифаси – муайян мутахассислик, малака, лавозимга оид ишни ички мехнат тартибига буйсунган холда бажаришга каратилган булса, иш берувчининг асосий мажбурияти–тегишли мехнат шарт – шароитини таъминлаш ва белгиланган мехнат хакини уз вактида тулашдан иборат. Субъектлар статусининг мазмуни, одатда, кафолат ва юридик жавобгарлик оркали тулдириб турилади ва унинг хукукий холатига аниклик киритиб борилади. Бу асосдаги хукукий кафолат ва мажбуриятларнинг ижроси учун жавобгарлик доимо хукукий нормалар шаклида булади.

Бу уз навбатида субъектни фаол харакат килишга ундайди ва унга нисбатан мехнат конунчилигида кузда тутилган аник жазо чораларини куллаш оркали таъсир утказади. Дейлик, мехнат конунчилигида ходимларга зиммасидаги мажбуриятларни бажармагани учун тегишли интизомий, моддий жавобгарлик белгиланган. Хулоса килиб айтганда, субъектларнинг мехнат хукуклари ва мажбуриятларининг юридик кафолатлари конунчиликда белгиланган хукукий воситалар сифатида мазкур хукук ва уларнинг мажбуриятларини тулик амалга ошириш ва химоя этишга хизмат килади.

Назорат учун саволлар.

1. Мехнат муносабатларига таъриф беринг.
2. Муносабат субъекти деганда нимани тушунасиз?

3. Хукук лаёкати ва муомала лаёкатини гапириб беринг.
4. Субъектив хукукни биласизми?
5. Юридик шахс ваколатига нималар киради?

Адабиётлар.

1. Узбекистон Республикаси мехнат кодекси Т. 1996 й.
2. Ахоли учун юридик маълумотнома. 1 – кисм. Т. 1994 й.
3. Юридик энциклопедия. Т. 2001 й.
4. Мехнат хукуки. Энциклопедик лугат. Т. 1981 й.

6-мавзу: Мехнат жараёни субъектларининг вакиллик органлари.

Режа:

1. Вакиллик органлари хакида тушунча.
2. Вакиллик органларининг тузилиши, турлари.
3. Вакиллик органларининг хукукий холатлари.

Таянч тушунчалар:

Мехнат жараёни субъектларининг вакиллик органлари, уларнинг тузилиши, сайлаб куйиладиган органларнинг турлари, иш берувчининг вакиллик органлари. вакиллик органларининг фаолият йуналишлари, максадлари, мажбуриятлари.

Мустакиллик йилларида Узбекистоннинг мехнат конунчилиги хам сезиларли тарзда ислох килина бошланди. Мехнат муносабатларидаги купчилик масалалар сингари муносабат субъектларининг вакиллик органлари буйича хам илгари амалда булган конун хужжатларида акс эттирилган нормалар тубдан узгартирилди. Бу масаланинг мазмуни тубдан янгиланди. Янги Мехнат кодексида вакиллик органлари тушунчаси кескин равишда узгартирилди. Масалан Мехнат кодексининг 20 моддасида бу тушунчага куйидагича таъриф берилади.

Касаба уюшмалари, уларнинг корхонадаги сайлаб куйиладиган органлари, ходимлар томонидан сайлаб куйиладиган бошка органлар, иш берувчиларнинг вакиллик органлари мехнатга оид муносабатларнинг субъектлари сифатида катнаша оладилар.

Мехнат муносабатларида ишловчи ходимларнинг манфаатларини ифода этишда вакил булган ва бу манфаатларни химоя килишни корхонадаги касаба уюшмалари ва уларнинг сайлаб куйиладиган органлари ёки ходимлар томонидан сайланадиган бошка органлар амалга ошириши мумкин. Бу органларни сайлаш тартибини, уларнинг ваколатлари муддати ва микдор таркибини мехнат жамоасининг йигилиши (конференцияси) белгилайди. Ходимлар вакиллик килишни хамда уз манфаатларини химоя этишни ишониб топширадиган органни узлари белгилайдилар.

Барча вакиллик органлари уз ваколатлари доирасида иш олиб боради ва ходимлар манфаатларини химоя килишда тенг хукуклардан фойдаланади.

Корхонада бошка вакиллик органларининг хам булиши касаба уюшмаларининг уз вазифаларини амалга ошириш борасидаги фаолиятига тускинлик килмаслиги лозим.

Ишловчи ходимлар ва иш берувчиларнинг манфаатларини битта вакиллик органи ифода этиши ва химоя килиши мумкин эмас.

Вакиллик органларининг фаолияти уларнинг сайлаган ходимларнинг карорига биноан, шунингдек улар конун хужжатларига зид харакатлар содир этган такдирда эса – суд томонидан хам тугатилиши мумкин.

Булардан куриниб турибдики, мехнат жамоалари мехнат муносабатларининг субъектлари томонидан сайланадиган вакиллик органи хам мухим, ижобий рол уйнайди.

Узбекистон Республикаси Конституциясининг 56 моддасида конунда белгиланган тартибда руйхатдан утказилган касаба уюшмалари мехнаткашларнинг жамоат бирлашмалари сифатида эътироф эътилади, деб белгилаб куйилгандир. Мехнат кодексининг 22 моддасида эса куйидагилар расмийлаштириб куйилгандир:

Касаба уюшмаларининг ва улардаги сайлаб куйиладиган органларнинг давлат ва хужалик органлари, иш берувчилар билан

узаро муносабатларидаги хукуклари конун, уставлар, жамоа келишувлари ва шартномалари билан белгиланади.

Узбекистон Республикасининг конун чикарувчи органи 1992 йилнинг 2 июлида «Касаба уюшмалари, уларнинг хукуклари ва фаолиятининг кафолатлари тугрисида» конунни кабул килди.

Конуннинг 1 моддасида куйидаги холатлар расмийлаштириб куйилди. Касаба уюшма кунгилли жамоат ташкилоти булиб, хам ишлаб чикариш, хам ноишлаб чикариш сохаларидаги фаолият турига караб уз аъзоларининг мехнат ва ижтимоий – иктисодий хукукларини хамда манфатларини химоя килиш учун муштарак манфаатлар билан богланган мехнаткашларни бирлаштиради.

Касаба уюшмалари ихтиёрийлик асосида худудий ва тармок бирлашмалари тузишлари ва уларга киришлари мумкин. Уларнинг Уставлари «Жамоат бирлашмалари тугрисида»ги конунда белгиланган тартибда руйхатга олинади.

Узбекистон Республикаси таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасининг Устави 1995 йилнинг 28 январида касаба уюшмалари сеъздида тасдикланган. Бу устав Республика Адлия вазирлиги томонидан 1995 йилнинг 4 октябрида 206 ракам билан руйхатга олингандир.

Касаба уюшмалари уз фаолиятида давлат бошкарув идораларидан, хужалик идораларидан, сиёсий ва бошка жамоат ташкилотларидан мустакилдирлар, улар олдида хисобдор эмаслар ва улар томонидан назорат килинмайдилар. Касаба уюшмаларининг хукукларини чаклайдиган ёки шу хукукларнинг амалга оширилишига тускинлик киладиган тарздаги хар кандай аралашув ман этилади.

Касаба уюшмалари мустакил равишда уз уставларини ишлаб чикадилар ва тасдиклайдилар, уюшма тузилишини белгилайдилар. Рахбар идораларини сайлайдилар, уз фаолиятларини ташкил этадилар, йигилишлар, конфероенциялар, пленумлар, курултойлар утказадилар.

Касаба уюшмалари уз уставларида белгиланган максадларга ва вазифаларга мувофик равишда бошка мамлакатларнинг касаба уюшмалари билан хамкорлик килиш, уз хохишига кура халкаро ва бошка касаба бирлашмаларига ва ташкилотларига кириш хукукига эгадирлар. Касаба уюшмалари уз аъзоларининг мехнат килиш хукукини химоя этадилар, ахолини иш билан таъминлаш давлат

сиёсати ишлаб чикилишида катнашадилар. Корхоналарда ишдан холи этиб олинадиган шахсларни ижтимоий жихатдан химоя килишнинг конунлар асосида жамоа шартномасида белгилаб куйиладиган чораларини таклиф этадилар.

Маъмурият, мулкдор ёки улар вакил килган бошкарув идорасининг ташаббуси билан иш жойларининг кискартирилиши ёки иш шароитининг ёмонлашувига олиб келадиган корхонани ва ундаги таркибий булинмаларни тугатиш, ишлаб чикаришни тулик ёки кисман тухтатиб куйиш тегишли касаба уюшмалари камида уч ой олдин хабардор килиб куйилган ва улар билан мехнаткашларнинг хукуклари хамда манфаатларига риоя этиш юзасидан музокара утказилган такдирдагина амалга ошириш мумкин.

Касаба уюшмалари ахолини иш билан таъминлашнинг ахволини ва бу сохадаги конунларга риоя этилишини назорат килиб боради.

Мехнат шартномаси маъмуриятнинг ташаббуси билан бекор килинишига Узбекистон Республикаси конунларига мувофик тегишли касаба уюшма кумитаси билан олдиндан келишилган такдирдагина йул куйилади.

Касаба уюшмаларининг мехнат шароити ва мехнатга хак тулаш, мехнатни мухофаза килиш ва ишлаб чикариш хавфсизлигини таъминлашга, мехнаткашларнинг уй – жой шароитига, уларни ижтимоий сугуртага, согликни саклаш ва маданиятга тааллукли манфаатларини химоя килиш, пенсия таъминоти сохасидаги хукуклари конун хужжатлари билан тартибга солинади.

Касаба уюшмалари уз ваколатлари доирасида мехнаткашларни ижтимоий ва иктисодий жихатдан химоя килиш тадбирларини ишлаб чикишда турмуш даражасининг асосий мезонларини, нарх – наво индекси узгаришига караб товон тулаш микдорини аниклашда катнашадилар. Конунда белгилаб куйган кун кечиришнинг энг паст даражасига хамда пенсиялар, стипендиялар ва нафакалар микдорига риоя этилишини назорат киладилар. Касаба уюшмаларининг бирлашмалари шу масалалар юзасидан тегишли давлат ва хужалик идоралари билан битим тузиши мумкин.

Касаба уюшмалари маъмурият, мулкдор ёки улар вакил килган бошкарув идораси мехнат ва касаба уюшмалари тугрисидаги конунларга риоя этишларини назорат килиб боради, аникланган камчиликларни бартараф этишни талаб килишга хаклидир. Маъмурият бундай такдимномаларни куриб чикиши ва натижалари хакида I ой муддат ичида касаба уюшмасига хабар килиши шарт.

Хар бир корхона ва муассасаларининг ишловчи ходимларининг вакиллик органлари ваколатлари анча кенг ва салобатлидир. Улар жумласига куйидагилар киради:

1. Музокаралар олиб бориш, жамоа шартномалари ва келишувлари тузиш, уларнинг бажарилишини текшириб туриш, иш берувчига корхонада мехнат тугрисида норматив хужжатлар тайёрлаш юзасидан таклифлар киритиш.

2. Корхонани ижтимоий – иктисодий ривожлантиришга доир масалаларни куриб чикишда катнашиш.

3. Мехнат низоларини курувчи органларда ходимлар манфаатини химоя килиш.

4. *Иш берувчи хамда у вакил килган шахсларнинг карорлари мехнат тугрисидаги конунлар ёки бошка норматив хужжатларга зид булса ёхуд ходимларнинг хукукларини бошкача тарзда бузаётган булса, бу карорлар устидан судга шикоят килиш.*

Вакиллик органлари ижтимоий – мехнат муносабатларида ходимларнинг манфатларини химоя этишга каратилган бошка хатти – харакатлар хам, башарти бу харакатлар конун хужжаталрига зид булмаса, килишлари мумкин.

Ходимларнинг вакиллик органлари хукукларининг амалга оширилиши корхонада мехнат самарадорлигини пасайтирмаслиги, урнатилган тартиб ва иш режимини бузмаслиги керак.

Иш берувчи ишловчи ходимларнинг вакиллик органлари олдида куйидагиларни амалга ошириш мажбуриятини уз зиммасига олади:

1. Ходимлар вакиллик органларининг хукукларига риоя килиш, уларнинг фаолиятига кумаклашиш.

2. Ходимларнинг манфаатларига тааллукли карорлар кабул килишдан олдин уларнинг вакиллик органлари билан маслахатлашиш, мехнат тугрисидаги конунлар ва бошка норматив

хужжатларда курсатилган холларда эса уларнинг розилигини олиш.

3. Ходимлар вакиллари органларнинг таркибларини уз вактида куриб, чикиш ва кабул килинган карорлар хакида уларга ёзма равищда асосли жавоб бериш.

4. Ходимларнинг вакиллик органлари аъзоларини корхонага, манфатлари ифода этилаётган ходимларнинг иш жойларига монийликсиз куйиш.

5. Ходимларнинг вакиллик органлари мехнат, корхона фаолияти масалаларига ва бошка ижтимоий – иктисодий масалаларга доир ахборотни текин бериш.

6. Ходимларнинг вакиллик органларига уз вазифаларини беришлари учун зарур шароит яратиб бериш.

7. Ходимларнинг вакиллик органларига нисбатан мехнат тугрисидаги конунлар ва бошка норматив хужжатларда назарда тутилган бошка мажбуриятларни бажариш.

Ходимларнинг вакиллик органлари аъзоларига узининг фаолиятларини амалга оширишлари муносабати билан иш берувчи томонидан бирон бир шаклдаги таъкиб килинишдан химоя этиш кафолатланади.

Вакилик органлари таркибига сайланган ва ишлаб чикаришдаги ишидан озод этилмаган ходимларга интизомий жазо беришга, улар билан тузилган мехнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор килишга, шунингдек вакиллик органлари таркибига сайланган ходимлар билан мехнатга оид муносабатларни уларнинг сайлаб куйиладиган лавозимдаги ваколати тугаганидан кейин икки йил давомида иш берувчининг ташаббуси билан махаллий мехнат органининг розилигини олмай туриб бекор килишга йул куйилмайди.

Вакиллик органларидаги сайлаб куйиладиган лавозимларга сайлангани муносабати билан ишлаб чикаришдаги ишидан озод этилган ходимларга уларнинг сайлаб куйиладиган лавозимидаги ваколати тугаганидан кейин аввалги иши берилади. Бундай иш мавжуд булмаса аввалгисига тенг бошка иш (лавозим) берилади.

Вакиллик органлар таркибига сайланган ходимларга тегишли иш бериш имконияти булмаган такдирда улар конунларда ёки

жамоа шартномалари, келишувларда назарда тутилган имтиёзлардан фойдаланадилар.

Ходимлар вакиллик органларининг конуний фаолиятига хар кандай тарзда тускинлик килиш таъкикланади.

Ходимлар вакиллик органларининг фаолиятини иш берувчи ёки у вакил килган шахслар ташаббуси билан тугатишга йул куйилмайди. Юкоридаги харакатларни содир килган иш берувчи ёки у вакил килган шахслар конун хужжатларига мувофик жавобгар буладилар.

Хар бир корхонада иш берувчи номидан вакилликни маъмуриятнинг мансабдор шахслари мехнат тугрисидаги конунлар ва бошка норматив хужжатлар, уларнинг уставлари ёки низомлари асосида берилган ваколатлар доирасида амалга оширилади.

Узбекистон Республикаси Мехнат кодексининг 28 моддасида иш берувчининг вакиллик органлари, уларнинг турлари, ваколатлари ва хукуклари баён этилади.

Назорат учун саволар.

1. Мехнат муносабати субъектларининг вакиллик органлари хакида маълумот беринг.
2. Вакиллик органларининг ваколатларини баён этинг.
3. Касаба уюшмалари фаолиятини тушунтириб беринг.
4. Иш берувчининг мажбуриятларига нималар киради.
5. Вакиллик органларига сайланган вакилларнинг имтиёзларини санаб курсатинг.
6. Вакиллик органларининг фаолияти хакида гапиринг.

7 – мавзу: Жамоа шартномаси ва келишуви, уларнинг хукукий холатлари.

Режа:

1. Жамоа шартномалари ва келишувлари тушунчаси, тузиш тамойиллари ва максадлари.
2. Жамоа шартномаси, унинг мазмуни, тузилиш тартиблари ваколатлари.

3. Жамоа келишувлари, уларнинг турлари, мазмуни, ваколатлари.

Таянч тушунчалар:

Жамоа шартномаси, жамоа келишуви, уларни тузиш тамойиллари, музокаралар, иш берувчи манфаатларини ифода этувчи шахслар, касаба уюшмаси, шартнома мазмуни, томонларнинг мажбуриятлари.

Мустакиллик йилларида чикарилган мехнат конунларида жамоа шартномалари ва келишувларига катта урин берилгандир. Масалан 1995 йилгача амалда булган Мехнат конунлари кодексида бу масала атиги II та моддада акс эттирилган эди. Янги Мехнат кодексида эса бу моддалар сони 28 тага купайтирилди.

Жамоа шартномаси – корхонада иш берувчи билан ходимлар уртасидаги мехнатга оид, ижтимоий – иктисодий ва касбга оид муносабатларни тартибга солувчи норматив хужжатдир.

Жамоа келишуви – муайян касб, тармок, худуд ходимлари учун мехнат шартлари, иш билан таъминлаш ва ижтимоий кафолатлар белгилаш борасидаги мажбуриятларни уз ичига олувчи норматив хужжатдир.

Жамоа шартномалари ва келишувлари ходимлар билан иш берувчиларнинг мехнатга оид муносабатларини шартнома асосида тартибга солишга ва уларнинг ижтимоий – иктисодий манфаатлари мувофиклаштиришга ёрдам бериш максадида тузилади.

Жамоа шартномалари ва келишувлар тузишнинг узига хос куйидаги тамойиллари мавжуддир:

1.конун хужжатлари нормаларига амал килиш, 2. тарафлар вакилларининг ваколатлилиги, 3. тарафларнинг тенг хукуклилиги, 4. жамоа шартномалари, келишувлари мазмунини ташкил этувчи масалаларни танлаш ва мухокама эркинлиги, 5. мажбуриятлар олишнинг ихтиёрийлиги, 6. олинаётган мажбуриятларнинг хакикатда бажарилишини таъминлаш, 7. текшириб боришнинг мунтазамлиги, 8. жавобгарликнинг мукаррарлиги.

Жамиятда хар бир ташкилот, муассаса фаолият курсатувчи ходимнинг хукуки, дам олиши, согломлашуви, турмуш шароитининг юксалиши, фаол мехнат килиши иш берувчи билан

ижтимоий химоя этувчи касаба уюшма ташкилоти уртасида тузилган жамоа шартномасига боглик булади. Бу хужжат Узбекистон Республикаси касаба уюшмалари Федерациясининг 2000 йил апрел ойида булиб утган Курилтойида мухокама этилиб, кабул килингандир.

Мехнат муносабатлари ва мехнат билан боглик ижтимоий – иктисодий муносабатларни тартибга солишда жамоа шартномаларининг ахамияти гоят каттадир.

Мехнат хукуки кафолатларининг конунчиликда белгиланадиган юкори даражасини урнатиш, мехнат муносабатларини тартибга солиб туриш масалалари жамоа шартномалари асосида хал этилади.

Жамоа шартномаси ишчи ходимларнинг хохиш ва иш берувчининг имкониятлари уртасидаги мувозанатни белгиловчи хужжат булиши билан бирга иш берувчининг ва ишловчиларнинг юкори даромад олишларига кумаклашувчи хужжатдир.

Хар кайси келишувчи тараф жамоа шартномаси, келишувини тузиш ва узгартириш юзасидан музокаралар олиб бориш ташаббуси билан чикишга хаклидир.

Касаба уюшмаси, ходимларнинг бошка вакиллик органи узларини вакил килган ходимлар номидан музокаралар олиб бориш, жамоа шартномасига, келишувига узларини вакил килган ходимларнинг манфаатларини химоя килувчи иловалар таклиф этиш ва уларни имзолашга хакли.

Жамоа шартномасини тузиш, узгартириш ва тулдириш учун иш берувчи билан касаба уюшмалари ёки бошка вакиллик органлари уртасида музокаралар олиб борилади. Зарур холда бундай музокараларда ижро этувчи хокимият органлари иштирок этиши мумкин. Иш берувчилар ишловчи ходимларнинг таклифлари юзасидан музокаралар олиб боришга мажбурдирлар.

Тегишли равишда ёзма хабар олган тараф 7 кунлик муддат ичида музокараларга киришиши шарт.

Олдинги жамоа шартномасининг амал килиш муддати тугашига 3 ой колганда янги жамоа шартномасини тузиш юзасидан музокаралар бошлаш тугрисида ёзма хабар беришга хаклидир.

Музокаралар олиб бориш ва жамоа шартномасининг лойихасини тайёрлаш учун томонлар тенг хукуклилик асосида

тегишли ваколатларга эга булган вакиллардан иборат комиссия тузадилар.

Комиссиянинг таркиби, музокараларнинг муддати, утказиладиган жойи ва кун тартиби томонларнинг карори билан белгиланади.

Музокараларда иштирок этаётган томонларга жамоа шартномасининг мазмунини ташкил этувчи масалаларни танлаш ва мухокама килишда тула эркинлик берилади.

Иш берувчилар касаба уюшмаларига музокаралар учун узларидаги зарур маълумотларни беришлари шарт.

Музокараларнинг катнашчилари музокаралар билан боглик маълумотлар давлат ёки тижорат фаолияти билан боглик булса, уларни ошкор килмасликлари керак. Бундай маълумотларни ошкор килган шахслар конуний тарзда жавобгарликка тортиладилар.

Музокаралар жараёнида томонлар узаро келиша олмасалар, баённома тузилиб, музокараларни кайта тиклаш муддатига доир таклифлар киритилади.

Музокаралар давомида иш берувчининг манфаатларини ифода этувчи шахслар куйидагилар учун жавобгар буладилар:

1. жамоа шартномасини тузиш, узгартириш ёки тулдириш юзасидан олиб борилаётган музокараларда катнашишдан буйин товлаганлик ёки уларни ишлаб чикиш ва тузиш муддатини бузганлик учун, шунингдек томонлар белгилаган муддатда комиссиянинг ишини таъминламаганлик учун.

2. музокаралар олиб бориш ва жамоа шартномасига риоя этилиши устидан текшириш олиб бориш учун керакли ахборот такдим этмаганлик учун.

3. жамоа шартномаси мажбуриятларини бузганлик ва бажармаганлик учун Касаба уюшмаси талабига кура шартнома мажбуриятларини бузилишида ёки бажармаслигида айбдор булган мансабдор шахсга нисбатан конун хужжатларида белгиланган чораларни куриши шарт.

Жамоа шартномасида ишловчи ходимлар номидан касаба уюшма кумитаси ёки бошка вакиллик органлари иккинчи томондан – бевосита иш берувчи ёки у ваколат берган вакиллар томонидан тузилади.

Жамоа шартномасини тузишда касаба уюшмаси олдига куйидаги максад ва вазифалар куйилади:

1.ходимларнинг турмуш даражасини юксалтириш.

2.уларга табиий ва маданий хизмат курсатишни яхшилаш.

4.мехнат килиш учун соглом ва хавф – хатарсиз шароит яратиш.

5.ходимларнинг иш хакини уз вактида берилишига, дам олишига, согломлашувига эришиш.

6.ишдан бушатилган ходимларнинг иш билан таъминланишини тегишли ташкилотлар билан бирга амалга ошириш.

7.талаба ёшлар, укувчиларнинг укишлари, дам олишлари учун шароитларни яратиш.

8.спорт ва согломлаштириш, маданий, маърифий ишларни амалга ошириш ва бошка тегишли масалалар буйича, мусобакалар, куриклар, семинар ва конференциялар, учрашувлар, сухбатлар уюштириш.

Жамоа шартномасининг мазмуни ва тузилиш тамойилларини келишувчи томонлар белгилайдилар.

Жамоа шартномасига иш берувчи ва ходимларнинг куйидаги масалалар буйича узаро мажбуриятлари киритилиши мумкин:

-мехнатга хак тулаш шакли, тизими ва микдори, пул мукофотлари, нафакалар, компенсациялар, кушимча туловлар.

-нархларнинг узгариб бориши, инфляция даражаси, шартномадаги курсаткичларнинг бажарилишига караб мехнатга хак тулашни тартибга солиш механизми.

-ходимларни иш билан таъминлаш, кайта укитиш, ишдан бушатиш шартлари.

-иш вакти ва дам олиш вакти, мехнат таътилларининг муддатлари.

-ходимларнинг мехнат шароитлари ва мехнат мухофазасини яхшилаш, экология жихатидан хавфсизликни таъминлаш.

-корхонани ва идорага карашли турар жойни хусусийлаштириш вактида ходимларнинг манфаатларига риоя килиш.

-ишни таълим билан кушиб олиб борувчи ходимлар учун имтиёзлар.

-ихтиёрий ва мажбурий тарздаги табиий хамда ижтимоий сугурта.

-жамоа шартномасининг бажарилишини текшириб бориш, томонларнинг жавобгарлиги, ижтимоий шериклик, касаба уюшмалари, ходимларнинг бошка вакиллик органларига фаолият курсатиш учун тегишли шароитларни яратиб бериш…

Жамоа шартномасида корхонанинг иктисодий имкониятларини хисобга олган холда бошка шартлар, белгиланган нормаларга караганда имтиёзлирок мехнат шартлари ва ижтимоий – иктисодий шарт хам киритилиши мумкин. Улар жумласига: кушимча таътиллар бериш, устама пенсиялар, муддатидан илгари пенсияга чикариш, хизмат сафари харажатлари учун компенсациялар, ходимларнинг болаларини овкатлантириш, кийинтириш, укув жихозлари олиб бериш ва бошка кушимча имтиёзлар киради.

Мехнат кодексининг 38 моддасида курсатилишича жамоа шартномасининг лойихаси корхона булимларида ходимлар томонидан мухокама килиниши ва уларнинг таклифлари асосида тулдириб, такомиллаштирилиши лозим. Пухта ишлаб чикилган шартнома лойихаси мехнат жамоасининг умумий йигилиши (конференцияси)да мухокама этиб кабул килинади.

Жамоа шартномаси йигилиш катнашчиларининг 50 фоиздан купроги ёклаб овоз берган булса, маъкулланган хисобланади. Шартнома лойихаси маъкулланмаса уни кайта куриб чикилади ва 15 кун ичида умумий йигилиш мухокамасига кайта такдим этилади. Лойиха маъкуллангандан кейин жамоа шартномасини томонларнинг вакиллари 3 кун ичида имзоладилар.

Жамоа шартномаси имзоланган вактдан бошлаб ёки шартномада курсатилган кундан бошлаб кучга киради хамда томонлар белгилаб олган муддат давомида амал килади.

Жамоа шартномаси иш берувчига ва корхонанинг барча ходимларига, шу жумладан жамоа шартномаси кучга киргандан кейин ишга кабул килинган шахсларга хам татбик этилади.

Корхона ёки муассаса кайта ташкил этилганда ва кайта ташкил этиш даврида жамоа шартномаси уз кучини саклаб колади.

Корхона таркиби, унинг тузилиши, бошкарув органининг номи узгарган корхона рахбари билан тузилган мехнат шартномаси бекор килинган холларда хам жамоа шартномаси уз кучини саклаб колади.

Корхона белгиланган тартибда тугатилаётган пайтда жамоа шартномаси тугатиш ишлари олиб борилаётган муддат давомида уз кучини саклаб колади.

Жамоа шартномасида назарда тутилган мажбуриятларини бажарилишини тарафларнинг вакиллари, мехнат жамоаси, Республика Мехнат вазирлигининг тегишли органлари текшириб борадилар.

Жамоа шартномасини имзолаган шахслар хар йили ёки белгиланган муддатларда мажбуриятларнинг бажарилиши хакида мехнат жамоасининг умумий мажлисида (конференциясида) хисобот бериб турадилар.

Текшириш олиб бориш вактида тарафлар узларидаги бунинг учун зарур булган барча маълумотларни такдим этишлари шарт.

Тартибга солинадиган муносабатлар сохаси, хал килиниши лозим булган масалаларнинг хусусиятларига караб а) бош келишув, б) тармок келишув ва в) худудий (минтакавий) жамоа келишувлари тузиш мумкин.

Келишувлар икки томонлама ва уч томонлама хам булиши мумкин. Келишувни тузиш вактида учинчи тараф сифатида ижро этувчи хокимият органи иштирок этиши мумкин.

Касаба уюшмлари ва бошка вакиллик органлари ижро этувчи хокимият органидан улар билан икки томонлама келишув тузишни талаб этишга хакли эмас.

Бош келишув Касаба уюшмалари Республика Федерацияси Кенгаши ва иш берувчиларнинг республика микёсидаги бирлашмалари уртасида тузилади. Бундай келишув ижтимоий – иктисодий масалалар хусусида келишган холда сиёсат олиб боришнинг умумий принципларини белгилаб беради.

Тармок келишувлари тегишли касаба уюшмалари ва иш берувчилар (уларнинг бирлашмалари) уртасида зарур холларда Мехнат вазирлиги билан хам тузилади. Бунда айрим тармокларда мехнат шартлари ва унга хак тулашни, ходимларнинг ижтимоий кафолатларини белгилаб беради.

Худудий жамоа келишувлари тегишли касаба уюшмалари ва иш берувчилар (уларнинг бирлашмалари) уртасида, зарур холларда махаллий ижро этувчи хокимият органлари билан хам тузилади.

Жамоа келишувларини ишлаб чикиш ва тузиш тартиби. Муддатлари комиссия томонидан белгиланади ва расмийлаштирилади.

Имзоланган жамоа келишуви иловалари билан биргаликда 7 кунлик муддат ичида келишув иштирокчиларига, шунингдек руйхатдан утказиш учун Мехнат вазирлигига юборилади.

Жамоа келишувининг мазмунини томонлар белгилайдилар ва улар жумласига куйидагилар киритилади:

1.мехнатга хак тулаш, мехнат шартлари ва уни мухофаза килиш, мехнат ва дам олиш тартиби.

2.нархларнинг узгариб боришига, инфляция даражасига, курсатгичларнинг бажарилишига караб мехнатга хак тулашни тартибга солиш.

3.энг кам микдори конун хужжатларида назарда тутилган кушимча туловлар.

4.ходимларнинг ишга жойлашишига, уларни кайта укитишга кумаклашиш.

5.экологик хавфсизликни ва ходимлар соглигини таъминлаш.

6.ходимларнинг ижтимоий химоя килиш буйича махсус тадбирлар.

7.давлат корхоналарини хусусийлаштиришда ходимлар манфаатларига риоя килиш.

8.ногиронлар ва ёшлар мехнатидан фойдаланиш максадида улар учун кушимча иш жойларини ташкил этиш.

9.жамоа шартномаларини тузишга кумаклашиш, мехнат низоларини олдини олиш мехнат интизомини мустахкамлаш.

10.конун хужжатларига зид келмайдиган бошка коидалар хам булиши мумкин.

Жамоа келишуви имзоланган пайтдан ёки белгиланган пайтдан кучга киради.

Жамоа келишувини амал килиш муддатини томонлар белгилайдилар, лекин у 3 йилдан ошиб кетмаслиги лозим.

Жамоа келишуви бу хужжатни тузган ходимларга ва иш берувчиларга нисбатан татбик этилади.

Уч тарафлама келишув тузилганда унинг амал килиши ижро этувчи хокимиятнинг тегишли органига хам тадбик этилади.

Барча погонадаги жамоа келишувларининг бажарилиши бевосита томонлар ёки улар ваколат берган вакиллар, Мехнат вазирлигининг тегишли органлари томонидан текшириб турилади. Текшириш вактида тарафлар бу иш учун керакли маълумотларни такдим этишлари шарт.

Назорат учун саволлар.

1.Жамоа шартномаси кандай хужжат?

2.Жамоа келишуви деганда нимани тушунасиз?

3.Жамоа шартномаси ва келишувини тузиш тамойилларини санаб беринг.

4.Жамоа шартномаларини тузиш жараёнини баён килинг?

5.Жамоа шартномасининг мазмуни ва йуналишлари нимадан иборат.

6.Жамоа келишувлари хакида тушунча беринг.

Адабиётлар.

1.Узбекистон Республикасининг Мехнат кодекси. Т. 1996 й.

2.Хукукий ислохатлар: мехнат конунчилиги. Кулланма. Т. 1995 й.

3.Мехнат конунчилигидан нималарни билаш керак. Т. 1990 й.

8-Мавзу: Ишга жойлаштириш ва унинг юридик асослари.

Режа:

1. Фукароларни ишга жойлашиш ва мехнат хукуклари.

2. Ишсизлик макоми ва уни химоялаш чоралари.
3. Иш билан таъминлашнинг зарур чоралари.

Таянч тушунчалар.

Ишга жойлашиш хукуки, иш жойини эркин танлаш хукуки, мехнат килиш хукукини кафолатлари, иш билан таъминлашга кумаклашиш жамгармаси, иш билан таъминланиш, ишсизлик макоми, моддий мадад бериш, ишсизлик нафакаси.

1. Узбекистон Республикаси Мехнат конунчилигининг долзарб муаммолларидан бири ахолини ишга жойлаштириш ва унинг юридик асосларини такомиллаштириб боришдир. Узбекистон Республикаси Мехнат кодексининг 57 моддасида фукароларнинг ишга жойлашиш хукуки атрофлича баён этилади.

Унумли ва ижодий мехнат килишга булган уз кобилиятларини тасарруф этиш ва конун хужжатлари билан таъкикланмаган хар кандай фаолият билан шугулланиш хар кимнинг мутлак хукукидир. Ихтиёрий равишда иш билан банд булмаслик жавобгарликка тортиш учун асос булолмайди.

Хар ким иш берувчига бевосита мурожаат килиш ёки мехнат органларининг бепул воситачилиги оркали иш жойини эркин танлаш хукукига эгадир.

Давлат ахолининг мехнат килиш хукукини амалга ошириш чораларини конун йули билан кафолатлайди. Бундай кафолатлар жумласига куйидагилар киради:

1. *Иш билан таъминлаш турини, шу жумладан турли мехнат режимидаги ишни танлаш эркинлигини.*
2. *Ишга кабул килишни конунга хилоф равишда рад этишдан ва мехнат шартномасини гайриконуний равишда бекор килишдан химояланишни.*
3. *Макбул келадиган иш танлаш ва унга жойлашишга ёрдам бериш.*
4. *Хар кимга нисбатан ва ишга эга булишда. Мехнат килиш ва иш билан таъминланиш шарт-шароитларида, мехнатга хак олишда. Хизмат погонасидан юкорилаб боришда тенг имкониятлар яратишни.*

5. *Янги касбга (мутахассисликка) бепул укитишни, махалий мехнат органларида ёки уларнинг йулланмаси билан бошка укув юртларида стипендия тулаб малакасини оширишни.*
6. *Бошка жойдаги ишга кабул килинганда моддий харажатлар учун конун хужжатларига мувофик компенсация тулашни.*
7. *Хак туланадиган жамоат ишларида катнашиш учун муддатли мехнат шартномалари тузиш имкониятини кафолатлайди.*

Иш билан таъминлашнинг хукукий, иктисодий ва ташкилий шартлари хамда мехнат килиш хукукини амалга оширишнинг кафолатлари мехнат тугрисидаги конунлар ва бошка норматив хужжатлар билан белгилаб куйилади.

Ахолининг ишга жойлашишига кумаклашиш мехнат вазирлиги тизимининг тегишли органлари томонидан амалга оширилади.

Иш билан таъминлаш сиёсатини амалга ошириш борасидаги тадбирларни молиявий жихатдан таъминлаш хамда мехнат органларининг самарали фаолият курсатиши учун Республика Хукумати белгилаб берган тартибда иш билан таъминлашга кумаклашиш давлат жамгармаси ташкил этилади.

Ахолини иш билан таъминлаш тугрисидаги конун хужжатлари Узбекистон фукароларига, Республика худудида доимий яшаб келаётган чет эл фукаролари ва фукаролиги булмаган шахсларга нисбатан татбик этилади.

Ахолини ишга жойлаштириш масалалари Мехнат кодексининг 5 бобида, шунингдек Республика Олий Мажлиси томонидан 1998 йилнинг 1 майида «Ахолини иш билан таъминлаш тугрисида» (янги тахрири) деб номланувчи конунида атрофлича баён этилади.

Ушбу конуннинг 2 моддасида ахолини иш билан таъминлаш тушунчаси аник ифодалаб берилади:

Иш билан таъминланиш – фукароларнинг конун хужжатларига зид келмайдиган, уз шахсий ва ижтимоий

эхтиёжларини кондириш билан боглик булган, уларга иш хаки (мехнат даромади) келтирадиган фаолиятидир.

Мажбурий мехнат, яъни бирон-бир жазони куллаш билан тахдид килиш оркали бажаришга мажбурлаш таъкикланади, конунда белгиланган холатлар бундан мустасно. Кишиларнинг ихтиёрий равишда иш билан банд булмаслиги уларни жавобгарликка тортиш учун асос була олмайди.

Куйидагилар иш билан таъминланган деб хисобланади:

1. *ёлланиб ишлаётган, шу жумладан ишни туликсиз иш вактида хак эвазига бажараётган, шунингдек хак туланадиган бошка ишга, шу жумладан вактинчалик ишга эга булган фукаролар.*
2. *Бетоблиги, мехнат таътили, касбга кайта тайёрлашда, малака оширишда эканлиги, ишлаб чикаришнинг тухтатиб куйилганлиги муносабати билан, шунингдек конун хужжатларига мувофик вактинча иш жойида булмаганда ходимнинг иш жойи сакланиб турадиган бошка жойларда вактинча иш жойида булмаган фукаролар.*
3. *Узини иш билан мустакил таъминлаётган фукаролар, тадбиркорлик фаолияти билан шугулланаётган фукаролар, кооперативларнинг аъзолари, фермерлар ва уларнинг ишлаб чикаришда катнашаётган оила аъзолари.*
4. *Куролли кучларда: Миллий хавфсизлик хизмати ва ички ишлар органлари ва кушинларида хизматни утаётган, шунингдек мукобил хизматни утаётган фукаролар.*
5. *Таътил тугрисидаги конун хужжатларига мувофик ишлаб чикаришдан ажралган холда таълим олаётган фукаролар.*
6. *Конун хужжатларига мувофик фаолият олиб бораётган жамоат бирлашмалари ва диний муассасаларда ишлаётган фукарлар.*

Кейинги йилларда фукароларнинг мехнат хукуклари ва уларни янада такомиллаштириш буйича хукукий ислохотлар дадиллик билан олиб борилмокда.

2. Маълумки собик Иттифок тузуми даврида ишсизлик капиталистик тузумга хос иллат деб хисобланар эди. Бизнинг мамлакатимизда ишсизлик 1930 йилдаёк бархам берилган деган фикрлар ургатилар эди. Натижада Республикамизда ишсизлик сони купайди, одамларнинг турмуш тарзи пасайиб колди.

Факат Мустакиллик шарофати билан республикамизда бозор муносабатларига утилиши билан ишсизликни камайтириш, одамларни иш билан таъминлаш сохасида кенг камровли тадбирлар амалга оширилди.

Бу уринда ишсизлик макоми хакида тушунча бериб утиш максадга мувофикдир.

16 ёшдан бошлаб то пенсия билан таъминланиш хукукини олишгача булган ёшдаги, ишга ва иш хакига (мехнат даромадига) эга булмаган, иш кидирувчи шахс сифатида махаллий мехнат органларида руйхатга олинган, мехнат килишга, касбга тайёрлш ва кайта тайёрлашдан утишга, малакасини оширишга тайёр мехнатга кобилиятли шахслар ишсиз деб эътироф этилади.

Шахсларни ишсиз деб эътироф этиш тугрисидаги карор махаллий мехнат органи томонидан улар иш кидираётган шахс сифатида руйхатга олинган кундан эътиборан ун биринчи кундан кечиктирмай кабул килинади.

Конун хужжатларига кура куйидагилар ишсиз деб хисобланмайди.

1. *Мехнат органларида руйхатга олинган кундан бошлаб ун кун ичида таклиф этилган макбул келадиган ишни икки марта рад этган шахслар.*
2. *Руйхатга олинган кундан бошлаб 10 кун ичида макбул келадиган ишни кидириш максадида узрсиз сабабларига кура* мехнат органларига келмаган шахслар.

Фукароларни ишсиз сифатида руйхатга олиш тартиби конун хужжатлари билан белгиланади.

Хар бир фукаро, жумладан барча талаба ёшлар макбул келадиган иш тушунчасини хам пухта билиб олишлари лозим.

Биринчи марта иш кидираётган, касби (мутахассислиги) булмаган шахслар учун дастлабки касб тайёргарлигини талаб килмайдиган иш, бундай ишни топиб бериш имконияти булмаган такдирда эса уларнинг ёши ва бошка хусусиятларини хисобга олган холда хак туланадиган бошка иш жумладан вактинчалик иш макбул келадиган иш деб хисобланади.

Ишдан ва иш хакидан (мехнат даромадидан) махрум булган шахслар учун уларнинг касб тайёргарлигига мос булган, ёшини, соглиги холатини, мехнат стажини ва аввалги мутахассислиги буйича тажрибасини янги иш жойининг транспортда катнаш жихатидан кулайлигини инобатга олувчи иш макбул келадиган иш деб хисобланади.

Ишсизликнинг дастлабки даври тугагандан сунг касбига мос иш топиб бериш мумкин булмаган такдирда, унинг кобилиятини, кучини олдинги тажрибасини ва унга кулай булган укитиш воситаларини инобатга олган холда касбини узлаштиришни талаб киладиган иш макбул келадиган иш деб хисобланиши мумкин.

Куйидаги холатлар эса макбул келмайдиган иш деб саналади:

1. иш яшаш жойини узгартириш билан боглик булса.
2. иш доимий яшаш жойидан анча узок булса ва катнаш нокулай булса.
3. Таклиф этилган ишда иш хаки шу мутахассислик ва малака учун белгиланган тартибда аникланадиган энг кам микдордан оз булса.
4. Ишни рад этиш узрли сабаблар билан асосланган булса.

Булар Мехнат кодексининг 63 моддасида курсатилади.

Мехнат конунчилигида белгиланишича ишдан махрум булган, биринчи марта иш кидираётган, узок (бир йилдан ортик) танаффусдан кейин мехнат фаолиятини кайта бошлашни истаган ва ишсиз деб эътироф этилган шахсларга куйидаги тартибда моддий мадад бериш кафолатлангандир.

1. Ишсизлик нафакасини тулаш.
2. Карамогидагиларни хисобга олган холда моддий ёрдам бериш.

3. Касб урганиш, малака ошириш, ёки кайта тайёрлаш даврида стипендия туланиши хамда шу даврни мехнат стажига кушиш.
4. Хак туланадиган жамоат ишларида катнашиш имконияти таъминланади.

Мехнат шартномаси алохида асослар буйича бекор килинган такдирда ходимларга моддий мадад бериш учун кушимча кафолатлар берилади.

Ишсизлик нафакаси ишсиз деб эътироф этилган шахсга у иш кидираётган шахс сифатида руйхатдан утган кундан бошлаб тайинланади. Ишсиз шахснинг нафака олиш хукуки у иш кидираётган шахс сифатида руйхатдан утган пайтдан бошлаб кечи билан ун биринчи кундан эътиборан кучга киради.

Ишсизлик нафакасининг микдори ва муддатларини хам билиб олиш талаб этилади. Ишсизлик нафакаси купи билан:

1. Ишдан ва иш хакидан махрум ёки узок танаффусдан кейин мехнат фаолиятини кайта бошлашга харакат килаётган шахсга 12 ойлик давр мобайнида 26 календар хафта.
2. Илгари ишламаган ва биринчи марта иш кидираётга шахсга эса 13 календар хафта мобайнида туланади.

Ишсиз шахс нафака олиш даврида иш кидириши ва хар 2 хафтада камида 1 марта мехнат органида йукламадан утиши лозим. Ишсизлик нафакасининг микдори конун хужжатлари билан белгиланади.

Ишсизлик нафакаси тулаш куйидаги холатларда бекор килинади:

1. Ишсиз шахс ишга жойлашганда.
2. Ишсиз шахс таклиф килинган ишни 2 марта рад этган такдирда.
3. Ишсизлик нафакасини олувчи шахс пенсия ёшига етганда.
4. Ишсиз шахс суднинг хукми билан камок жазосига хукм килинганда.
5. Ишсиз шахс ишсизлик нафакасини олиб турган даврда мехнат органига хабар бермай вактинча ишга жойлашган булса.
6. Ишсизлик нафакасини алдов йули билан олаётган булса.
7. Ишсиз шахс вафот этган такдирда.

Ишсиз шахс узрсиз сабабларига кура белгиланган муддатда мехнат органига келмаган такдирда, ишсизлик нафакасини тулаш 3 ойгача муддатга тухтатиб куйилиши ёки нафака микдорини камайтирилиши мумкин.

Давлат органлари лавозимларига сайланганлиги туфайли ишдан озод этилган ходимларга сайлаб куйиладиган лавозимдаги ваколатлари тугаганидан кейин аввалги иши (лавозими) берилади, бундай иш (лавозим) мавжуд булмаса, аввалгисига тенг иш (лавозим) берилиши шарт. (МК нинг 69 моддаси).

Ахолини ишга жойлаштириш тугрисидаги конун хужжатларига риоя килинишини текширишни давлат органлари, Мехнат вазирлиги ва касаба уюшмалари амалга оширадилар.

Мехнат килишга мажбурлашда, шунингдек ахолини ишга жойлаштириш тугрисидаги конун хужжатларини бузишда айбдор шахслар конунга мувофик тарзда жавобгар буладилар.

Назорат учун саволлар

1. Ишга жойлашиш ва мехнат хукуки деганда нимани тушунаси?
2. Мехнат килиш хукукини кафолатлари хакида гапиринг.
3. «Ахолини иш билан таъминлаш тугрисида» ги 1999 й. 1 май конунни изохлаб беринг.
4. Мехнат конунчилиги сохасидаги ислохотлар нимадан иборат?
5. Ишизлик тушунчасини баён килинг.
6. Ишсизлик нафакасини, уни тулаш ва бекор килишни биласизми?

Адабиётлар

1. Узбекистон Республикасининг Мехнат кодекси. Т. 1996 й.
2. Мехнат конунчилигидан нималарни билиш керак. Т. 1990 й.
3. М.Тешабоев. «Иш билан таъминлаш». «Конун химоясида» №6-7, 1996 й.

4. Ш.Холмуминов «Иш танлаш имконияти». Мулокот. №6 1997 й.
5. «Ахолини иш билан таъминлаш тугрисида» конун. 1992 й 13 январь.

9-Мавзу. Мехнат шартномаси ва унинг тузилиш тартиби.

Режа:

1. Мехнат шартномаси хакида тушунча.
2. Мехнат шартномасини тузиш коидалари
3. Мехнат шартномасини узгартириш тартиблари.

Таянч тушунчалар.

Мехнат шартномаси тушунчаси, мазмуни, турлари, шартнома тузиш коидалари, муддати, шартлари, талаб килинадиган хужжатлар, мехнат дафтарчаси, дастлабки синов, шартнома шартларини узгартириш тартиблари, бошка ишга утказиш коидалари.

1. Мустакил Узбекистон Республикасининг мехнат конунчилигида мехнат шартномалари, уларнинг мазмуни ва тамойиллари хакидаги масала алохида ахамият касб этади.

Мехнат шартномаси ишловчи ходим билан иш бажарувчи уртасида муайян мутахасислик, малака, лавозим буйича ишни ички мехнат тартиби коидаларига буйсунган холда тарафлар келишувидир. У норматив хужжатлар билан белгиланган шартлар асосида хак эвазига иш бажариш хакида келишувдир.

Ишловчи ходим ва иш берувчи мехнат шартномасининг субъектлари булиб хисобланади.

Мехнат шартномасини тузишдан олдин кушимча холатлар (танловдан утиш, лавозимга сайланиш ва бошкалар) хакида келишиб олинади. Уриндошлик асосида ишлаш учун хам мехнат шартномаси тузилади.

Мехнат шартномасининг мазмуни ва турлари келишувчилар томонидан белгилаб олинади. **Шартномада куйидагилар белгилаб олинади:**

1. *Иш жойи.*
2. *Ишлавчи ходимнинг вазифаси, лавозими.*
3. *Ишнинг бошланиш куни.*
4. *Мехнат шартномасининг амал килиш муддати.*
5. *Мехнат хаки микдори ва мехнатнинг бошка шартлари.*

Мехнат шартномасини тузиш пайтида конун хужжатларида белгиланган мехнат хукуки ва кафолатлари даражаси пасайтирилиши мумкин эмас.

Мехнат шартномаси факат ёзма шаклда тузилади. Мехнат шартномаси бир хил кучга эга булган икки нусхада тузилади ва хар бир тарафга саклаш учун топширилади. Унда томонларнинг аник манзиллари курсатилган булиши шарт.

Мехнат шартномаси ишловчи ходим ва иш берувчи ёки унинг вакили имзолари билан мустахкамланиб, имзоланган муддати кайд этилади. Мансабдор шахснинг имзоси корхона мухри билан тасдикланади.

Мехнат кодексининг 75-моддасида курсатилишича мехнат шартномалари:

1. Номуайян муддатга.
2. Беш йилдан ортик булмаган муддатга.
3. Муайян ишни бажариш вактига мулжаллаб тузилади.

Мехнат шартномасида унинг амал килиш муддати курсатилмаган булса, мехнат шартномаси номуайян муддатга тузилган хисобланади. Номуайян муддатга тузилган мехнат шартномаси ходимнинг розилигисиз муайян муддатга кайта тузилиши мумкмин эмас. Номуайян муддатга мулжалланган мехнат шартномалари тузиш мумкин булмаган холларда, ишнинг хусусиятлари, бажариш шартлари ёки ходимнинг манфаатларини хисобга олган холатда иш берувчи муддатли мехнат шартномасини тузиш хукукига эга.

Мехнат шартномаси томонлари а) зарур ва б) кушимча шартларни белгилаб оладилар. Зарур шартларсиз тузилган шартнома тузилган деб хисобланмайди. Кушимча шартлар эса томонларнинг келишувига караб белгиланади. Шартномаларнинг зарур шартлари: а) *иш жойи хакида аник маълумот*, б) *ишловчи бажарадиган мехнат функцияси тугрисидаги келишув*.

Мехнат шартномасининг кушимча шартлари жумласига куйидагилар киради: а) ишга кабул килишда синаб куриш, б) туликсиз иш вактини белгилаб олиш, в) ётокхоналар билан таъминлаш тугрисида ва хоказо.

Мехнат шартномасининг асосий хусусиятлари мавжуд булиб, улар жумласига куйидагилар киради: а) муайян турдаги ишни бажариш, б) корхонанинг ички мехнат тартиби коидаларига буйсуниши.

2. Узбекистон Республикасининг мехнат конунчилигида белгиланишича ишга кабул килишга 16 ёшдан йул куйилади. 15 ёшга тулган шахслар ота-онаси ёки уларнинг урнини босувчи шахснинг розилиги билан ишга кабул килиш мумкин. 14 ёшга тулган укувчилар хам ота- онаси ёки уларнинг урнини босувчи шахснинг розилиги билан, болаларнинг соглигига зиён етказмайдиган, енгил ишларни укишдан буш вактларида бажариш учун ишга кабул килишга йул куйилади.

Ишга кабул килишни гайриконуний равишда рад этишга йул куйилмайди. Гайриконуний рад этиш деганда куйидагилар тушунилади:

1. *Мехнат килиш хукукини чеклаш ёки имтиёзлар бериш.*
2. *Таклиф килинган шахсларни ишга кабул килмаслик.*
3. *Конунга мувофик мехнат шартномаси тузиши шарт булган шахсларни ишга кабул килмаслик.*
4. *Конунларда кузда тутилган бошка холлар булиши мумкин.*

Ишга кабул килиш рад этилган такдирда иш берувчи бунинг сабабини асослаб 3 кун муддат ичида ёзма жавоб бериши шарт. Бу жавоб ишга кабул килиш хукукига эга булган мансабдор шахс томонидан имзоланган булиши лозим.

Мехнат кодексининг 79- моддасига кура кариндош уругларнинг давлат корхонасида бирга хизмат килишлари чекланади. Узаро якин кариндош ёки куда- анда булган шахсларнинг бири иккинчисига бевосита буйсуниб ёки унинг

назорати остида хизмат киладиган булса, бир давлат корхонасида бирга хизмат килишлари таъкикланади.

Ишга кобул килиш вактида ходимдан куйидаги хужжатлар талаб килинади:

1. *Поспорт ёки унинг урнини босадиган бошка хужжатни, 16 ёшгача булган шахслар- тугилганлик гувохномасини ва турар жойидан маълумотнома.*
2. *Мехнат дафтарчасини, биринчи марта ишга кираётган шахслар бундан мустасно. Уриндошлик асосида ишга кираётганлар мехнат дафтарчаси урнига асосий иш жойидан маълумотномани.*
3. *Харбий хизматга мажбурлар ёки чакирилувчилар харбий билетни ёки харбий хисобда турганлик хакидаги гувохномани.*
4. *Махсус маълумот ва тайёргарликка эга шахслар диплом ёхуд гувохномани такдим этадилар.*

Ишга кираётган шахслардан узгача хужжатларни талаб килиш таъкикланади. Мехнат кодексининг 81- моддасида мехнат дафтарчаси хакида гапирилади. Мехнат дафтарчаси ходимнинг мехнат стажини тасдикловчи асосий хужжатдир. Корхонада 5 кундан ортик ишлаган барча ходимларга мехнат дафтарчаси берилиши шарт.

Мехнат дафтарчасига а) ишга кабул килиш, б) бошка доимий ишга утказиш ва в) мехнат шартномасини бекор килиш тугрисидаги маълумотлар ёзилади.

Мехнат шартномасини бекор килиш ва ходимга жазо бериш тугрисидаги маълумотлар мехнат дафтарчасига ёзилмайди.

Ишга кабул килиш иш берувчининг буйруги билан расмийлаштирилади. Буйрук чикариш учун ходим билан тузилган мехнат шартномаси асос булади. Буйрук мехнат шартномаси мазмунига тула мувофик равишда чикарилади. Буйрук ходимга маълум килиниб, тилхат олинади. Ходим иш бошлаган кундан эътиборан унинг мехнат шартномаси тузилган хисобланади. Мехнат шартномаси у имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради. Ходим шу кундан бошлаб узининг мехнат вазифаларини бажаришга киришмоги лозим. Мехнат шартномасида ишнинг

бошланиш куни курсатилмаган булса, шартнома имзоланган куннинг эртасидан ишга тушмоги лозим.

Мехнат шартномаси куйидаги максадда дастлабки синов шарти билан тузилиши мумкин.

1. *ходимнинг унга топширилаётган ишга лаёкатлилигини текшириш.*
2. *ишни давом эттириши мумкинлиги хакида бир карорга келиш.*

Дастлабки синов мехнат шартномасида белгиланган булиши шарт. Бундай килинмаган булса, ходим синовсиз ишга кабул килинган хисобланади.

Хомиладор аёллар, 3 ёшгача болали аёллар, квота хисобидан ишга юборилганлар, 6 ойгача муддатга ишга кирганлар учун дастлабки синов муддати белгиланмайди.

Узбекистон Республикаси Мехнат кодексининг 85- моддасида дастлабки синов муддатлари белгилаб куйилгандир. Дастлабки синов муддати 3 ойдан ошиб кетиши мумкин эмас. Вактинча мехнатга кобилиятсизлик ва узрли сабабларга кура ишда булмаган бошка даврлар дастлабки синов муддатига киритилмайди. Дастлабки синов даврида ходимларга мехнат тугрисидаги конун хужжатлари ва мехнат шартлари тулик татбик этилади. Дастлабки синов даври мехнат стажига киритилади.

Дастлабки синов муддати тугагунга кадар хар бир томон иккинчи тарафни 3 кун олдин ёзма равишда огохлантириб, мехнат шартномасини бекор килишга хаклидирлар. Бундай холда иш берувчи мехнат шартномасини синов натижаси коникарсиз булгандгина бекор килиши мумкин. Мехнат шартномасини бекор килиш тугрисидаги огохлантириш муддатини кискартиришга факат шартнома тарафларининг келишуви билан йул куйилади. Огохлантириш муддати мобайнида ходим мехнатга оид муносабатларини бекор килиш тугрисида берилган аризаларни кайтариб олишга хаклидир.

Дастлабки синов муддати тугагунгача тарафлардан бирортаси хам мехнат шартномасини бекор килишни талаб килмаган булса, шартноманинг амал килиши давом этади ва бундан кейин уни бекор килишга йул куйилмайди.

3. Хар бир фукаро мехнат шартлари тушунчасини билиб олишлари шарт. Мехнат шартлари деганда мехнат жараёнидаги ижтимоий ва ишлаб чикариш омилларининг жами тушунилади.

Ижтимоий омиллар жумласига а) мехнат хаки микдори б) иш вактининг в) мехнат таътилнинг муддати ва бошка шартлар киради.

Техника, санитария, гигиенага оид, ишлаб чикариш, маиший ва бошка шартлар ишлаб чикариш омиллари деб хисобланади. Мехнат шартлари конунлар ва бошка норматив хужжатлар, мехнат шартномаси тарафларининг келишуви билан белгиланади. Мехнат шартларини узгартириш, улар кайси тартибда белгиланган булса, шундай тартибда амалга оширилади. Мехнат шартномаси тарафларидан бирининг талаби билан мехнат шартларини узгартиришга ходимнинг розилигисиз йул куйилмайди.

Иш берувчи ходимнинг розилигисиз мехнат шартларини узгартиришга факат технологиядаги, ишлаб чикариш ва мехнатни ташкил этишдаги узгаришлар, ишлар хажмининг кискарганлиги, бундай узгаришлар ходимлар сонини узгаришига олиб келган холлардагина хаклидирлар. Иш берувчи айрим тоифадаги ходимлар учун мехнат шартларини узгартириш хусусида ходимларнинг вакиллик органлари билан олдиндан маслахатлашиб олади.

Иш берувчи мехнат шартларидаги узгаришлар хакида ходимни камида 2 ой олдин ёзма равишда огохлантириб тилхат олиши шарт. Курсатилган муддатни кискартиришга факат ходимнинг розилиги билан йул куйилади.

Мехнат шартномаси ходимнинг янги мехнат шартлари асосида ишлашни рад этганлиги сабабли бекор килиниши мумкин. Бунда ходимга уртача ойлик иш хакидан кам булмаган микдорда ишдан бушатиш нафакаси туланади. Ходимлар гурухи учун мехнат шартлари нокулай тарзда узгарган такдирда иш берувчи махаллий мехнат органига бу хакида маълумот бериши шарт.

Ишловчи ходим иш берувчи томонидан мехнат шартлари узгарганлиги устидан судга шикоят килишга хакли. Низони куриш вактида иш берувчи олдинги мехнат шартларини саклаб колиш имконияти булмаганлигини исботлаб бериш мажбурияти юкланади. Ишловчи ходим эса иш берувчидан мехнат шартларини узгартиришга хаклидир. Унинг бу хакидаги аризаси берилган

кундан эътиборан 3 кун ичида иш берувчи томонидан куриб чикилиши лозим. Ишловчининг талаблари рад этилган такдирда, иш берувчи унга рад этилиш сабабларини маълум килиш керак. Бундай килмаслик эса ходимнинг мехнат шартларини узгартириш хусусида шикоят килиш учун тусик була олмайди.

Мехнат кодексининг 92 моддасига кура бошка доимий ишга ходимни утказишга факат унинг розилиги билан йул куйилади.

Ходим билан иш берувчи уртасидаги келишув буйича вактинча бошка ишга утказилади. Бошка ишга утказиш муддати тугагач, иш берувчи ходимга унинг аввалги ишини бериши шарт.

Ишловчи ходимнинг вактинча бошка ишга утказиш хакидаги илтимоси, узрли сабаблар туфайли келиб чиккан булса, иш берувчи уни каноатлантириши лозим.

Вактинча бошка ишга утказиш иш берувчининг ташаббуси билан хам амалга оширилиши мумкин.

Ишлаб чикариш зарурияти ёки бекор туриб колиш муносабати билан ходимни унинг розилигисиз вактинча бошка ишга утказишга йул куйилади. Бунда ходим соглигига тугри келмайдиган бошка ишга утказилиши мумкин эмас. Бошка ишга утказилган ходимга аввалги уртача иш хакидан кам булмаган микдорда иш хаки туланади.

Бошка ишга утказиш муддатининг чегараси, иш хакининг аник микдорлари, ишлаб чикариш зарурияти жамоа шартномасида курсатилиши лозим.

Узбекистон Республикаси мехнат кодексининг 96 – моддасида бошка ишга доимий утказиш иш берувчининг буйруги билан расмийлаштирилади. Бундай буйрук чикариш ходим билан тузилган мехнат шартномасига киритилган узгаришлар асос булади. Бундай буйрук мехнат шартномасига киритилган узгаришларнинг мазмунига тула мувофик холда чикарилади ва ходимга маълум килиниб, тилхат олинади.

Вактинча бошка ишга утказиш унинг муддати курсатилган холда буйрук билан расмийлаштирилади.

Вактинча бошка ишга утказишлар мехнат шартномасида акс эттирилмайди.

Мехнат шартномасини ва иш жойини узгартириш хакида буйрук чикариш учун ходим билан тузилган мехнат шартномасига киритилган узгаришлар асос булади.

Интизомий жазо сифатида ходимни бошка корхонага ёки бошка жойдаги ишга утказишга йул куйилмайди. Ходимнинг унинг соглигига тугри келмайдиган ишларга утказиш мумкин эмас.

Назорат учун саволлар.

1. Мехнат шартномаси, унинг шакли ва мазмунини баён этинг.
2. Шартнома тузишга куйиладиган талаблар нималардан иборат.
3. Шартнома муддатлари ва шартларини гапириб беринг.
4. Ишга кабул килишда талаб этиладиган хужжатларни сананг.
5. Синов муддати деганда нимани тушунасиз?
6. Мехнат шартларини тушунтиринг.

Адабиётлар.

1. Узбекистон Республикасининг Конституцияси. Т. 2001 й.
2. Узбекистон Республикасининг Мехнат кодекси. Т. 1996 й.
3. Мехнат конунчилигидан нималарни билиш керак. Т. 1990 й.
4. Ахоли учун юридик маълумотнома. Т. 1994 й. 2- сон.
5. Мехнат хукуки (энциклопедия лугат). Т. 1981 й.
6. Мехнат шартномаси качон бекор килинади? «Ишонч» газетаси. 1-декабр. 2001 й.

10 – Мавзу: Мехнат шартномасини узгартириш асослари.

Режа:

1.Бошка ишга утказиш тушунчаси ва турлари.
2.Доимий ва вактинчалик бошка ишга утказиш.
3.Бошка ишга утказишнинг, мехнатнинг туб шарти узгаришидан фарки.

Таянч тушунчалар:

Мехнат шартномалари, уни узгартириш асослари, ходимнинг розилиги, ишловчи хукукини кафолатлари, бошка ишга доимий ва вактинча утказиш, унинг шартлари, уларнинг расмийлаштирилиши.

Узбекистон Республикаси Мехнат кодексининг 88 – моддасида мехнат шартномалари белгилаш ва узгартиришнинг умумий тартиби баён этиб берилган. Маълумки, мехнат шартномаси хамма вакт турли шартларни уз ичига олади.

Мехнат шартномалри деганда, мехнат жараёнида кечадиган ижтимоий ва ишлаб чикариш омиллари тушунилади. Юридик адабиётда таъкидлаб утилганидек, мехнат шартномасини узгартириш умумлашган атама булиб, у куйидагиларни уз ичига камраб олади:

-мехнат шартлари;

-ходимнинг мехнат вазифаси;

-иш жойининг узгартирилиши.

Мехнат кодексининг 88 – моддасига биноан, мехнат шартлари мехнат тугрисидаги конунлар ва бошка норматив хужжатлар, шунингдек, мехнат шартномаси тарафларининг келишуви билан белгиланади.

Ушбу модда мазмунининг тахлили мехнат шартномасининг шартларини куйидаги гурухларга ажратиб караш имконини беради:

-конун хужжатлари томонидан марказлаштирилган тартибда белгиланадиган шартлар (бунда Узбекистон Республикаси Мехнат кодекси, Узбекистон Республикаси карорлари, бошка конун хужжатлари, Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг, шунингдек Узбекистон республикаси президенти фармонлари, карорлари ва фармойишлари асосида белгиланадиган мехнат шартлари назарда тутилади);

-жамоа келишуви ёки корхонанинг локал тарздаги хужжатларида (корхона жамоа шартномаси, ички мехнат тартиби коидалари, ходимларни рагбатлантириш тугрисидаги коидалар ва х.к) кайд этилган шартлар;

-мехнат шартномаси тарафларининг келишуви асосида белгиланадиган шартлар (иш жойи, корхона ва унинг таркибий булинмаси, ходимнинг мехнат вазифаси, ишнинг бошланиш куни, мехнат хаки микдори, зарур холларда эса шартноманинг муддати ва бошкалар).

Умумий коидага кура, мехнат шартномаларини узгартириш, улар кайси тартибда белгиланган булса, худди шундай тартибда амалга оширилади.

Мехнат шартномасига киритилган мехнат шартларини узгартиришга тарафларидан бирининг талаби билан кодекснинг 89 – 90 моддаларида назарда тутилган холларда йул куйилади.

Юкорида билдирилган фикр – мулохазалар ва ушбу модданинг мазмунига таянган холда мехнатнинг шартларини узгартириш куйидагича классификация килиниши мумкин:

-**биринчидан**, конун хужжатлари ва бошка норматив хужжатларга асосан мехнат шартларини узгартириш;

-**иккинчидан**, иш берувчининг ташаббуси билан мехнат шартларини узгартириш (МК. 89 м);

-**учинчидан**, ходимнинг талабига кура менхнат шартларини узгартириш (МК. 90 м);

-**туртинчидан**, тарафлар келишуви билан мехнат шартларини узгартириш.

М.К.нинг 89 – моддасида курсатилганидек иш берувчи ходимнинг розилигисиз мехнат шартларини факат технологиядаги, ишлаб чикариш ва мехнатни ташкил килишдаги узгаришлар, ишлар (махсулот, хизматлар) хажмининг кискариши каби сабаблар, ходимлар сони ёки иш хусусиятини узгартиришга олиб келиши олдиндан аник булган холлардагина узгартириши мумкин.

Мазкур, 89 – моддада ходимнинг розилигисиз мехнатнинг шартларини узгартириш пайтида иш берувчи томонидан бажарилиши лозим булган катор талаблар куйилганки, булар ходимларнинг мехнат хукукларини химоя килишга каратилган кафолатлар сифатида мухим урин тутади.

Бу кафолатлар куйидагилардан иборат:

-биринчидан, иш берувчи айрим тоифадаги ходимлар учун мехнат шартларини узгартириш борасида корхонадаги ходимларнинг вакиллик органи билан олдиндан маслахатлашиб олиши лозим;

-иккинчидан, иш берувчи келгусида мехнат шартларини узгартириш эхтимоли хакида ходимни камида, 2 – ой олдин ёзма равишда огохлантириб, тилхат олиши шарт. Курсатилган муддатни кискартиришга факат ходимнинг розилиги билан йул куйилади;

-учунчидан, купчилик ходимлар гурухи учун мехнат шартлари нокулай тарзда узгарган такдирда иш берувчи махаллий мехнат органига бундай узгартиришнинг сабаби хакида маълумот бериши шарт;

-туртинчидан, ходим билан мехнат шартномаси у янги мехнат шартлари асосида ишлашни давом эттиришни рад этгани сабабли бекор килиниши мумкин; бундай холларда ходимга уртача ойлик иш хакидан кам булмаган микдорда ишдан бушатиш нафакаси туланиши керак;

-бешинчидан, ходим иш берувчи томонидан мехнат шартлари узгартирилгани хакида судга шикоят килишга хаклидир;

-олтинчидан, низони куриш вактида аввалги мехнат шартларини саклаб колиш имконияти йуклигини исботлаб бериш мажбурияти иш берувчининг зиммасига юклатилади.

Ходим талабига биноан мехнат шартларини узгартириш.

Амалдаги мехнат конунчилигида муайян вазиятлар мавжуд булганда мехнат шартларини ходим талабига биноан, узгартириш мумкинлиги кузда тутилган.

Бунинг учун уша муайян вазият мавжуд булиши ва аник курсатилиши керак. М.К. 90 – моддаси 1 – кисмига мувофик, мехнат тугрисидаги конунлар ва бошка норматив хужжатларда назарда тутилган холларда ходим иш берувчидан мехнат шартларини узгартиришни талаб килишга хаклидир.

Узбекистон Республикасининг «Хотин –кизларга кушимча имтиёзлар тугрисида»ги 1999 – йил 14 – апрелдаги Конуни билан айрим тоифа аёллар учун иш хафтасининг 40 – соатлик муддати 35 – соатлик кискартирилган муддат килиб белгиланди.

Шу муносабат билан, мехнат шартномасининг иш вакти муддатига тегишли шарти ходим талабига биноан узгартирилиши лозим.

Мехнат конунчилигида алохида ижтимоий химояга мухтож булган ходим томонидан мехнат шартини узгартиришни талаб килиши кузда тутилган.

Масалан, муайян ходимга Т.М.Э.П томонидан ногиронлик гурухи белгиланган такдирда унга иш вактини кискартириш, 30 – календарь кундан иборат мехнат таътили берилишни ва бошка шартларни узгартиришни талаб килиш имконияти тугилади.

Бошка ишга утказиш муддатига караб 2 турга булинади: доимий ва вактинча бошка ишга утказиш.

Шунингдек, бошка ишга утказиш иш берувчининг ташаббуси буйича хам, ходимнинг ташаббуси билан хам амалга оширилиши мумкин.

Вактинча бошка ишга утказишнинг куйидаги куринишлари мавжуд:

1) тарафларнинг келишуви буйича вактинча бошка ишга утказиш;
2) ходимнинг ташаббуси билан вактинча бошка ишга утказиш;
3) иш берувчининг ташаббуси билан вактинча бошка ишга утказиш.

Доимий бошка ишга утказиш тартиби эса мехнат кодексининг 92–моддасида баён этилган. Унга кура, доимий бошка ишга утказишга (яъни, ходимнинг мехнат вазифасини узгартиришга), унга бошка ихтисос, малака, лавозимга оид ишни топширишга факат унинг розилиги билан йул куйилади.

Конунчиликда ишни давом эттириш учун имконият бермайдиган куйидаги холатлар аник курсатиб куйилган:

-технологиядаги ишлаб чикариш ва мехнатни ташкил этишдаги узгартиришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг узгаришига олиб келган иш хажмининг кискаргани ёки корхонанинг тугатилгани (М.К. 100 м, 1-банди);

-ходимнинг малакаси етарли булмаси ёки соглиги холатига кура, бажараётган ишига нолойик булиб колиши (М.К. 100 м, 2-банди);

-мулкдорнинг алмашиши сабабли корхона рахбари, унинг уринбосарлари, бош бухгалтер билан тузилган мехнат шартномасини бекор килингани (М.К.98м);

-муайян ишни илгари бажариб келган ходимнинг ишга тикланиши (М.К. 106 м 2 – банди).

Мехнат конунчилигида тиббиёт муассасаларининг ташаббуси билан бошка ишга утказиш хам назарда тутилган. Масалан,

Узбекистон Республикасининг «Фукаролар соглигини саклаш тугрисида» ги 1996-йил 29-августдаги Конунининг 36-моддасида курсатилишича, вактинча мехнатга кобилиятсизлигини экспертизадан утказишда ходимни унинг соглигига караб вактинча ёки доимий равишда бошка ишга утказиш зарурати белгиланади.

Шу асосда тиббий хулоса берилади.

Мехнат шартномасида муайян иш жойи аник курсатиб куйилган холларда иш жойини узгартириш хакида буйрук чикариш учун ходим билан тузилган мехнат шартномасига киритилган узгартиришлар асос булади.

Назорат учун саволлар.

1.Мехнат шартномасига тушунча беринг?
2.Бошка ишга утказиш деганда нимани тушунасиз?
3.Шартнома узгартириш коидаларини биласизми?
4.Шартнома узгартириш масаласида иш берувчига кандай мажбуриятлар юклатилади?
5.Ишловчи хукукларини кафолатланишини баён килинг?

Адабиётлар.

1. Узбекистон Республикасининг Мехнат кодекси. Т. 1996 й.
2. Фукаролар соглигини саклаш тугрисида конун, 1996-йил 29-август
3. Ахоли учун юридик маълумотнома. Т. 1995-й.

11 – мавзу: Мехнат шартномасини бекор килиш коидалари.

Режа.

1. Мехнат шартномасини бекор килишнинг умумий асослари.
2. Шартномани бекор килишда томонларнинг хукуклари.
3. Шартномани бекор килишнинг окибатлари.

Таянч тушунчалар:

Мехнат шартномасини бекор килиш асослари, огохлантириш, ходимнинг ихтиёри билан ва иш берувчининг ташаббуси билан шартномани бекор килиш, ишдан озод килишдаги имтиёзлар, шартнома томонлар ихтиёрига боглик булмаган холатлар, ишдан бушатиш нафакаси, ишдан четлаштириш.

Мустакиллик йилларида кабул килинган мехнат конунлар ва бошка конун хужжатларида мехнат шартномасини бекор килишнинг хукукий асослари хам аник белгилаб берилди. Мехнат кодексининг 97 моддасида мехнат шартномасини бекор килишнинг куйидаги умумий асослари санаб курсатилди.

1.тарафларнинг келишувига кура мехнат шартномасининг барча турлари исталган вактда бекор килиниши зарур.

2.томонлардан бирининг ташаббуси билан бекор килиниши мумкин.

3.муддатнинг тугаши билан шартнома бекор килиниши мумкин.

4.томонлар ихтиёрига боглик булмаган холатларга кура бекор килинади.

5.мехнат шартномасида назарда тутилган асосларга кура бекор килинади.

Корхона мулкдори алмашганда, корхона кайта ташкил этилганда мехнат муносабатлари ходимнинг розилиги билан давом этади. Янги мулкдор корхонанинг рахбари билан тузилган мехнат шартномасини бекор килишга хаклидир.

Корхонанинг бир органдан иккинчи орган буйсунувига утказилиши мехнат шартномасининг амал килишини тухтатмайди.

Ишловчи ходим номуайян муддатга тузилган мехнат шартномасини хам, муддати тугагунга кадар муддатли мехнат шартномасини хам, 2 хафта олдин иш берувчини ёзма равишда огохлантириб, бекор килишга хаклидир. Огохлантириш муддати тугагандан сунг ходим ишни тухтатишга хакли. Иш берувчи эса

ходимга мехнат дафтарчасини бериши ва у билан хисоб – китоб килиши шарт.

Ходим билан иш берувчи уртасидаги келишувга биноан мехнат шартномаси огохлантириш муддати тугамасдан олдин хам бекор килиниши мумкин. Тарафлар келишуви буйича белгиланган огохлантириш муддати давомида ходим берган аризани кайтариб олишга хаклидир.

Огохлантириш муддати тугагандан кейин ходим билан мехнат шартномаси бекор килинмаган ва мехнат муносабатлари давом этаётган булса, ходимнинг ташаббуси билан мехнат шартномасини бекор килиш хакидаги ариза уз кучини йукотади. Бундай холда мехнат шартномасини шу аризага мувофик бекор килишга йул куйилмайди.

Мехнат шартномасини ходимнинг ташаббуси билан бекор килиш хакидаги ариза у уз ишини давом эттиришининг имкони йуклиги а) укув юртига кирганлиги б) пенсияга чикканлиги в) бошка лавозимга сайланганлиги ва бошка холатлар билан боглик булса, иш берувчи мехнат шартномасини ходим илтимос килган муддатда бекор килиши керак.

Муддатли мехнат шартномаси ходимнинг ташаббуси билан муддатидан олдин бекор килинганда ходимнинг неустойка тулаши белгилаб куйилгандир.

Мехнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор килишга асос берадиган МК нинг 100 моддаси талабларини билиб олиш максадга мувофикдир.

Конун талабларига асосан номуайян муддатга тузилган мехнат шартномасини хам, муддати тугамаган муддатли мехнат шартномасини хам иш берувчининг ташаббуси билан бекор килиш асосли булиши шарт.

Куйидаги холатлар мехнат шартномасини бекор килишнинг асосли эканлигини билдиради:

1. Технологиядаги, ишлаб чикариш ва мехнатни ташкил этишдаги узгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг узгаришига олиб келган ишлар хажмининг кискарганлиги ёки корхонанинг тугатилганлиги.

2. Ходимнинг малакаси етарли булмаганлиги ёки соглиги холатига кура бажараётган ишига нолойик булиб колиши.

3. Ходимнинг уз мехнат вазифаларини мунтазам равишда бузганлиги. Илгари мехнат вазифаларини бузганлиги учун ходим интизомий ёки моддий жавобгарликка тортилган ёки унга нисбатан ноконуний чоралар кулланилган кундан эътиборан 1 йил мобайнида ходим томонидан такроран интизомга хилоф ножуя харакат содир килиниши мехнат вазифаларини мунтазам равишда бузиш хисобланади.

4. Ходимнинг уз мехнат вазифларини бир марта купол равишда бузганлиги.

Ходим билан тузилган мехнат шартномасини бекор килишга олиб келиши мумкин булган мехнат вазифаларини бир марта купол равишда бузишларнинг руйхатида куйидагилар белгилаб куйилгандир:

а) ички мехнат тартиби коидалари

б) корхона мулкдори билан корхона рахбари уртасида тузилган мехнат шартномаси

в) айрим тоифадаги ходимларга нисбатан кулланиладиган интизом хакидаги низом ва уставлар билан белгиланади.

Ходимнинг уз мехнат вазифаларини бузиши купол тусга эгалиги ёки эга эмаслиги хар бир ножуя харакатнинг огир – енгиллиги ва унинг окибатларига караб хал этилади.

5. Уриндошлик асосида ишламайдиган бошка ходимнинг ишга кабул килиниши муносабати билан ва уриндошлик иши чекланиши сабабли уриндошлар билан мехнат шартномаларини бекор килинганлиги.

6. Мулкдорнинг алмашуви сабабли корхона рахбари билан тузилган мехнат шартномасининг бекор килинганлиги.

Ишловчи ходим вактинча мехнатга кобилиятсизлик даврида ва мехнат тугрисидаги конун хужжатларида кузда тутилган мехнат таътилларида булган даврида мехнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор килишга йул куйилмйди. Корхона бутунлай тугатилган холатлар бундан мустасно.

Мехнат кодексининг 101 моддасида белгиланишича касаба уюшма кумитаси ва ходимларнинг бошка вакиллик органларининг розилигини олмай туриб мехнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор килишга йул куйилмайди.

Касаба уюшмаси ходим билан мехнат шартномасини бекор килишга розилик бериш хакида кабул килинган карори буйича иш

берувчига ёзма равишда хабар бериши керак. Бундай хабар мансабдор шахснинг ёзма такдимномаси олинган кундан бошлаб 10 кунлик муддат ичида маълум килинади.

Иш берувчи касаба уюшма кумитаси ходим билан мехнат шартномаси бекор килишга розилик берган кундан бошлаб 1 ойдан кечиктирмай, мехнат шартномасини бекор килишга хаклидир.

Мехнат интизомини бузганлик учун мехнат шартномасини иш берувчи томонидан бекор килишга интизомий жазоларни кулланиш учун белгиланган муддатлар утиб кетгандан кейин йул куйилмайди.

Иш берувчи мехнат шартномасини бекор килиш хакида ходимни куйидаги муддатларда ёзма равищда огохлантириши шарт:

1.Мехнат шартномаси технологиядаги, ишлаб чикариш ва мехнатни ташкил этишдаги узгаришлар, ходимлар сони ёки иш хусусиятининг узгаришига олиб келган ишлар хажмининг кискарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан бекор килинганда камида 2 ой олдин.

2.Мехнат шартномаси ходимнинг малакаси етарли булмаганлиги ёки соглиги холатига кура бажараётган ишига нолойик булиб колиш муносабати билан бекор килингандан камида 2 хафта олдин огохлантириши лозим.

Ходим билан иш берувчи уртасидаги келишувга биноан юкоридаги муддатларга мувофик келадиган пуллик компенсация билан алмаштирилиши мумкин.

Мехнат шартномаси ходимнинг айбли харакатлари туфайли бекор килинган холларда иш берувчи ходимни мехнатга оид муносабатларнинг бекор килиниши тугрисида камида 3 кун олдин хабардор килади ёки унга шунга мутаносиб компенсация тулайди.

Огохлантириш муддати давомида, мехнатга оид муносабатлар ходимнинг айбли харакатлари муносабати билан бекор килиш тугрисидаги огохлантиришни истисно этганда, ходимга бошка иш кидириш учун хафтада камида бир кун шу вакт учун иш хаки сакланган холда ишга чикмаслик хукуки берилади. Ходимнинг огохлантириш муддатига вактинча мехнатга кобилиятсизлик даври, унинг давлат ёки жамоат вазифаларини бажарган вакти кушилмайди, мехнатга оид муносабатларнинг корхона тугатилганлиги натижасида бекор килиниши бундан мустасно.

Иш берувчи ходимларни оммавий равишда ишдан озод этиш тугрисида уз вактида касаба уюшмаси ёки бошка вакиллик органига ахборот такдим этади ва маслахатли ишларни амалга оширади.

Иш берувчи камида 2 ой олдин хар бир ходимнинг касби, малакаси ва мехнат хаки микдорини курсатган холда ишдан озод килиш тугрисидаги маълумотларни махаллий мехнат органига хам маълум килиши шарт.

Технологиядаги, ишлаб чикариш ва мехнатни ташкил этишдаги узгаришлар, ходимлар сони ёки иш хусусиятининг узгаришига олиб келган иш хажмининг кискариши муносабати билан мехнат шартномаси бекор килинганда ишда колдириш учун имтиёзли хукук малакаси ва мехнат унумдорлиги юкорирок булган ходимларга берилади.

Малакаси ва мехнат унумдорлиги бир хил булган такдирда куйидагиларга афзаллик берилади:

1.карамогида икки ёки ундан ортик киши булган ходимларга.

2.оиласида ундан бошка ишловчиси булмаган шахсларга.

3.куп йиллик иш стажига эга булган ходимларга.

4.сиртдан укиётганларга, олий мактабни янги битириб ишлаётган такдирда 2 йил мобайнида.

5.мазкур корхонада майиб булиб колган ёки касб касаллигига учраб колган шахсларга.

6.уруш ногиронлари, катнашчилари ва уларга тенглаштирилганларга.

7.атом объектларида нурланиш касаллигига учраган шахсларга.

Жамоа шартномасида ходимларни ишда колдиришда афзаллик бериладиган бошка холатлар назарда тутилиши мумкин.

Муддатли мехнат шартномаси унинг муддати тугаши билан бекор килинади. Муддати тугагандан кейин хам мехнат муносабатлари давом этаверса, томонлардан бирортаси 1 хафта давомида уни бекор килинишини талаб килмаган булса, шартнома номуайян муддатга узайтирилган деб хисобланади.

Мехнат шартномаси тарафлар ихтиёрига боглик булмаган куйидаги холатларда бекор килинади:

1.ходим харбий ёки мукобил хизматга чакирилган такдирда.

2.илгари ишлаб келган ходим ишга тикланган такдирда.

3.суднинг хукми билан ишни давом эттириш имкониятидан махрум этилган ёки даволаш масканига юборилган такдирда.

4.ишга кабул килишда коидалар бузилган булиб, ишни давом эттиришга тускинлик килса.

5.ходимнинг вафоти муносабати билан.

6.конунда белгиланган бошка холатларда.

Мехнат шартномасини бекор килиш ишга кабул килиш хукукига эга булган мансабдор шахс томонидан амалга оширилади ва буйрук билан расмийлаштирилади. Охирги иш куни мехнат шартномасини бекор килинган кун деб хисобланади. Иш берувчининг буйругида мехнат шартномасини бекор килиш асослари курсатилиши шарт.

Мехнат шартномаси бекор килинган куни иш берувчи ходимга унинг мехнат дафтарчасини ва мехнат шартномасини бекор килиш хакидаги буйрукнинг нусхасини бериши шарт.

Мехнат шартномаси бекор килинган куйидаги холатларда ишдан бушатиш нафакаси туланади. Бунинг асослари Мехнат кодексининг 109 моддасида санаб курсатилади.

1.иш берувчининг ташаббуси билан.

2.тарафлар ихтиёрига боглик булмаган холатларда бекор килинса.

3.ходим янги мехнат шартлари асосида ишни давом эттиришни рад этганлиги сабабли.

Ишдан бушатиш нафакасининг микдори уртача ойлик иш хакидан кам булиши мумкин эмас.

Мехнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор килинганда ходимга тегишли иш хаки, унинг микдори хусусида низо булмайди.

1.мехнат шартномаси бекор килинган кунга кадар ишлаётган ходимга–мехнат шартномаси бекор килинган куни.

2.мехнат шартномаси бекор килинган куни ишламаётган ходимга, у хисоб–китоб килишни талаб этган куни туланиши керак.

Мехнат шартномаси ходимнинг ташаббуси билан бекор килинганда унга тегишли иш хаки, унинг микдори хусусида низо булмаса:

1.ишни ташлаб кетишга хакли булган кундан кечиктирмасдан.

2.иш берувчини огохлантириши шарт булмаган ходимга, - ишдан кетган куннинг эртасидан кечиктирмасдан туланиши лозим.

Мехнат шартномаси гайриконуний равишда бекор килинган холларда у аввало иш берувчининг узи томонидан аввалги ишига тикланиши лозим. мехнат шартномаси гайриконуний равишда бекор килинганда ва ходим ишга тикланганда ишловчига етказилган моддий зарарни коплаш иш берувчи зиммасига юклатилади (Бу алохида мавзу).

Мехнат кодексининг 113 моддасида «Ишдан четлаштириш» хакида гапирилади. Конуний асослар булмаган холда ишловчини ишдан четлаштиришга йул куйилмайди. Спиртли ичимликлар, гиёхванд моддалар таъсирида маст холатида келган ходим ишга куйилмайди.

Тиббий курикдан утиш, тиббий комиссия тавсияларини бажармаган ходим иш берувчи томонидан ишга куйилмасликка хаклидир.

Иш берувчининг айби билан гайриконуний равишда ишдан четлаштирилган ходимга етказилган зарарни тулаш мажбурияти иш берувчига юклатилади.

Назорат учун саволлар.

1.Мехнат шартномасини бекор килишнинг умумий асосларини гапириб беринг.

2.Ходимнинг ташаббуси билан мехнат шартномасини бекор килиш коидаларини баён килинг.

3.Мехнат шартномасини бекор килиш асосларига нималар киради?

4.Иш берувчининг ташаббуси билан мехнат шартномасини бекор килиш тартибларини биласизми?

5.Ишдан бушатиш нафакаси ва унинг коидаларини тушунтиринг.

Адабиётлар.

1. Узбекистон Республикасининг Конституцияси.Т. 2001й.
2. Узбекистон Республикасининг Мехнат кодекси.Т.1996й.
3. Мехнат конунчилигидан нималарни билиш керак.Т.1990й.
4. Ахоли учун юридик маълумотнома.Т1994й. 2-сон.
5. К.Кодиров. «Мехнатга оид хужжатларни расмийлаштириш намуналари.» Т. «Адолат».2000 й.
6. Р.Холматов « Ишга кайта тиклаш муаммолари.», «Конун химоясида»№11,1998 й.

12-Мавзу: Иш вакти ва дам олиш вактларини хукукий тартибга солиниши.

Режа:

1. Иш вакти, унинг турлар ва фойдаланиш йуллари.
2. Дам олиш вакти ва уни амалга оширилиши.
3. Байрам кунлари ва улардан фойдаланиш тартиблари.

Таянч тушунчалар.

Иш вакти, 5 кунлик ва 6 кунлик иш хафтаси, нормал, кискартирилган, туликсиз иш куни , иш вакти режими, тунги вакт, иш вактидан ташкари дам олиш вакти, унинг турлари, умумий дам олиш куни, байрам кунлари, байрам кунларида ишлаганлик учун хак тулаш.

1. Узбекистон Республикасининг мехнат конунчилиги ишлаш ва дам олиш вактларини хукукий жихатдан тартибга солиш масалаларини хам такомиллаштириб келмокда. Мехнат кодексининг 7 бобида «Иш вакти» ва унинг мазмуни, мохияти хамда турлари аник талаблар билан баён этилади.

Ходим иш тартиби ёки графиги ёхуд мехнат шартномаси шартларига мувофик уз мехнат вазифаларини бажариши лозим булган вакт иш вакти хисобланади.

Ишловчи ходим учун иш вактининг нормал муддати хафтасига 40 соатдан ортик булиши мумкин эмас. (МК 115 м).

Олти кунлик иш хафтасида хар кунги ишнинг муддати 7 соатдан, 5 кунлик иш хафтасида эса 8 соатдан ортиб кетмаслиги лозим. Корхонада иш вактини жамлаб хисобга олиш жорий килинган такдирда иш соатларининг нормал микдоридан ошиб кетмаслиги шарт. Мехнат кодексининг 116 моддасида иш вактининг кискартирилган муддатлари санаб курсатилади.

Айрим тоифадаги ходимлар учун уларнинг ёши, соглиги холати, мехнатнинг шартлари, мехнат вазифаларининг узига хос хусусиятилари ва узига хос холатларини инобатга олиб, мехнат тугрисидаги конунлар ва бошка норматив хужжатлар, мехнат шартномаси шартлрига биноан мехнатга туланадиган хакни камайтирмасдан, иш **вактининг кискартирилган муддат**и белгиланади.

Иш вактининг кискартирилган муддати куйидагилар учун белгиланади:

1. 18 ёшга тулмаганлар учун.
2. 1 ва 11 гурух ногиронлари учун.
3. Нокулай мехнат шароитларидаги ишларда банд булганлар учун.
4. Алохида тусга эга булган ишлардаги ходимлар.

Нокулай мехнат шароитларидаги ишларда банд булган ходимлар учун иш вактининг кискартирилган муддати МК нинг 117 моддасида баён этилади.

Иш вактининг хафтасига 36 соатдан ошмайдиган кискартирилган муддати мехнат жараёнида соглигига физикавий, кимёвий, биологик ва ишлаб чикаришнинг бошка зарарли омиллари таъсир этадиган ходимлар учун белгиланади. Корхонадаги бундай ишларнинг руйхати ва бажариш муддати тармок келишувларида белгилаб куйилган.

Юкори даражадаги хис-хаяжон, аклий зурикиш, асаб танглиги билан боглик булган алохида тусга эга булган ишлар билан банд

булган ходимлар учун (тиббиёт ходимлари, педагоглар ва бошк.) иш вактининг муддати хафтасига 36 соатдан ошмайдиган килиб белгиланади.

Ходим билан иш берувчи уртасидаги келишувга биноан **туликсиз иш куни ёки туликсиз иш хафтаси** белгилаб куйилиши мумкин. Иш берувчи айрим холатларда ходимнинг илтимосига кура туликсиз иш вактини белгилаб куйиши шарт.

Туликсиз иш вакти билан ишлаш ходимнинг йиллик асосий мехнат таътилининг муддатини, мехнат стажини хисоблашни хамда бошка мехнат хукукларини чеклашга асос булмайди ва ишланган вактга ёки ишлаб чикарилган махсулотга мутаносиб равишда хак туланади. Иш хафтаси:

1. Беш кунлик иш хафтаси ва
2. олти кунлик иш хафтасига булинади.

Иш вакти режими хам мавжудки, унга куйидагилар киради:

А) кунлик иш вактининг муддати.

Б) ишнинг бошланиш ва тугаш вакти.

В) ишдаги танаффуслар вакти.

Г) сутка давомидаги сменалар сони.

Д) иш кунлари хамда ишланмайдиган кунларнинг навбат билан алмашиниши

Е) ходимларнинг сменадан сменага утиш тартиби.

Иш вакти режими корхонанинг «Ички мехнат тартиби коидалари,» бошка локал хужжатлар ва келишувларга асосан белгиланади. Ходимни сурункасига 2 сменада ишга жалб этиш таъкикланади. Байрам кунлари арафасида кундалик иш муддати барча ходимлар учун 1 соатга кискартилади.

Узбекистон мехнат конунчилигида (122 м) Тунги вактдаги ишнинг муддати хам белгилаб куйилгандир. Кеч соат 22:00 дан эрта соат 6:00 гача булган вакт тунги вакт деб хисобланади. Тунги иш вакти хужжатлар билан белгиланган тарзда фойдаланилади.

Иш вактининг муддати иш соатларининг нормал микдоридан ошиб кетмайдиган шарт билан корхонада иш вактин жамлаб хисобга олиш жорий килиниши мумкин. Бунда хисобга олинадиган давр бир йилдан, кундалик иш вактининг муддати эса 12 соатдан ортиб кетмаслиги лозим. Бундай холатлар хам жамоа шартномасида белгилаб куйилиши лозим.

Мехнат кодексининг 124 моддасида «Иш вактидан ташкари иш» баён этилади.

Ходим учун белгиланган кундалик иш муддатидан ташкари ишлаш иш вактидан ташкари иш деб хисобланади. Иш вактидан ташкари ишлар ходимнинг розилиги билан кулланилади. Иш сменасининг муддати 12 соатдан иборат булади, мехнат шароити ута огир ва ута зарарли ишларда иш вактидан ташкари ишларга йул куйилмайди. Иш вактидан ташкари ишга жалб этиш белгиланган чеклашларга риоя этган холда амалга оширилади. Иш вактидан ташкари иш учун компенсация ва хак тулаш конунга мувофик амалга оширилади. Иш вактидан ташкари ишнинг муддати хар бир ходим учун сурункасига 2 кун давомида 4 соатдан ва йилига 120 соатдан ортик булмаслиги лозим.

Иш берувчи хар бир ходимнинг хакикатда ишлаган иш вактини, шу жумладан иш вактидан ташкари ишлаган вактини уз вактида аник хисобга олиб бориши шарт.

2. Узбекистон Республикаси Мехнат конунчилигида дам олиш вакти хам алохида белгилаб куйилгандир .

Дам олиш вакти сарфланган жисмоний ва рухий кувватни кайта тиклаш, шахс сифатида камол топиши, оила , ижодий фаолият билан шугулланиш учун зарур булган ижтимоий вактдир.

Дам олиш вактининг турларига куйидагилар киради:

А) иш куни давомидаги дам олиш вакти.

Б) иш кунлари орасидаги дам олиш вакти.

В) иш хафталари орасидаги дам олиш вакти.

Г) байрам кунлари.

Д) йиллик мехнат таътили.

Узбекистон Республикаси Мехнат кодексининг 127 моддасида айтилишича, иш куни давомида дам олиш ва овкатланиш учун танаффус берилиши керак, бу танаффус иш вактига киритилмайди.

Танаффус бериш вакти ва унинг аник муддати «Ички мехнат тартиби коидалари» да, смена графикларида ёки ходим билан иш берувчи уртасидаги келишувда белгилаб куйилади.

Ишлаб чикариш шароитига караб, дам олиш ва овкатланиш учун танаффус бериш мумкин булмаган ишларда иш берувчи ходимга иш вактида овкатланиб олиш имкониятини таъминлаши керак.

Ишнинг тугаши билан кейинги иш бошланиши уртасидаги кундалик дам олиш вактининг муддати 12 соатдан кам булиши мумкин эмас.

Барча ходимларга дам олиш кунлари берилади. 5 кунлик иш хафтасида ходимларга хафтада 2 дам олиш куни, 66 кунлик иш хафтасида эса 1 дам олиш куни берилади.

Умумий дам олиш куни – якшанбадир.

Мехнат конунчилигида белгиланишича, дам олиш кунларида ишлатиш таъкикланади.

Иш берувчининг фармойиши буйича айрим ходимларни дам олиш кунлари ишга жалб этишга йул куйилади. Бу хакда жамоа шартномасида белгилаб куйилмоги лозим. Бу хакда касаба уюшма ташкилоти билан келишилган булиши шарт. Дам олиш кунларида бажарилган иш учун компенсация ва икки хисса хак туланиши шарт.

Мамлакатимизда иш хафталари орасидаги дам олиш вактининг узлуксиз муддати одатда 42 соатдан кам булмаслиги лозим.

3. Ватанимиз тарихида ва ижтимоий хаётида ута мухим ахамиятга эга булган ва махсус конунчилик актлари чикариш йули билан давлатнинг расмий байрами деб эълон килинган байрам кунларида хам дам олинади.

Узбекистон РеспубликасиМехнат кодексининг 131 моддасига кура куйидаги кунлар байрам (ишланмайдиган) кунлар хисобланади.

1 январь – Янги йил байрами,8 март – Хотин-кизлар куни, 21 март – Навруз байрами. 9 май – Галаба куни, 1 сентябрь – Мустакиллик куни, 1 октябрь – Укитувчи ва мураббийлар куни, 8 декабрь – Конституция куни, Руза хайити ва Курбон хайитининг биринчи кунлари.

Байрам (ишланмайдиган) кунлари ишлаш ман этилади. Ходимларни шу кунларида ва иш берувчининг фармойиши билан ишга жалб этишга алохида холлардагина йул куйилади.

Ишлаб чикариш шароитларида:

А) узлуксиз ишлайдиган корхоналар, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш,

Б) ишни тухтатиш мумкин булмаган жойларда,

В) ахолига хизмат курсатиш зарурати булган ишларда,

Г) кечиктириб булмайдиган таъмирлаш ишлари,

Д) юк ортиш-тушириш ишлари,

Е) пассажир ташиш ишларида байрам (ишланмайдиган) кунлари ишлашга йул куйилади.

Байрам кунлари бажарилган ишлар учун компенсация ва икки баробар микдорда хак туланади.

Назорат учун саволлар.

1. Иш вактини тушунтириб беринг.
2. Иш вактидан тугри ва самарали фойдаланиш йулларини айтиб беринг.
3. Иш вактининг турлари ва муддатлари хакида гапиринг.
4. Дам олиш вакти хакида маълумотлар беринг.
5. Ишлаш ва дам олиш вактининг хукукий кафолатланиши.
6. Байрам кунлари хакида нима биласиз?

Адабиётлар

1. Узбекистон Республикасининг Мехнат кодекси. Т, «Адолат» 1996 й.
2. Хукукий ислохотлар: фукароларнинг мехнат ва пенсия таъминоти тугрисидаги конунчилик. Кулланма. Т. 1995 й.
3. Мехнат конунчилигидан нималарни билиш керак. Т. 1990й.
4. Ахоли учун юридик маълумотнома. Т. 1994 й 2 сон.
5. Гасанов М, Соколов Е. «Узбекистоннинг мехнат тугрисидаги конун хужжатлари. Саволлар ва жавоблар. Иккинчи китоб «Иш вакти хамда дам олиш вакти». Т. «Укитувчи» 2001 й.

13-мавзу: Мехнат таътилларининг хукукий асослари.

Режа:

1. Мехнат таътиллари хакида тушунча.

2. Таътиллар бериш тартиби.
3. Таътиллардан фойдаланиш йуллари.

Таянч тушунчалар

Мехнат таътиллари, уларнинг муддати, узайтирилган таътиллар, ижодий ва ижтимоий таътиллар, кушимча таътиллар, таътил бериш шартлари, таътил бериш жадвали ёки бошка муддатга кучириш, иш хаки сакланмаган (уз хисобидан) холда таътил бериш.

Мустакиллик конунларида ишчи ва хизматчилар учун мехнат таътиллари бериш коидалари хам расмийлаштириб куйилгандир.

Мехнат кодексининг 133-152 моддаларида таътиллар, уларнинг турлари расмийлаштириш йуллари, мазмуни хакидаги расмий маълумотлар берилгандир.

Барча ходимларга дам олиш ва иш кобилиятини тиклаш учун иш жойи ва уртача иш хаки сакланган холда йиллик мехнат таътиллари берилади (133 м).

Халкаро Мехнат Ташкилоти Йиллик хак туланадиган таътиллар тугрисида 1936 йили узининг 52 сонли Конвенциясини кабул килган. Узбекистон Республикаси 1995 йилнинг 6 майида кушилган мазкур Конвенция мулкчилик шаклидан катъи назар барча корхона ва ташкилотларда ишлаётган ходимларга нисбатан кулланилади. Унга кура хар бир шахс узлуксиз бир йил ишлаганидан сунг камида 6 иш кунига тенг булган муддатга хак туланадиган таътилга чикиш хукукига эга.

16 ёшга тулмаган шахслар узлуксиз бир йил ишлагандан сунг камида 12 иш кунига тенг булган муддатга хак туланадиган таътилга чикиш хукукига эга.

Республикамизнинг миллий конунчилик хужжатларида йиллик хак туланадиган таътиллар берилишини тартибга солувчи, мазкур Конвенцияга нисбатан имтиёзлирок шароитлар яратилган. Чунончи, Мехнат кодексининг 134 моддасига кура ходимларга 15 иш кунидан кам булмаган муддат билан йиллик таътил берилади.

18 ёшга тулмаган шахслар 30 календар кундан иборат йиллик узайтирилган таътил олиш хукукига эга (МК 135 модда).

Ишлаётган I ва II гурух ногиронларига хам 30 календар куни муддати билан таътил берилади.

Мехнат вазифаларининг узига хос жихатлари ва хусусиятларини хамда бошка холатларни эътиборга олиб, айрим тоифадаги ходимларга хам узайтирилган таътиллар белгиланади.

Булардан ташкари мехнат шартномаларида хам узайтирилган таътиллар бериш назарда тутилиши мумкин.

Мехнат кодексининг 136 моддасида кушимча таътиллар хакида гапирилади.

Йиллик кушимча таътиллар жумласига куйидагилар киради:

1. Мехнат шароити нокулай ва алохида тусга эга булган ишларда банд булган ходимларга (137 м).
2. Огир ва нокулай табиий иклим шароитларида иш бажараётган ходимларга (138 м).
3. Мехнат тугрисидаги конунлар, мехнат шартномаларида назарда тутилган бошка холларда берилади.

Мехнат жараёнида соглигига зарарли таъсир этадиган ходимларга нокулай мехнат шароитида ишлаганликлари учун йиллик кушимча таътил берилади.

Кушимча таътил олиш хукукини берувчи ишлар, касблар, лавозимлар руйхати, таътиллар муддати, уларни бериш тартиби ва шартлари жамоа шартномасида, Мехнат вазирлиги ва Согликни саклаш вазирлиги билан биргаликда ишлаб чикилган мехнат шароитларини бахолаш хужжати асосида белгиланади. Ишнинг алохида тусга эга эканлиги, ута зарарли ва ута огир мехнат шароити учун кушимча таътиллар энг кам муддати, уни бериш шартлари ва тартиби Хукумат томонидан белгилаб куйилади.

Таътилларнинг муддати 6 кунлик иш хафтаси юзасидан календар буйича иш кунлари билан бахолаб чикарилади. Таътил даврига тугри келиб колган ишланмайдиган (байрам) кунлари таътил муддатини белгилашда хисобга олинмайди.

Йиллик таътилнинг умумий муддатини хисоблаб чикаришда кушимча таътиллар йиллик асосий таътилга кушиб жамланади. Барча холларда белгиланган таътилларни жамлашда уларнинг умумий муддати 48 иш кунидан ошиб кетиши мумкин эмас (МК 140 м).

Таътиллар муддатини ишланган вактга мутаносиб равишда хисоблаб чикаришда уларнинг муддати хар бир тулик таътил

микдорини 12 га булиб, сунг тулик ишланган ойлар сонига купайтириш йули билан аникланади. Бунда 15 календар кунга тенг ва ундан куп булган кунлар бир ой деб яхлитланади. 15 календар кундан ками эса чикариб ташланади.

Йиллик асосий таътилни олиш хукукини берувчи иш стажига куйидагилар киради:

1. Иш йили давомида хакикатда ишланган вакт.
2. Ходим хакикатда ишламаган булса, хам унинг иш жойи сакланган вакт.
3. Мехнат шартномаси гайриконуний равишда бекор килинганлиги ёки ходим бошка ишга утказилганлиги натижасида килинган ёки ходим бошка ишга утказилганлиги натижасида килинган хак туланадиган мажбурий прогул вакти.
4. Локал хужжатларда назарда тутилган бошка даврлар.

Йиллик кушимча таътилларини олиш хукукини берадиган иш стажини хисоблаб чикаришнинг алохида коидалари хам локал хужжатларда назарда тутилиши мумкин.

2. Фукароларга мехнат таътилларини бериш тартибини билиб олиш мухим ахамиятга эга. Бу хакда мехнат кодексининг 143 моддасида асосли маълумотлар санаб курсатилган.

Йиллик асосий таътил биринчи иш йили учун 6 ой ишлангандан кейин берилади. Иш йили эса иш бошланган кундан эътиборан хисобланади.

Куйидаги ходимларга мехнат таътили уларнинг хохиши билан 6 ой утмасдан олдин хам берилади. Иш йили эса иш бошланган кундан эътиборан хисобланади.

Куйидаги ходимларга мехнат таътили уларнинг хохиши билан 6 ой утмасдан олдин хам берилади. 1. Аёлларга декрет таътили. 2. I ва II гурух ногиронларига. 3. 18 ёшга тулмаган шахсларга. 4. Харбий хизматдан захирага бушатилиб ишлаётган хизматчиларга. 5. Уриндошлик асосида ишлаётган шахсларга. 6. Ишлаб чикаришдан ажралмаган холда укиётганларга. 7. Штат кискариши ёки корхона тугатилиши билан озод этилганларга.

Мехнат таътили хар йили берилиши лозим. Жорий йилда таътилни тулик бериш имкони булмаган алохида холларда, таътилнинг бир кисмига йиллик ва кушимча таътилларни

бермаслик таъкикланади. Йиллик асосий таътил иккинчи ва ундан кейинги иш йиллар учун таътиллар жадвалига мувофик иш йилининг исталган вактида берилади.

Йиллик таътилларни бериш навбати календар йил бошлангунга кадар иш берувчи томонидан касаба уюшмаси кумитаси ёки бошка вакиллик органи билан келишиб, тасдикланадиган жадвалга мувофик белгиланади.

Таътил бериш вакти хакида ходим таътил бошланишидан камида 15 кун олдин хабардор килиниши керак.

Куйидаги ходимларга таътил уларнинг хохишига кура ёзги ва улар учун кулай булган бошка вактда берилиши керак.

1. 14 ёшга етмаган болани тарбиялаётган ота ёки онанинг ва харбий хизматчиларнинг хотинларига.
2. I ва II гурух ногиронларига.
3. Уруш катнашчилари ва уларга тенглаштирилганларга.
4. 18 ёшга тулмаган шахсларга.
5. Сиртдан таълим олаётган шахсларга.
6. Шартнома ва келишувда назарда тутилган фукароларга.

3. Мехнат таътилидан фойдаланишнинг жадвалда белгилаб куйилган вакти ходим билан иш берувчининг келишувига биноан узгартирилиши мумкин.

Ишловчи ходимлар куйидаги холатларда мехнат таътилини узайтириш ва бошка муддатга кучириш хукукига эгадирлар.

1. Вактинча мехнатга кобилиятсизлик даврида.
2. Декрет таътили бошланганда.
3. Йиллик таътил укув таътилига тугри келиб колганда.
4. Давлат ёки жамоат вазифаларини бажараётганда (бунда ходимни ишдан озод этиш назарда тутилган булса).

Мехнат таътилидан фойдаланишга тускинлик килувчи сабаблар келиб чикса, таътил ходимнинг аризасига мувофик бошка вактга кучирилади.

Ходимнинг хохишига кура унинг ёзма аризасига кура таътилни кисмларга булишга йул куйилади. Бунда таътилнинг бир кисми 12 иш кунидан кам булмаслиги лозим.

Мехнат конунчилигида курсатилишича мехнат таътилидан чакириб олишга факат ходимнинг розилиги билан йул куйилади. Шу муносабат билан таътилнинг фойдаланилмай колган кисми

ходимга мазкур иш йили давомида бошка вактда берилиши ёки кейинги иш йилининг таътилига кушиб куйилиши керак.

Мехнат кодексининг талабларига кура йиллик таътиллар даври учун ходимга уртача иш хакидан кам булмаган микдорда хак тулаш кафолатланади. Таътил учун хак тулаш жамоа шартномасида белгиланган муддатларда амалга оширилади.

Мехнат кодексининг 149 моддасида “Ижтимоий таътиллар” хакида маълумот берилади. Конунчиликка кура куйидаги ходимлар ижтимоий таътиллар олиш хукукидан фойдаланадилар:

1. Декрет таътиллари.
2. Болаларни парваришлаш таътиллар.
3. Укиш билан боглик таътиллар.
4. Ижодий таътиллар.

Мехнат конунчилигида иш хаки сакланмаган холда таътил берилиши ва унинг муддати ходим билан иш берувчи уртасидаги келишувга биноан белгиланади. Куйидаги ходимларга иш хаки сакланмаган холда мукаррар тартибда таътил берилади.

1. Уруш катнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахсларга – хар йили 14 календар кунга кадар.
2. I ва II гурух ногиронларига хар йили 14 календар кунга.
3. Уч ёшгача болани парвариш килаётган аёлларга.
4. 12 ёшгача болани тарбиялаётган аёлларга хар йили 14 кун.
5. Мехнат шартномаси ва бошка локал хужжатларда кузда тутилган бошка холатларда.

Мехнат шартномаси бекор килинганда ходимга фойдаланилган барча йиллик асосий ва кушимча таътиллар учун пуллик компенсация туланади. Ходимларга иш даврида, уларнинг хохишига кура йиллик таътилнинг энг оз муддатидан (15 кун) ортикча кисми учун пуллик компенсация туланиши мумкин.

Ижтимоий таътилларнинг барча турларидан, шунингдек кушимча таътиллардан асли холида фойдаланилди ва уларни пуллик компенсация билан алмаштириш йул куйилмайди.

Жамоа шартномаси ёки келишувга биноан мехнат шартномаси бекор килинганда ходимнинг хохишига кура йиллик асосий ва кушимча таътилларни бериб, ундан кейин мехнат муносабатларини бекор килиш холлари назарда тутилиши мумкин. Бу холда таътил тугаган кун мехнат шартномаси бекор килинган кун хисобланади. Мехнат шартномаси ходимнинг айбли

харакатари туфайли бекор килинганда йиллик асосий ва кушимча мехнат таътилидан асли холатида фойдаланишга йул куйилмайди.

Назорат учун саволлар

1. Мехнат таътиллари ва уларнинг ахамияти хакида маълумот беринг.
2. Мехнат таътилларининг турлари хакида гапиринг.
3. Таътил бериш тартибига нималар киради?
4. Мехнат таътилидан фойдаланиш йулларини биласизми?
5. Ижтимоий таътиллар хакида гапиринг.

Адабиётлар

1. Узбекистон Республикасининг “Мехнат кодекси” Т, Адолат, 1996 й.
2. 4Узбекистон Республикасининг Конституцияси. Т, 2001 й.
3. А.Кодиров. Мехнатга оид хужжатларни расмийлаштириш намуналари. Т. Адолат. 2000 й.
4. Мехнат конунчилигидан нималарни билиш керак. Т. 1990й.

14-Мавзу: Мехнатга хак тулаш коидалари.

Режа:

1. Мехнатга хак тулаш тушунчаси.
2. Мехнатга хак тулаш муддатлари ва тартиблари.
3. Кафолатли ва компенсация туловлари.

Таянч тушунчалар

Мехнат хаки, асосий иш хаки, кушимча иш хаки, кечки ва тунги вактдаги иш учун оширилган иш хаки, уриндошлик учун хак тулаш, хак тулаш муддатлари, иш хакидан ушлаб

колиш коидалари, кафолатли туловлар, хизмат сафари харажатлари.

Бозор иктисодиёти шароитида мехнатга хак тулашда сунъий тусикларнинг булиши, ходимларга иш хаки тулаш ходим мехнатининг аник самаралари учун тула манфаатдор килиш йули билан ижтимоий адолатни карор топтириш воситаси булиш билан бир каторда ишлаб чикаришни такомиллаштириш ва юксалтириш механизмининг таркибий кисми хамдир.

Мехнат хакининг микдори иш берувчи билан ходим уртасидаги келишувга биноан белгилнади. Мехнат хаки белгиланган энг кам микдордан оз булиши мумкин эмас. Унинг энг куп микдори бирон бир тарзда чекланмайди.

Мехнат хаки шакли, тизимлари, мукофотлар, кушимча туловлар, устамалар, рагбатлантириш тарзидаги туловлар жамоа шартномаси ва бошка локал хужатларда белгилаб куйилади.

Бюджет муассасалари ва давлат корхоналарининг ходимлари мехнатига хак тулаш шартларининг энг кам даражаси конун хужжатлари билан белгилнади.

Табиий иклим ва турмуш шароитлари нокулай булган жойларда мехнатга хак тулашда алохида коэффициентлар ва устамалар белгиланади. Бундай жойлар руйхати, уларни куллаш тартиби ва микдори Республика Хукумати томонидан белгиланади.

Иш берувчи узининг молиявий холатидан катъи назар, ходимга бажарган иши учун хакни белгиланган мехнат хаки шартларига мувофик ва курсатилган муддатларда тулаши шарт.

Белгиланган мехнат хаки микдори жамоа шартномасида урнатилган микдоридан кам булиши мумкин эмас.

Мехнат кодексининг 155 моддасида мехнат хакининг энг кам микдори курсатиб куйилгандир.

Муайян давр учун белгиланган мехнат нормасини ва мехнат вазифаларини тулик бажарган ходимнинг ойлик мехнат хаки конун хужжатларида белгилаб куйилган энг кам мехнат хаки микдоридан оз булиши мумкин эмас.

Мехнатга хак тулаш шартлари кайси тартибда урнатилган булса, уша тартибда узгартирилади.

Мехнатга хак тулашнинг якка тартибларини ходим учун нокулай томонга узгартиришга унинг розилигисиз йул куйилмайди.

Ишлаб чикариш ва мехнатни ташкил этишда узгаришлар юз берган такдирда, мехнатга хак тулашнинг аввалги шартларини саклаб колиш мумкин булмаса, истисно шаклида мехнатга хак тулаш шартини узгартиришга йул куйилиши мумкин. Булажак бундай узгариш хакида ходим камида 2 ой олдин огохлантирилиши лозим.

Иш вактидан ташкари ишлар, дам олиш кунлари ва байрам кунларидаги ишлар учун камида 2 хисса микдорида хак туланади. Туланадиган хакнинг микдори жамоа шартномасида, агар унда кузда тутилмаган булса, касаба уюшма кумитаси ёки бошка вакиллик органи билан келишиб белгиланади.

Байрам ёки дам олиш кунидаги иш ходимнинг хохишига караб бошка дам олиш куни бериш билан копланиши мумкин. Ходимнинг илтимосига биноан иш вактидан ташкари иш учун белгиланган иш вактидан ташкари бажарилган иш соатларига тенг келадиган микдорда отгул берилиши мумкин. Байрам ёки дам олиш кунидаги иш, иш вактидан ташкари бажарилган иш учун бошка дам олиш куни берилган такдирда: бундай ишлар учун камида БИР ХИССА микдорда мехнат хаки туналади.

Мехнат кодексининг 158 моддасида Тунги вактдаги иш учун хак тулаш, тартиби баён этилади.

Тунги вактдаги ишнинг хар бир соати учун камида 1,5 баробар микдорда мехнат хаки тулнади. Тунги вактдаги иш учун оширилган микдорда туланган хак мансаб маошларига кушилмайди. Туланадиган хакнинг аник микдори жамоа шартномасида белгилаб куйилиши лозим.

Кечки сменадаги иш учун хам оширилган микдорда хак тулаш назарда тутилади. Тунги сменадан олдингиси кечки смена деб хисобланди.

Ходимнинг айбисиз яроксиз махсулот тайёрланганда ва бекор туриб колинган вактда унинг уртача иш хаки сакланади. Ходимнинг айби билан тайёрланган кисман яроксиз махсулот учун камайтирилан ишбай бахолар буйича хак туланади. Бундай бахолар жамоа шартномасида белгилаб куйилади. Унда

курсатилмаган булса иш берувчи томонидан касаба уюшмаси ёки бошка вакиллик органи билан келишиб белгиланади.

Ходиминг айби билан тайёрланган тулик яроксиз махсулот ва бекор туриб колинган вакт учун хак туланмайди.

Мехнт кодексининг 160 моддасида бир неча лавозимда ва уриндошлик асосида ишлаганлик учун хак тулаш тартиблари хакида гапирилади. Бир неча лавозимда ишлаганлик, хизмат курсатиш доираси кенгайганлиги, бажариладиган ишлар хажми ортганлиги, узининг асосий иш билан бир каторда ишда вактинча булмаган ходимларнинг вазифаларини бажарганлик учун, шунингдек уриндошлик асосида иш бажарилганида, ходимларнинг мехнат хаки микдори мехнат шартномасининг тарафлари уртасидаги келишувга биноан амалда бажарилган иш юзасидан белгиланади.

2. Мехнатга хак тулаш муддатлари хам мухим ахамият касб этади. Бундай муддатлар жамоа шартномасида ёки бошка локал хужжатда белгиланган булиши шарт. Мехнатга хак тулаш хар ярим ойда бир мартадан кам булиши мумкин эмас. (МК нинг 161 м).

Ходимларнинг айрим тоифалари учун алохида холларда Республика Хукумати томонидан иш хаки тулашнинг бошка муддатлари белгилаб куйилиши мумкин.

Хак туланадиган кун дам олиш ёки байрам кунига тугри келиб колса, мехнат хаки шу кун арафасида туланади.

Мехнат шартномаси бекор килинганда ходимга тегишли барча суммаларни тулаш хисоб-китоб килинган куни амалга оширилади.

Жамоа шартномасида иш берувчининг айби билан ходимга хак тулаш белгиланган муддатларга нисбатан кечикканлиги учун жавобгарлик назарда тутилиши мумин (МК нинг 161 м).

Ишловчи ходим вафот этган кунга кадар олинмаган иш хаки унинг оила аъзоларига ёки карамогида булган шахсларга берилади. Ишловчи ходимларга бериладиган иш хаки одатда улар ишлаётган жойда туланади.

Мехнат кодексининг 164 моддасида мехнат хакидан ушлаб колиш тартиблари хакида гапирилади.

Умумий коидага кура, ходимнинг ёзма розилиги билан мехнат хакидан ушлаб колиниши мумкин.

Куйидаги холларда ходимнинг розилигидан катъи назар, мехнат хакидан ушлаб колинади:

1. Белгиланган соликлар ва бошка мажбурий туловлари ундириш учун.
2. Суд карорлрини ижро этиш учун.
3. Иш хаки хисобига берилган авансни ушлаб колиш учун.
4. Таътил олинган иш йили тугамасдан мехнат шартномаси бекор килингани учун.
5. Ходим томонидан иш берувчига етказилган зарарни коплаш учун.
6. Интизомий жазо сифатида белгиланган жаримани ундириш учун.

Иш хакидан ушлаб колинган хакнинг умумий микдори ходимга тегишли булган мехнат хакининг 50 фоизидан ортиб кетмаслиги лозим.

3. Мехнат конунчилигида курсатилишича ишловчи ходимлар давлат ва жамоат вазифалрини бажараётган вактда уларга тегишли кафолатлар берилади. Бундай кафолатлар эса куйидаги холатларда аник равшан кузга ташланади.

1. Сайлов хукукини амалга ошириш.
2. Депутатлик вазифаларини бажариш.
3. Тиббий мехнат экспертиза комиссияси ишида иштирок этиш.
4. Харбий бурчни бажариш.
5. Суриштирув, тергов органларига чакирилиш.
6. Суд мажлисларида халк маслахатчиси, жамоат айбловчиси ва жамоат химоячиси сифатида катнашиш ва бошка холатлар.

Бундай пайтларда иш берувчи уни иш жойи (лавозими) ни саклаган холда ишдан озод килиши шарт. Бундай вазифаларни бажариш вактида ходимнинг уртача иш хаки сакланади.

Иш берувчи ва мехнат жамоаси манфаатларига доир вазифаларни: яъни 1. малака оширишга юбориш. 2. ихтирочилик ишлрини бажариш. 3. хизмат сафарида булиш. 4. тиббий курикдан утиш максадида ходимни ишдан озод этиш шартлари ва шу давр учун туланадиган кафолатли туловлар микдори жамоа шартномаларида белгилаб куйилади. Бу тулов микдори уртача иш

хакидан кам булмаслиги керак (МК 166 м). Мажбурий тиббий курикдан утиши шарт булган ходимларга, уларнинг ишга яроклилигини аниклаш максадида стационар тиббий муассасаларда текширувдан утадиган давр учун хам юкоридаги сингари кафолатлар берилади.

Ишловчи ходим жамият манфаатларига доир харакатлар килганда яъни а) авариялярни ва табиий офатларнинг окибатларини тугатишда катнашганда, б) инсон хаётини саклаб колиш холатларида иштирок этганда хам унинг иш жойи (лавозими) ва уртача иш хаки сакланади.

Тиббий куриклардан утадиган куни, донорлик максадида кон топширишга борганда иш берувчи унга монеликсиз рухсат бериши шарт.

Кон топширганда донорга эртасига бир кун дам берилади. Ходимнинг хохишига кура бир кун мехнат таътилига кушиб берилиши хам мумкин. Бундай вазифаларни бажариш учун кетган вактларда ходимнинг уртача иш хаки сакланади.

Бундай турдаги кафолатли туловлар Республика Хукумати томонидан белгилаб куйилгандир.

Ходимга тегишли булган уртача иш хакини хисоблаб чикариш тартиби хам хукумат томонидан белгиланади. Кафолатли туловларни бериш, таътил вакти учун хак тулаш, вактинчалик бошка ишга утказиш, етказилган зарарни коплаш, мажбурий прогул учун хак тулашда уртача иш хакидан келиб чикилади.

Ишловчи ходимнинг уз мехнат вазифаларини бажариш билан боглк барча кушимча харажатлар конун хужжатларида, жамоа шартномалари ва келишувларида, мехнат шартномаларида белгиланган тартибда иш берувчи томонидан копланиши лозим.

Хизмат сафари билан боглик харажатлар а) йул кира харажатлари б) сафар давридаги уй-жой ижараси билан боглик харажатлар в) иш берувчининг рухсати билан килиндиган бошка харажатлар туланиши лозим.

Мехнат кодексининг 172 моддасига кура бошка жойдаги ишга кучиб борганда: а) кучиш ва мол-мулкини кучириб бориш билан боглик харажатлар б) янги жойда урнашиб олиш билан боглик харажатлар в) иш берувчи билан келишиб килинган харажатлар корхона хисобидан туланади.

Иш берувчининг розилиги билан ва унинг манфаатдорлиги йулида ходим узига тегишли мол-мулкдан фойдаланганда транспорт воситаларининг амортизацияси ва улардан фойдаланганлик учун килинган харажатлар иш берувчи хисобидан туланиши лозим. Ана шу харакатларни тулашнинг микдори ва тартиби жамоа шартномасида, ёки иккала томоннинг узаро келишувига биноан белгилаб куйилади.

Назорат учун саволлар

1. Мехнатга хак тулаш деганда нимани тушунсиз?
2. Мехнат хакининг микдори хакида нима биласиз?
3. Мехнатга хак тулаш муддатлари ва тартибини баён этинг.
4. Мехнат хакидан ушлаб колиш деган тушунчани изохлаб беринг.
5. Уртача иш хаки кандай холатда хисобга олинади.

Адабиётлар

1. Узбекистон Республикасининг Мехнат кодекси. Т. Адолат. 1996 й.
2. Хукукий ислохотлар: фукароларнинг мехнат ва пенсия таъминоти тугрисидаги конунчилик. Кулланма. Т. 1995 й.
3. Мехнат конунчилигидан нималарни билиш керак. Саволлар ва жавоблар. Т. 1990 й.

15-мавзу: Кафолатли туловлар ва компенсациялар.

Режа:

1. Кафолатли туловлар ва уларнинг турлари.
2. Мехнат жараёни вактида бериладиган туловлар.
3. Сиёсий хукуклар ва давлат вазифаларини амалга ошириш вактида туланадиган туловлар.
4. Кафолатли туловлар ва уларнинг турлари.

Таянч тушунчалар

Кафолатли туловлар, унинг турлари ва тамойиллари, ижтимоий таътиллар, тулов микдорлари, вактинча мехнатга кобилиятсизлик варакаси буйича туловлар, декрет пули.

1. Кафолатли туловлар деганда ходимга конунчиликда назарда тутилган узрли сабабларга кура, мехнат вазифаларини бажармаган вакт учун бериладиган туловлар тушунилади. Кафолатли туловларни 3 та гурухга булиб урганилади.
1. Иш хаки урнига бериладиган кафолатли туловлар.
2. Ходим давлат ёки жамоат вазифаларини шунингдек, иш берувчи ва мехнат жамоаси манфатларига доир вазифаларни бажариш вактида бериладиган кафолатли туловлар.
3. Ходим жамият манфаатларига доир харакатлар килганда туланадиган туловлар киради.

Биринчи гурухга мехнат таътиллари даврида бериладиган кафолатли туловлар киради. (133-136 моддлар).

Бундай туловлар ходимнинг хак туланадига асосий ва кушимча йиллик мехнат таътиллари даврида унинг уртача ойлик маоши микдорида берилади.

Шунингдек, улар Мехнат кодексининг 149-моддасида курсатилган куйидаги ижтимоий таътиллар даврида хам туланади:

- хомиладорлик ва тугиш таътиллари даврида (МК 233-модда);
- болаларни парваришлаш таътиллари даврида (МК 232-234-235-модда);
- укиш билан боглик таътиллари даврида (МК 252-253-254 ва 256 модда);
- ижодий таътиллар даврида (МК-258 модда).

Бундай кафолатли туловлар болани овкатлантириш учун белгиланган танаффуслар (236-модда), вояга етмаган шахсларга (243-модда), аёлларга кискартирилган иш вакти муддати чогида (228-модда), иш билан боглик холда мехнатда майиб булгани ёки соглигига бошкача тарзда шикаст етказилгани сабабли камрок хак туланадиган бошка ишларга утказилганда иш хаки уртасидаги фарклар каби туловларни (МК 218-модда) уз ичига олади.

Бундан ташкари, ходим уз хаёти ёки соглигига тахдид солаётган ишни бажаришни рад этганда, хомиладор аёллар енгилрок ёки нокулай ишлаб чикариш омилларининг таъсиридан холи булган бошка ишга утказилганда уларнинг уртача ойлик маоши микдорида кафолатли туловлар назарда тутилган (МК 26-227-модда).

Иккинчи гурух тулов воситаси асосан ишлаб чикариш билан боглик булиб, улар бир канча холатларда туланади.

Жумладан:

А) корхонада ходимнинг бекор туриб колинган вакти учун белгиланган кафолатли туловлар. МК 159 моддасига асосан бундай холларда ходимга уртача ойлик иш хаки туланади;

Б) мажбурий прогул вакти учун туланадиган иш хаки. Бундай кафолатли туловлар мехнт шартномаси гайриконуний равишида бекор килинганда, ходим ишга тикланган холларда мажбурий прогул вакти учун уртача ойлик иш хаки микдорида, ходим камрок хак туланадиган ишга утказилганида эса, муайян муддат учун иш хаклари уртасидаги фарк туланади. Ходим иш берувчининг айби билан ишдан четлаштирилганда, шунингдек бошка давлат органларининг айби билан гайриконуний равишда ишдан четлаштирилганда хам шундай муайян давр учун уртача ойлик иш хаки туланади. (МК 113-модда).

3. Учинчи гурух кафолатли туловларни давлат ёки жамоат вазифаларини бажараётган вактларда, иш берувчи ва мехнат жамоаси манфаатларига доир вазифаларни бажариш чогида, ходим жамият манфаатлари учун хизмат килган вактда бериладиган туловлар ташкил этади. Амалдаги конунчиликка биноан, ходимга давлат ёки жамоат вазифаларини бажараётган вактда турли кафолатлар белгиланган. Жумладан, ходим давлат ёки жамоат вазифаларини бажараётган вактида иш берувчи уни иш жойини (лавозимини) саклаган холда ишдан озод этиши шарт. Бу даврда унинг уртача иш хаки сакланади.

Иш берувчи ва мехнат жамоаси манфаатларига доир вазифалрни бажариш максадида ходимни ишдан озод этиш шартлари, туланадиган кафолатли туловлар микдори жвоа шартномасида белгилаб куйилган. Бундай тулов микдори уртача иш хакидан хам булмаслиги лозим.

Ходимнинг давлат ёки жамоат вазифаларини бажариши, унинг амалга оширилиши билан боглик кафолатли туловларни бериш тартиблари Вазирлар Махкамасининг 1997 йил 11-мартдаги 133 сонли карорида (5-илова) белгилаб куйилган.

Мажбурий тиббий курикдан утиши шарт булган ходимларга тиббий муассасаларда текширувдан утиш даврида хам уртача иш хаки туланади. Ходим жамият манфаатларига доир харакатлар килганда (авариялар, табиий офатларнинг окибатларини тугатиш, инсон хаётини саклаб колиш ва бошка холларда) унинг иш жойи ва уртача иш хаки сакланади.

Донорлик килувчи ходимларга кон текширган куннинг эртасига албатта дам олиш учун бир кун берилади. Ходимнинг хохишига кура, иш берувчи ва мехнат жамоаси манфаатларига доир вазифаларни бажариш вактида бериладиган кафолатлар МКнинг 167 моддасида баён этилган.

Конунда ходимнинг давлат ёки жамият манфаатлари учун бажариладиган куйидаги вазифалари белгиланган:

- сайлов хукукини амалга ошириш;
- депутатлик вазифаларини бажариш;
- тиббий-мехнат экспертиза комиссияси ишида иштирок этиш;
- суруштирувчи органлар, терговчи, прокурор хузурига,судга гувох, жабрланувчи, эксперт, мутахассис, таржимон, холислар тарикасида чакирик буйича бориш;
- халк маслахатчиси, жамоат айбловчиси ва жамоат химоячиси, жамоат бирлашмаси ва мехнат жамоаси вакили сифатида суд мажлисларида, конунда назарда тутилган холларда иштирок этишдан иборат. Ходимлар томонидан жамият манфаатлари йулида килинадиган харакатлар куйидагилардан иборат:
- авариялар, табиий офатларнинг окибатиларини тугатиш;
- инсон хаётини саклаб колиш, кон топшириш ва хаказолар.

4. Вактинча мехнатга кобилиятсизлик, хомиладорлик ва тугиш варакалари буйича туловлар тартиби давлат ижтимоий сугуртаси буйича нафакалар тайинлаш ва тулаш тартиби тугрисидги низомга мувофик амалга оширилади.

Узбекистон Республикаси МК.нинг 171-моддасига мувофик, ходимга хизмат сафари даврида ва кучиб юриш билан боглик

ишларни бажариш вактида килинган харажатлар учун компенсация туланади. Маълумки, хизмат сафарига юбориш тартиби, сафар муддатлари, ходимнинг сафар давридаги харажатларни коплаш тартиби Молия вазирлиги хамда Мехнат ва ахолини ижтимоий мухофаза килиш Вазирлиги томонидан 1993-йил 19-апрелда тасдикланган (287-сон 497-и-1-01-сон) «МДХ мамлакатлари доирасидаги хизмат сафарлари тугрисидаги йурикнома» билан тартибга солинади. Мазкур йурикномага асосан иш берувчининг топширигига биноан ходимнинг хизмат топширигини бажариш учун муайян муддатга доимий иш хисоби деб аталади. Ходимнинг корхонани бошка жойга жойлашган филиали, участка ва бошка таркибий булинмасига юборилиши хизмат сафари деб аталади. Чунки мехнат шартномасида шартлашилган корхонанинг иш бажариладиган таркибий булинмаси ходимнинг доимий иш жойи деб хисобланади.

Ходимларни хизмат сафарига юбориш иш берувчининг буйруги билан расмийлаштирилади хамда ходимга махсус тасдикланган шаклдаги хизмат сафари гувохномаси берилади.

Коидага кура, хизмат сафари муддати иш берувчи томонидан белгиланади, лекин унинг умумий муддати 40-кундан ошиб кетиши мумкин эмас, бу муддатга йулда булган вакт кирмайди. Монтаж килиш, созлаш ва курилиш ишларини бажариш учун юборилган ходимлар, рахбар ва мутахссисларни хизмат сафари муддати 1 йилга кадар белгиланиши, айрим холларда эса бу муддат 2 йилга кадар узайтирилиши мумкин.

Хизмат сафарида булган вактда ходимга уша корхонадаги иш вакти дам олиш вакти режими жорий килинади.

Бу даврда ходимнинг иш жойи (лавозими) ва уртача иш хаки сакланади.

Ходимнинг хизмат сафари давридаги харажатларини коплаш тартиби, Мехнат ва ахолини ижтимоий химоя килиш вазирлиги томонидан 1993 йил 19 апрелида тасдикланган йурикномада курсатилган. Хизмат сафарида ва кучиб юриш билан боглик ишларда куйидгилар туланади:

- йул кира харажатлари;
- уй-жой ижараси билан боглик харажатлар;
- ходимларга иш берувчининг рухсати ёки розилиги билан килинган бошка (МК 171-модда) харажатлар.

Бошка жойдаги ишга кучиб борганда куйидагилар туланиши лозим;

- кучиш ва мол-мулкни кучириш билан боглик харажатлар;
- янги жойда урнашиб олиш билан боглик булган харажатлар;
- ходим томонидан иш берувчи билан келишган холда килинган бошка харажатлар (МК 172-модда).

Назорат учун саволлар

1. Кафолатли туловлар деганда нимани тушунасиз?
2. Ижтимоий таътилларни тушунтириб беринг.
3. Ишлаб чикариш сабаблари билан боглик туловларга нималар киради?
4. Давлат ва жамият манфаатлари йулида килган харажатлари учун туловларни айтинг.
5. Хизмат сафари харажатларини санаб беринг?

Адабиёт

1. Узбекистон Республикасининг Конституцияси. Т. 2001 й.
2. Узбекистон Республикасининг Мехнат кодекси. Т. 1996 й.
3. К.Кодиров «Мехнатга оид хужжатларни расмийлаштириш намуналари» Т. Адолат. 2000 й.
4. Мехнат конунчилигидан нималарни билиш керак. Саволлар ва жавоблар. Т. Узбекистон. 1990 й.

16-Мавзу. Мехнат интизоми ва уни мустахкамлаш усуллари.

Режа:

1. Мехнат интизоми ва унинг ахамияти.
2. Мехнат интизоми хакидаги конун хужжатлари.
3. Мехнат интизомини мустахкамлаш усуллари.

Таянч тушунчалар

Мехнат интизоми тушунчаси. Интизомни мустахкамлашга каратилган норматив хужжатлар, ички мехнат тартиби коидалари, ютуклар учун рагбатлантириш, интизомий жазо, унинг турлари.

Бозор муносабатлари шароитида, айникса ишлаб чикариш жараёнида тартиб-интизомнинг ахамияти жуда мухимдир. Чунки, эркин ракобатчилик хар бир ишлаб чикарувчидан, хар бир тадбиркордан камрок мехнат ва маблаг сарфлаган холда купрок натижага эришишни, аник-равшан максадни кузлаб харакат килишни талаб этади. Шу туфайли мехнат интизомига оид коидалар иш берувчилар билан ишловчи ходимлар уртасида тузиладиган шартномаларнинг етакчи шартларини ташкил этади.

Мехнат интизоми деганда, аввало корхона, муассаса, ташкилотда урнатилган тартиб-коидалар тушунилади. Бу тартиб-коидалар ишни ташкил этиш ва муайян мехнат операцияларини амалга оширишни хам, асбоб-ускуна ва бошка жихозлар билан кандай муносабатда булишни хам, иш вакти режимига риоя килишни хам, мехнат мухофазасига оид талабларни бажаришнинг хам, хуллас, иш жараёнидаги барча харакатларни уз ичига олади.

Мехнат интизомига тааллукли коидалар Узбекистон Республикаси Мехнат кодексида, махсус низомларда, корхонада тузилган жамоа шартномасида, Ички мехнат тариби коидаларида, айрим ишларни бажариш йурикномаларида ва бошка локал хужжатларда баён этилади. Мехнат интизоми хар бир ишчи ва хизматчи фаолиятининг асосий мезонидир. Мехнат интизомига катъи амал килувчи, узининг ишлаб чикариш топширикларини яхши бажарувчи ходимлар мактовга, моддий ва маънавий рагбатга сазовор булса, интизомсиз ходимлар фаолияти кораланмоги ва уз жазосини олмоги лозим.

Корхона маъмурияти – тадбиркор ишга янги кабул килинган хар бир ходимни ишга куйишдан аввал корхонадаги ички тартиб-коидалар билан, унга юклатилган вазифалар, унинг асосий бурчлари билан атрофлича таништирмоги лозим.

Мехнат кодексининг 174 моддасида корхонанинг Ички мехнат тартиби хакида маълумотлар берилади. Корхонада мехнат тартиби иш берувчи касаба уюшма кумитаси ёки бошка вакиллик

органи билан келишиб тасдиклайдиган ички мехнат тартиби коидалари билан белгиланади.

Корхонада мехнат килаётган хар бир ходим уз мехнат вазифаларини халол, виждонан бажариши, мехнат интизомига риоя килиши, иш берувчининг фармойишларини уз вактида ва аник бажариши, технология интизомига, мехнат мухофазаси, техника хавфсизлиги ва ишлаб чикариш санитарияси талабларига риоя килиши, иш берувчининг мол-мулкини авайлаб асраши шарт.

Ходимнинг мехнат вазифалари ички мехнат тартиби коидаларида, интизом тугрсидаги низомларда, корхонада кабул килинган локал хужжатларида (жамоа шартномаси, йурикнома ва бош), мехнат шартномасида аник белгилаб куйилади.

Иш берувчи эса ходимлар мехнатини ташкил килиши, конун хужжатларида, мехнат шартномасида назарда тутилган мехнат шароитларини яратиб бериши, мехнат ва ишлаб чикариш интизомини таъминлаши, мехнат мухофазаси коидаларига риоя этиши, ходимларнинг эхтиёж ва талабларига эътибор билан караши, уларнинг мехнат ва турмуш шароитларини яхшилаб бориши, жамоа шартномаларини тузиши шарт.

Иш берувчи ходимдан унинг мехнат вазифалари доирасига кирмайдиган ишларни бажаришни, конунга хилоф ёки ходимларнинг хаёти ва соглиги учун хавф тугдирувчи, уларнинг шаъни ва кадр-кимматини камситувчи харакатлар килишни талаб этишга хакли эмас.

Мехнат кодексининг 180 моддасида ходимларни мехнат учун рагбатлантириш чоралари расмийлаштирилгандир. Ишдаги ютуклари учун ходимга нисбатан рагбатлантириш чоралари кулланилиши мумкин. Рагбатлантириш турлари, уларни кулланиш тартиби, афзаллик ва имтиёзлар бериш жамоа шартномаларида, ички мехнат тартиби коидалари ва бошка локал хужжатларда, интизом тугрисидаги низомларда белгилаб куйилади. Ходимлар мехнат сохасида давлат ва жамият олдидаги алохида хизматлари учун давлат мукофотларига такдим этилиши мумкин.

Иш хаки, мукофотлар, кушимча туловлар, устамалар ва мехнат хаки тизимида назарда тутилган бошка туловлар рагбатлантириш турларига кирмайди. Интизомий жазо амал килиб турган муддат мобайнида (183 м) ходимга нисбатан рагбатлантириш чоралари кулланилмайди.

Мехнат конунчилигида интизомсиз ходимларни интизомий жазога тортиш хам кузда тутилгандир. Мехнат кодексининг 181 моддасида ходимга мехнат интизомини бузганлиги учун иш берувчи куйидаги интизомий жазо чораларини куллашга хакли:

1. хайфсан.
2. уртача ойлик иш хакининг 20 фоизидан ортик булмаган микдорда жарима солиш. Ишчи мехнат тартиби коидаларида ходимга уртача ойлик иш хакининг 40 фоизидан ортик булмаган микдорда жарима солиш холлари хам назарда тутилиши мумкин. Ходимнинг иш хакидан жарима ушлаб колиш иш берувчи томонидан амалга оширилади.
3. мехнат шартномасини бекор килиш (МК 100 м 3 ва 4 банд). Булардан бошка интизомий жазо чораларини кулланиш таъкикланади.

Мехнат конунчилигида интизомий жазоларни кулланиш тартиблари хам белглаб берилгандир.

Интизомий жазолар ишга кабул килиш хукукига эга булган шахслар томонидан кулланилади. Интизомий жазо кулланилишидан аввал ходимдан ёзма равишда тушунтириш хати талаб килиниши лозим. Бундан бош тортиш унга нисбатан жазо куллашга тусик була олмайди.

Интизомий жазони кулланишда содир этилган ножуя харакатнинг кай даражада огир эканлигига, уни содир этилган вазият, ходимнинг олдинги иши ва хулк-атвори хисобга олинади. Хар бир ножуя харакат учун факат битта интизомий жазо кулланилади. Интизомий жазо бевосита ножуя харакат аникланган дан кейин, узоги билан бир ой ичида кулланилади. Ножуя харакат содир этилган кундан бошлаб 6 ой утгандан, текшириш натижасида аникланганда эса-содир этилган кундан бошлаб 2 йил утгандан кейин жазони куллаб булмайди. Жиноий жазо берилгани тугрисидаги буйрук ёки карор ходимга маълум килиниб тилхат олинади.

Интизомий жазонинг амал килиш муддати жазо кулланилган кундан бошлаб 1 йилдан ошиб кетиши мумкин эмас. Агар ходим шу муддат ичида яна интизомий жазога тортилмаса, у интизомий жазо олмаган деб хисобланади.

Интизомий жазони куллаган иш берувчи уз ташаббуси билан, ходимнинг илтимосига биноан, мехнат жамоаси ёки рахбари илтимосига кура жазони 1 йил утмасдан олдин хам олиб ташлашга хакли. Интизомий жазо устидан яна мехнат низоларини куриш учун белгиланган тартибда шикоят килиниши мумкин.

Мехнат низосини куриб чикаётган орган содир этилган ножуя харакат кандай вазиятда юз берганлигини, ходимнинг олдинги хулк - атворини, мехнатга булган муносабатини, интизомий жазонинг содир этилган харакатнинг огирлик даражасига мос келишини, иш хисобга олиб, ходимга нисбатан кулланилган интизомий жазони гайриконуний деб топиш ва уни бекор килиш тугрисида карор чикаришга хакли.

Умуман мехнат интизомига риоя килиш барча ходимларнинг масъулиятли бурчидир. Уни тугри тушуниб, ишлаб чикаришда таълим ва тарбияни кучайтириб, юксак уюшкоклик ва интизомлиликни таъмин этаётган мехнат жамоалари катта натижаларга эришмокдалар.

Назорат учун саволлари

1. Мехнат интизоми хакида нима дейсиз.
2. Мехнат интизомининг ахамиятини тушунтириб беринг.
3. Мехнат интизомини мустахкамлаш чораларини санаб курсатинг.
4. «Ички мехнат тартиби коидалари» кандай хужжат?
5. Интизомий жазо ва унинг турлари хакида гапиринг.

Адабиёт

1. Узбекистон Республикасининг Конституцияси. Т. 2001 й.
2. Узбекистон Республикасининг Мехнат Кодекси. Т. Адолат. 1996 й.
3. К.Кодиров. Мехенатга оид хужжатларни расмийлаштириш намуналари. Т. Адолат. 2000 й.

4. Мехнат конунчилигидан нималарни билиш керак. Саволлар ва жавоблар. Т. Узбекистон. 1990 й.

17-Мавзу: Шартнома томонларининг моддий жавобгарлиги.

Режа:

1. Моддий жавобгарлик хакида тушунча.
2. Томонларнинг моддий жавобгарлиги.
3. Жавобгарлик турлари ва зарарни коплаш йуллари.

Таянч тушунчалар

Моддий зарар ва уни келтириб чикарадиган холатлар, шартнома тарафларининг моддий жавобгарлиги, зарар микдорини исботлаш, маънавий зарар, унинг шакли, жабрланувчи ва унинг талаблари, мехнатга кобилиятсизлик.

1. Моддий, жисмоний, интеллектуал имкониятлардан тежаб-тергаб, энг самарали тарзда фойдаланиш зарурияти бозор иктисоди муносабатлари шароитида яшаётган хар кандай жамиятнинг бош шиорларидан, иш берувчи иктисодий-хукукий муносабат шаклларидан бири булмиш иш берувчи ва ишловчи уртасидаги узаро шартнома алокалари жараёнида ходим ихтиёрига бериладиган асбоб-ускуналар, хом ашё ва бошка махсулотлар такдири учун унинг масъулияти чегаралари, ходимнинг мулки, саломатлиги ва хаётига иш жараёнида зарар етиши учун корхонанинг жавобгарлиги масалалари келишиб олинган мехнат шартномасида акс эттирилиши лозим.

Мехнат шартномасининг тарафлари мехнат сохасидаги вазифаларни бажариши муносабати билан бошка тарафга етказган зарарни хужжатларда белгиланган коидаларга мувофик коплайдилар.

Мехнат шартномаси, келишувлар ва жамоа шартномасида тарафларнинг моддий жавобгарлиги аниклаб куйилади. Бунда иш берувчининг ходим олдидаги, ходимнинг эса иш берувчи олдидаги жавобгарлиги мутаносиб равишда белгиланиши шарт.

Моддий зарар етказилганидан кейин мехнатга оид муносабатларнинг бекор килинганлиги мехнат шартномаси тарафларини моддий жавобгарликдан озод килишга сабаб булмайди.

Мехнат шартномасининг бир тарафи узининг гайрихукукий айбли харакати ёки харакатсизлиги натижасида бошка тарафга етказган зарари учун моддий жавобгар булади. Тарафларнинг хар бири уз-узига етказилган моддий зарарнинг микдорини исботлаб бериши шарт килиб курсатилади.

Узбекистон Республикаси Мехнат кодексининг 187 моддасида ходимга туланиши лозим булган моддий зарар хакида гапирилади. Уз мехнат вазифаларини бажариши муносабати билан ёки мехнат килиш имкониятидан гайриконуний равишда махрум этилганлиги натижасида ходимга етказилган хар кандай зарарни, шу жумладан маънавий зарарни хам иш берувчи тулик хажмда тулайди.

Маънавий зарар тушунчаси конунчилигимизда Узбекистон мустакилликка эришгандан сунг пайдо булди. Собик шуролар даврида маънавий зарарни коплаб булмайди, деб хисобланарди. Маънавий зарар-бу жисмоний шахсга етказилган ахлокий зарар булиб, у жабрланувчида мавжуд булган хис-туйгуларни чеклаб куйилишини ифодалайди.

Маънавий зарар (жисмоний ёки рухий азоблар) пул шаклида ёки бошка моддий шаклда хамда иш берувчи ва ходим уртасидаги келишувга мувофик равишда, ходим мехнат вазифаларини бажариш билан боглик холда вафот этган такдирда эса, иш берувчи ва ходим оила аъзолари уртасидаги келишувга мувофик равишда белгиланган микдорда копланади. Маънавий зарарни коплаш юзасидан низо келиб чикса, бу масала судда хал килинади.

Мехнат килиш имкониятларидан ходим гайриконуний равишда махрум этилса барча холларда ололмай колган иш хакини иш берувчи унга тулаши шарт. **Бундай мажбуриятлар:**

1. *Мехнат шартномаси гайриконуний равишда бекор килинганда.*

2. *Ходим гайриконуний равишда бошка ишга утказилганда.*
3. *Мехнат низолари комиссиясининг карори бажарилмаганда.*
4. *Мехнат дафтарчасини бериш кечиктирилганда.*
5. *Ходимнинг шаънига дог туширувчи маълумотларни таркатганда келиб чикади.*

Ходим мехнатда майиб булиб колса, касб касаллигига чалинса, соглиги узгача тарзда шикастланиши окибатида унга етказилган зарарни иш берувчи тулик хажмда тулаши шарт.

Ходимнинг корхона худудида ёки унинг ташкарисида майиб булиши, транспортда иш жойига келаётган ёки ундан кетаётганда шикастланиши натижасида етказилган зарар учун иш берувчи моддий жавобгар булади.

Уз мехнат вазифаларини бажараётган вактда юкори хавф манбаи натижасида ходимнинг соглигига етказилган зарарни хам иш берувчи тулаши шарт (МК 189 м).

Моддий зарар жабрланувчининг майиб булишидан олдин олган уртача ойлик иш хакига нисбатан фоиз хисобида, мехнатга кобилиятини йукотганлик даражасига кура белгиланадиган хар ойлик туловдан, шикастланиш билан боглик кушимча харажатларнинг компенсациясидан, бир йула бериладиган нафака туловидан иборатдир.

Касбга оид мехнат кобилиятини йукотганлик даражаси ва жабрланувчининг кушимча ёрдам турларига мухтожлиги тиббий-мехнат экспертиза комиссияси томонидан аникланади.

Зарарни коплаш учун туловларни тайинлашда жабрланувчининг иш хаки, стипенция, пенсия ва бошка даромадлар хисобга олинмайди. Бунда мехнатда майиб булган ногиронларга зарарни коплаш учун туланадиган сумма энг кам иш хаки микдорининг 50 фоизидан оз булиши мумкин эмас.

Ходиминг купол эхтиётсизлиги зарарнинг келиб чикишига сабаб булса, зарар микдори жабрланувчининг айби даражасига караб, мувофик равишда камайтирилади.

Бундай аралаш жавобгарлик туланишни лозим булган зарарнинг кушимча турларига, бир йула бериладиган нафакага, бокувчининг вафоти муносабати билан зарарни тулаш холларига татбик этилмайди. Ходим мехнатда майиб булиши натижасида

вафот этган холарда, иш берувчи мархумнинг карамогида булган мехнатга кобилиятсиз шахсларга зарарни тулаши шарт. Карамогида булиши фараз килиб олинади ва бунинг учун далил талаб этилмайди (МК 192м).

Куйидагилар мехнатга кобилиятсиз деб хисобланади:

1. *16 ёшгача ногирон булиб колган шахслар.*
2. *60 га тулган эркаклар ва 55 ёшга тулган аёллар.*
3. *Белгиланган тартибда ногирон деб топилган шахслар.*

Вафот этган шахснинг карамогида булган ва зарарни ундиришга хакли булган шахсларга туланадиган зарар микдори мархумнинг уртача ойлик иш хаки микдорида белгиланади.

Зарар туловини олишга хакли булган шахсларнинг хар бирига тегишли булган зарар микдорини аниклаш учун бокувчи иш хакининг мазкур шахсларнинг хаммасига тугри келадиган кисми улар сонига таксимланади.

Бокувчисини йукотганлиги муносабати билан зарар туловини олиш хукукига эга булга шахслар оладиган пенсияси, иш хаки, стипендия ва бошка даромадлар зарар тулови хисобига киритилмайди. Бунда карамогидаги хар бир шахсга тегишли булган зарарни коплаш суммаси энг кам иш хаки микдорининг 50 фоизидан оз булиши мумкин эмас.

Ходимнинг соглигига шикаст етказилганлиги ёки вафоти муносабати билан иш берувчи томонидан бир йула бериладиган нафаканинг микдори жамоа шартномасида белгиланиши ёки касаба уюшма кумитаси ёхуд бошка вакиллик органи билан келишувга биноан белгиланади. Ходимнинг соглигига шикаст етказилганлиги муносабати билан бир йула бериладиган нафаканинг микдори жабрланувчининг бир йиллик иш хакидан кам булмаслиги лозим. Ходимнинг вафоти муносабати билан бир йула бериладиган нафаканинг микдори эса, мархумнинг 6 йиллик уртача иш хакидан кам булиши мумкин эмас.

Мехнат вазифаларини бажариш билан боглик холда ходимнинг соглигига шикаст етказилганлиги ёки унинг вафоти муносабати билан иш берувчи томонидан зарарни тулаш тартиби ва муддатлари Республика хукумати томонидан белгиланади.

Ходимнинг шахсий буюмлари ва мол-мулкига зарар етказган иш берувчи бу зарарни натура холида коплаши лозим. Бунинг иложи булмаган такдирда ходимнинг розилиги билан мол-мулкнинг киймати шу жойда амалда булган бахо буйича тула хажмда копланади.

Зарарни ундириш хакидаги аризани иш берувчига жабрланувчи ходим, у вафот этган такдирда эса зарра туловини олишга хакли булган манфаатдор шахслар беради.

Иш берувчи аризани куриб чикиши ва ариза тушган кундан эътиборан 10 кунлик муддат ичида тегишли карор кабул килиши шарт.

Иш берувчининг ходимга зарарни тулаш хакидаги буйругининг нусхаси ёки рад этиш хакидаги далил кабул килинган кундан бошлаб 3 кунлик муддат ичида ходимга ёки манфаатдор шахсларга берилади.

Ходим ёки манфаатдор шахслар иш берувчнинг карорига рози булмаган ёки белгиланган муддатда жавоб олмаган такдирда улар мазкур низони хал килиш учун судга мурожаат килишлари мумкин.

Назорат учун саволлар

1. Моддий жавобгарлик тушунчасини изохлаб беринг.
2. Иш берувчининг моддий жавобгарлигига нималар киради?
3. Ишловчи кандай холатларда моддий жавобгар булади?
4. Моддий жавобгарлик турларини тушунтиринг.

Адабиётлар

1. Узбекистон Республикасининг Мехнат кодекси. Т. Адолат. 1996 й.
2. Хукукий ислохотлар: фукароларнинг мехнат ва пенсия таъминоти тугрисидаги конунчилиги. Кулланма. Т. 1995й.
3. К. Кодиров Мехнатга оид хужжатларни расмийлаштириш намуналари. Т. Адолат. 2000 й.

4. Мехнат конунчилигидан нималарни билиш керак. Саволлар ва жавоблар. Т. Узбекистон. 1990 й.

18-Мавзу. Мехнатни мухофаза килиш.

Режа:

1. Мехнатни мухофаза килиш тушунчаси.
2. Мехнат мухофазасини режалаштириш.
3. Ходимларни согломлантириш тадбирлари.
4. Зарарли ишлаб чикаришлар таъсирини зарарсизлантириш.

Таянч тушунчалар.

Мехнатни мухофаза килиш тушунчаси, соглом мехнат шароити, мехнат мухофазасини режалаштириш, ходимларни согломлаштириш тадбирлари, зарарни ишлаб чикаришлар, таъсирни зарарсизлантириш, Менат мухофазасига доир конун хужжатлари.

Мехнат мухофазаси инсоннинг мехнат фаолияти, соглиги ва хаётига бевосита дахлдор тушунча сифатида мухим ахамият касб этади. Мехнат фаолияти жараёнида инсон хаёти ва соглигининг хавфсизлигини таъминлашга каратилган хукукий, ижтимоий, иктисодий, санитария-гигиена, даволаш-профилактика, реабилитация каби тадбирлар тизимидан иборат. Мехнат мухофазасига нисбатан бундай ёндошув хавфсиз ва соглом мехнат шароитини таъминлашга каратилган ва шу билан бирга, хукукий, иктисодий, ташкилий-техникавий, тиббий ва бошка тадбирларни уз таркибига камраб олган. Бу тадбирлар Узбекистон Республикасининг «Мехнатни мухофаза килиш тугрисида» 1993 йил 6 майдаги конунида мужассамлашган.

Мехнат мухофазасига оид муносабатларнинг хукукий жихатдан тартибга солинишида Узбекистон Республикасининг юкорида зикр этилган «Мехнатни мухофаза килиш тугрисида» ги ва «Фукаролар соглигини саклаш тугрисида» 1996 йил 29 августдаги конунлари мухим урин тутади.

«Мехнатни мухофаза килиш тугрисида» ги конун ишлаб чикиш усуллари, мулк шаклидан катъий назар, мехнатни мухофаза этишни ташкил килишнинг ягона тартибини белгилайди. Фукароларнинг соглиги ва мехнатни мухофаза килинишини таъминлашга каратилган мазкур конуннинг 1-моддасида Узбекистон Республикаси фукаролари, чет эл фукаролари ва фукаролиги булмаган шахслар мехнати мухофаза килиниш хукукига эга экани курсатилган. Ушбу конуннинг 2-моддасида мехнат мухофаза тушунчасининг кенг маънодаги таърифи келтирилган. Унга кура, мехнатни мухофаза килиш-тегишли конун ва бошка норматив хужжатлар асосида амал килувчи, инсоннинг мехнат жараёнидаги хавфсизлиги, сихат-саломатлиги ва иш кобилиятининг сакланишини таъминлашга каратилган ижтимоий-иктисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ва даволаш-профилактика тадбирлари хамда воситалари тизимидан иборадир.

Мазкур конун ишлаб чикаришда соглом ва хавфсиз мехнат шароитларини таъмин этишда жуда катта ахамият касб этади. Шунингдек у:

1. Мехнаткашларнинг мехнат мухофазасига оид хукукларини таъминлайди;
2. Мулкнинг барча шаклидаги корхоналарда ходимлар билан иш берувчи уртасидаги мехнат мухофазасига оид муносабатларни хукукий жихатдан тартибга солишнинг ягона тартибини белгилаб беради;
3. Ходимлар учун соглом ва хавфсиз мехнат шароитларини таъминлашга хукукий замин яратади.

Мехнатни мухофаза килиш борасида кабул килиган конунлар орасида Узбекистон Республикасининг «Фукаролар соглигини саклаш тугрисида» ги конуни алохида урин тутади. **Мазкур конуннинг асосий вазифаси:**

1. Фукаролар соглигини саклашга доир хукукларининг давлат томонидан кафолатланишини таъминлаш;
2. Фукароларнинг соглом турмуш тарзини шакллантириш;
3. Давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг фукаролар соглигини саклаш сохасидаги фаолиятини хукукий жихатдан тартибга солишдан иборат.

Шу билан бирга, бу борада бошка конун хужжатлари, жумладан, Узбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, карорлари ва фармойишлари, тегишли норматив – хукукий хужжатлар, Мехнат ва ахолини ижтимоий мухофаза килиш вазирлиги томонидан кабул килинган карорлар, бошка давлат органлари хужжатлари, жамоа шартномаси хамда келишувлари тадбик этилади.

2. Вазирликнинг мехнатга оид муносабатларини тартибга солиш шарт-шароитларини ва уни мухофаза килишни такомиллаштириш сохасидаги вазифалари куйидагилардан иборат:

- согликни саклаш вазирлиги билан биргаликда мехнат шарт-шароитларини бахолаш учун норматив база ишлаб чикилишин ташкил этади, иш уринларининг мехнат шароитлари буйича аттестациядан утказишга услубий ёрдам курсатади;
- мехнат-ахолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий мухофаза килиш буйича конун ва норматив хужжатларга риоя килиниши устидан белгиланган тартибда давлат назорати ва текширувини амалга оширади;
- Вазирлик ва идораларининг имтиёзли пенсия таъминоти, кушимча таътил, кискартирилган иш куни хукукини берувчи ишлаб чикариш, иш турлари, касб ва лавозимлар хамда курсаткичлар руйхатига узгартишлар киритиш тугрисидаги таклифлар юзасидан хулосалар беради;
- Нокулай мехнат шароитларида ишлаганлик учун бериладиган имтиёзлар ва компенсацияларнинг амалдаги руйхатига узгартиришлар киритиш учун Вазирлар Махкамасига таклифлар тайёрлади;
- Манфаатдор идоралар, шунингдек Узбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаш иштирокида мехнат, ахолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий мухофаза килиш сохасига оид конун хужжатлари ва норматив методик хужжатлар лойихаларини ишлаб чикади;
- Мехнат шарт-шароитлари, унга хак тулаш, иш билан таъмилаш, кексалар, пенсионерлар, ногиронлар ва бокувчисини йукотган, давлатнинг куллаб-кувватлашига эхтиёжманд оилаларни ижтимоий мухофаза килиш

масалалари буйича илмий тадкикотларни мувофиклаштиради.

3. Иш берувчи ходимни касб касаллиги пайдо булиш эхтимоли юкори даражада экани олдиндан аён булган ишга кабул килаётганда уни бу хакда огохлантириши шарт.

«Мехнатни мухофаза килиш тугрисида» ги конуннинг 17-моддасига биноан иш берувчи согликни саклаш идоралари томонидан белгиланган тартибга мувофик равишда бир катор касб ва ишлаб чикариш ходимларини аввало, мехнат шартномасини имзолаш пайтида дастлабки текширувдан хамда мехнат шартномаси амал килган давр мобайнида вакти-вакти билан тиббий курикдан утказиб туришни ташкил килиши лозим. Ходимлар хам, уз навбатида ундан бош тортишга хакли эмас. МКнинг 214 моддасида курсатилганидек, иш берувчи куйидаги ходимларни тиббий курикдан утказишни ташкил килиши шарт:

1) 18 ёшга тулмаганлар;
2) 60-ёшга тулган эркаклар, 55 ёшга тулга аёллар;
3) ногиронлар;
4) мехнат шароити нокулай, тунги ишларда, шунингдек транспорт харакати билан боглик ишларда банд булганлар;
5) озик – овкат саноатида, савдо ва бевосита ахолига хизмат курсатиш билан боглик булган бошка тармоклардаги ишларда банд булганлар;
6) умумтаълим мактаблари, мактабгача тарбия ва бошка муаасасаларининг бевосита болаларга таълим ёки тарбия бериш билан машгул булган педагог ва бошка ходимлари.

4. Маълумки, Узбекистон Республикаси Согликни саклаш вазирлигининг 2000 йил 6 июндаги 300 сонли буйруги билан «Ходимларни ишга кабул килишда дастлабки ва даврий тиббий курикларни утказишга доир йурикномаси» тасдикланган. Ишга кабул килишда дастлабки тиббий курикдан утказишдан максад-ходимларнинг улар зиммасига топшириладига ишга мувофиклигини (яроклилигини) аниклаш, бахтсиз ходисалар, умумий ва ахоли саломатлигини мухофаза килиш юкумли ва паразитар касалликларнинг таркалишига йул куймасликдан иборат.

Узбекистон Республикаси Согликни саклаш вазирлигининг 2000 йил 6 июндаги 300-сонли буйруги билан касб касалликлари хакида хабар килиш, уларни текшириш, кайд этиш ва хисобга олиш тартиби хакида йурикнома хам тасдикланган. Мазкур йурикнома барча даволаш профилактика муассасалари учун зарур ва асосий хужжат хисобланади. Узбекистон Республикаси касб ва согликларини хисобга олиш тизими куйидагилар учун мулжалланган:

- *касб касалликларини назорат килувчи сан-эпидстанцияларга зудлик билан хабар килиш;*
- *касб касалликлари ходисаларининг махсус текширувини утказиш;*
- *зарарни ишлаб чикариш омилларининг одам саломатлигига таъсирини бартараф этиш ва уларнинг олдини олиш юзасидан чора тадбирлар утказиш;*
- *Узбекистон Республикасида касб касаллигига чалиниш холатини тахлил этиш ва уларни профилактика килишнинг мукаммал дстурларини ва назорат этиш усулларини амалиётга жорий этиш;*
- *Ахоли саломатлиги хакидаги маълумотларнинг умумий тизимида айрим хасталиклар тугрисдаги маълумотлар билан таъминлаш.*

Назорат учун саволлар

1. Мехнатни мухофаза килиш деганда нимани тушунасиз?
2. Ходимларни согломлаштириш тадбирларига нималар киради?
3. «Мехнатни мухофаза килиш тугрисида» ги конунга изох беринг?
4. Зарарли ишлаб чикаришлар хакида гапириб беринг?
5. Ходимнинг соглигига салбий таъсир этувчи холатларни зарарсизлантириш хакида гапиринг.

Адабиётлар

1. Узбекистон Республикасининг Конституцияси. Т. 2001 й.

2. Узбекистон Республикасининг Мехнат кодекси. Т. 1996 й.
3. Мехнатни мухофаза килиш тугрисида конун. 1993 й 6 май.
4. Корхоналар тугрисида конун. Т. Адолат. 1997 й.

19-Мавзу: Айрим тоифадаги ходимларга бериладиган кушимча кафолатлар.

Режа:

1. Аёллар мехнати ва уни мухофаза килиш.
2. Ёшлар мехнати ва уни мухофаза килиш.
3. Мехнат фаолияти пасайган шахслар ва пенсионерларнинг мехнатини мухофаза килиш.

Таянч тушунчалар

Аёллар мехнати ва хукуки хамда уларни халкаро хукук нормаларига мослиги, бу сохадаги миллий конунчилик талаблари.

Ёшлар, уларнинг жамиятда тутган урни, вояга етмаганлар хукуки ва уни химоя килиниши, ёшлар учун имтиёзлар. Мехнат фаолияти пасайган шахслар ва ногиронлар хукуки в уни химояланиши.

1. Маълумки, Узбекистон Республикаси мехнат конунчилигида аёллар мехнати учун турли имтиёз ва кафолатлар белгиланган. Бу имтиёз ва кафолатларнинг барчаси халкаро хукукий нормаларга, уларнинг коидаларига асосланган. Эслатиш жоизки, Узбекистон Республикаси 1979 йил 18-декабрда Нью-Йоркда кабул килинган «Аёлларни камситилишининг барча шаклларига бархам бериш тугрисида» ги Конвенцияга кушилган. Мазкур конвенцияда аёлларнинг ижтимоий – иктисодий фаолият сохасида эркаклар билан тенг хукукка эга булиши учун барча зарур

чора-тадбирлар амалга оширилиши лозимлиги таъкидланган. Ушбу Конвенция ва бошка халкаро хукукий хужжатларда баён этилган коидалар. Узбекистон Республикаси Конституцияси хамда мехнат конунчилигида тулик акс эттирилган.

Узбекистон Президенти Ислом Каримов 1999 йилни «Аёллар йили» деб эълон килар экан, унинг ахамияти хусусида шундай деган эди: «Инсоният тарихи шундан гувохлик берадики, минг йиллар давомида хар кайси жамиятнинг маданий даражаси ва маънавий баркамоллиги аёлларга булган муносабати билан белгиланади».

Юртбошимиз аёлларнинг жамият маънавий хаётида тутга урни хакида тухталиб бундай деган эди: «Ишончим комилки, янги йилимизни мунис ва дилбар аёлларимиз тимсолида «Нафосат йили», «Гузаллик йили», «Мехр мухаббат йили» деб аталиши маънавиятимизга янгича мазмун ва куч беради. Маънавий хаётимизда янги мухим боскич булиб колади.

Узбекистонда аёллар хукукларини кафолатлаш оналик ва болаликни химоя этиш, хотин-кизларни иктисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий талаб эхтиёжларига оид давлат сиёсати халкаро хукукий нормаларга, шунингдек халкимизнинг миллий маданиятига таянган холда амалга оширилмокда. Мисол тарикасида Узбекистоннинг 1919 йилда Женевада кабул килинган ва 1952 йил 28 июнда кайта куриб чикилган Оналикни мухофаза килиш тугрисидаги 103-Ковенцияга кушилганини таъкидлаб утиш мумкин. Бундан ташкари Президент И.Каримов ташаббуси билан 1991 йилда Узбекистон Хотин-кизлар Кумитасининг ташкил этилгани, шунингдек, «Тадбиркор аёл» уюшмасининг тузилгани айни муддаодир.

«Аёллар йили», «Соглом авлод йили», «Оналар ва болалар йили» давомида хотин-кизлар соглигини яхшилаш, уларнинг жамиятдаги ролини ошириш борасида куп ишлар килинди. Бу уринда Узбекистон Республикасининг 1998 йил 1-майда кабул килинган «Ахолини иш билан таъминлаш тугрисида»ги Конуннинг 7-моддасида курсатилганидек ижтимоий химояга мухтож, иш топишда кийналадиган ва мехнат бозорларида тенг шароитларда ракобатлашишга кодир булмаган шахсларга 14 ёшга тулмаган ва ногирон болалари бор, ёлгиз ота ва оналарга хамда куп болали оналарга давлат томонидан кушимча кафолатлар кузда тутилган.

Ушбу кафолатлар корхоналарда кушимча иш жойларини ташкил этиш, шунингдек бу тоифа фукароларини ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам микдорини белгилаш каби чоралар оркали таъминланади. Хомиладор аёлни, уч ёшга тулмаган боласи бор аёлни ишга кабул килиш рад этилган такдирда, иш берувчи бунинг сабабларини уларга ёзма равишда маълум килиши шарт. Бу тоифа аёлларни ишга кабул килишни рад этганлик устидан судга шикоят килиниши мумкин.

МКнинг 84-моддасига биноан хомиладор аёллар, уч ёшга тулмаган боласи бор аёллар билан мехнат шартномаси тузилганда дастлабки синов белгиланмайди.

Конунда 12 ёшга тулмаган икки ёки ундан ортик боласи бор ёки 16 ёшга тулмаган ногирон боласи бор ёки 16 ёшга тулмаган ногирон боласи бор аёлларга хар йили 3 иш кунидан кам булмаган муддат билан хак туланадиган кушимча таътил бериш белгиланган. Бу аёлларга, уларнинг хохишига кура, хар йили 14 календарь кунидан кам булмаган муддат билан иш хаки сакланмайдиган таътил берилади.

Амалдаги конунчиликда, аёлларга ижтимоий таътиллар бериш кузда тутилган (МК 232, 233 моддалари). Мехнат кодексининг 233-моддасига биноан, аёлларга тугишга кадар 10 календарь кун ва туккандан кейин 56 календарь куни, тугиш кийин кечган ёки икки ва ундан ортик бола тугилган холларда – 10 календарь куни муддат билан хомиладорлик ва тугиш таътиллари берилиб, давлат ижтимий сугуртаси буйича нафака туланади.

2. Юртбошимиз ёшларнинг жамиятда тутган урни хакида гапириб бундай деган эди:

«Куп асрлик тарихий тажриба шундан далолат берадики, жамиятнинг хакикий бойлиги, бу-инсон, инсон авлодидир. Кишилик жамияти, эл-юртига, ватанига садокатли, имон эътикоди бутун, мард ва жасур, малакаси етук, маънавияти юксак инсонлар билан хакли равишда фахрланади. Бу улугвор бетимсол бойлик хар кайси давлатнинг кудратли салохият манбайдир.

Соглом авлодни тарбиялаш – буюк давлат пойдеворини, фаровон давлат асосини куриш деганидир. Биз тарихан киска фурсат ичида бошка сохаларда булгани каби бу борадаги максад ва бурчимизни хам англаб етдик».

Маълумки, Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2000 йил 21 сентябрда «Вояга етмаганлар ишлари буйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш хакида» ги 360-сонли махсус карори кабул килинган. Мазкур карорда вояга етмаганлар уртасида тарбиявий ишларни кучайтириш, улар томонидан хукукбузарлик содир этилишининг олдини олиш, бу йуналишда масъул булган давлат идоралари, жамоат ташкилотлари, хамда вояга етмаганлар ишлари буйича комиссиялар фаолиятини мувофиклаштириш ва янада такомиллаштириш максадида:

1) вояга етмаганлар ишлари буйича комиссия хакида низом кабул килинган;
2) Вазирлар Махкамаси хузурида вояга етмаганлар ишлари буйича комиссия тузилиб, унинг таркиби тасдикланган.

Вояга етмаганлар ишлари буйича комиссиянинг асосий вазифалари этиб куйидагилар белгиланган:

- вояга етмаганларнинг хукук ва конуний манфаатларини химоя килиш, уларни назоратсиз, каровсиз колиши хамда улар уртасида содир этилаётган хукукбузарлик ва жиноятларнинг келиб чикиш сабаблари, шарт-шароитларини аниклаш ва бартараф этиш чораларини амалга ошириш;
- жазони ижро этиш жойларидан озод булиб келган ёки махсус укув тарбия муассасаларидан кайтган вояга етмаганларни турар-жой ва иш билан таъминлашда ёрдам бериш, шунингдек вояга етмаганларни ижтимоий химоя килиш буйича конунда кузда тутилган вазифаларни амалга ошириш.

Мамлакатимизда ёшлар харакатини ривожлантиришга кумаклашиш максадида Вазирлар Махкамаси томонидан, Узбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий харакати фаолиятини ташкил этишга кумаклашиш тугрисида» 2001 йил 30 майдаги 240-сонли карори кабул килинган. Унга биноан, харакатнинг дастурий максадлари ва уставда курсатилган вазифалари доирасида амалга ошириладиган фоалиятини маблаг билан таъминлаш максадида Узбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий харакатини ривожлантириш жамгармаси ташкил этилиб, унинг низоми тасдикланган.

Конунга биноан 18 ёшга тулмаган ходимлар иш вакти ва дам олиш вакти сохасида хам айрим имтиёзлардан фойдаланилади. Хусусан конунда бу тоифа ходимлар учун иш вактининг кискартирилган муддати белгиланган. Масалан, МКнинг 242-моддасига мувофик, 16 ёшдан 18 ёшгача булган ходимларнинг иш вакти хафтасига 36 соат, 15 ёшдан 16 ёшгача булган ходимларнинг, шунингдек, таътил вактида ишлаётган 14 ёшдан 16 ёшгача булган укувчилар учун хафтасига купи билан 24 соат килиб белгиланган. 18 ёшга тулмаган ходимлар иш вактидан ташкари ишларга, тутнги сменадаги ишларга, дам олиш ва байрам кунларидаги ишларга жалб этиш маън этилган. 18 ёшга тулмаган ходимларга камида 30 календарь кунидан иборат мехнат таътили берилади. Усмирнинг иш жойи, касби, халк хужалигининг тармоги таътил муддатига таъсир курсатмайди. Вояга етмаган ёшларга хам тулик иш куни буйича ишлаётган ходимларга туланадиган микдорда хак белгиланади. (МК нинг 243-моддаси).

18 ёшга тулмаган усмирлар манфаатларини туларок мухофаза килиш максадида МКнинг 247-моддасида усмирларнинг ота-онаси, васийлари, шунингдек, мехнат мухофазаси устидан назорат килиб турувчи органлар хамда вояга етмаганлар ишлари буйича комиссияларга, агар усмир бажараётан иш унинг соглигига ёки унга бошкача тарзда зарар етказадиан булса, бундай шахслар билан тузилган мехнат шартномасини бекор килишни талаб этиш хукуки берилган.

Назорат учун саволлар

1. Аёллар мехнати кандай хусусиятга эга?
2. Аёлларнинг мехнат фаолиятидаги имтиёзларга нималар киради?
3. Ёшларга кандай енгилликлар берилади?
4. Ногиронлар ва пенсионерлар мехнатини мухофаза этилиши хакидка нима биласиз?
5. Мазкур масала буйича мавжуд конун- хужжатларини санаб беринг.

Адабиётлар

1. Узбекистон Республикасининг Конституцияси. Т. 2001 й.
2. Узбекистон Республикасининг Мехнат кодекси. Т. 1996 й.
3. Хотин-кизларга кушимча имтиёзлар тугрисида конун. 1999 й апрель.
4. Хотин-кизларнинг ижтимоий мухофазасини кучайтиришга оид кушимча чора-тадбирлар тугрисида. Президент фармони. 1999 йил 17 март.

20 – мавзу: Мехнат низолари ва уларни хал этиш йуллари.

Режа.

1.Мехнат низолари хакида тушунча.
2.Мехнат низоларини куриш ва хал этиш тартиби.
3.Мехнат низоларини келтириб чикарадиган холатлар ва уларни олдини олиш.

Таянч тушунчалар

Иктисодий муносабатлар ва конунчилик, ишлаб чикариш ва таксимлаш, ишлаб чикариш ва таксимотда адолатли тизим урнатиш, мехнат низолари тушунчаси, низоларни куриб чикувчи органлар, мехнат низолари комиссияси, унинг иш юритиш тартиби.

Ижтимоий хаётнинг хамма сохаларида конунлар устиворлигини таъминлаш, унга барча жисмоний ва юридик шахслар томонидан, катъи амал килинишига эришиш, ижтимоий адолат тантанасини карор топтириш бозор иктисодининг мухим шартларидан хисобланади.

Иктисодий муносабатларда, айникса ишлаб чикариш билан боглик муносабатларда конунчиликнинг урнатилиши катта ижтимоий ахамият касб этади. Чунки ишлаб чикариш ва таксимлашда одилона тамойилларни урнатмасдан туриб бошка сохаларда хеч кандай натижага эришиб булмайди.

Бу сохада мехнат конунчилигининг ишлаб чикаришдаги низолар ва уларни хал этиш масалаларига оид хукукий нормалари мухим ахамиятга моликдир.

Мехнат низолари деганда ишловчи ходим билан корхона, муассаса, ташкилот бошкаруви уртасидаги узаро келишмовчилик назарда тутилади. Унинг мохияти ва мазмуни мехнат конунлари, бошка норматив хужжатлар, жамоа шартномаси, битимлар, мехнат шартномаси (контрактни) куллаш билан узвий богликдир.

Мехнат низолари мехнат шартномаларини белгилаш ёки узгартириш масалаларини бир томонлама, конунга хилоф равишда узгартиришга уриниш туфайли келиб чикади. Маъмурият вакилларининг амалдаги норматив хужжатлар талабларини билмасликлари, маблагларнинг исроф булиши ва корхонадаги маънавий мухитнинг асоссиз ёмонлашуви окибатида хам низолар келиб чикиши мумкин.

Мехнат низолари, уларни келиб чикадиган холатлари, уларни олдини олиш ва хал этишга оид коидалар Узбекистон Республикасининг Мехнат кодекси (1996 й)да, (XV боб), Узбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлдаги «Касаба уюшмалари, уларнинг хукуклари ва фаолияти кафолатлари тугрисида»ги конунида, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг узларида ишлаб чикиладиган жамоа шартномаси ва бошка махаллий характердаги нормаларда белгилаб куйилади.

Келишмовчиликлар вужудга келган холатларда ходим манфаатини ифода этувчи тараф сифатида уларнинг вакиллик органи иштирок этиши мумкин.

Мехнат кодексининг 260 моддасига кура ходим мехнат низосини хал килиш учун уз хохишига кура, мехнат низолари комиссиясига ёки бевосита суд органига мурожаат этишга хаклидир.

Мехнат низоси комиссиясида куриб чикилмаган деган важ билан ходимнинг аризасини рад этишга йул куйилмайди (мк. 269м).

Якка мехнат низоларини куриб чикиш Мехнат кодекси нормалари билан тартибга солинади. Мехнат низоларига доир ишларни судда куриб чикиш тартиби эса фукаролик процессуал кодекси талаблари билан тартибга солинади.

Мехнат кодексининг 262 моддасига кура корхона ва муассасаларда мехнат низолари комиссиясини тузиш назарда тутилади.

Бундай комиссия келишувчи томонларнинг узаро тенглик принципи асосида тузилади. Мехнат низолари комиссиясининг таркиби хамда ваколат муддати вакиллик органи карори ва иш берувчининг буйруги билан тасдикланади. Мехнат низолари комиссияси якка мехнат низоларини куриб чикади. Бу комиссия келиб чиккан низоли масала буйича ариза берилган кундан бошлаб 10 кун ичида куриб чикиши шарт. Иштирок эта олмаса бу хакда ёзма аризаси булиши талаб этилади. Низони куриб чикиш пайтида ходим адвокат таклиф килиш хукукига хам эга.

Мехнат низолари комиссияси: 1) мажлисга гувохларни чакиртириш. 2) мутахассисларни таклиф килиш. 3) иш берувчидан зарур маълумотлар ва хужжатларни талаб килиш хукукига эга. Мажлисда маъмурият ва вакиллик органининг тенг микдордаги аъзолари иштирок этишлари керак.

Комиссия мажлисига томонларнинг вакиллари навбати билан раислик киладилар. Бир мажлисда раислик ва котиблик вазифасини бир тарафнинг вакиллари бажариши мумкин эмас. Комиссия мажлисида баённома тузиб, расмийлаштирилади. Карор томонларнинг келишувига биноан кабул килинади. Бундай карорлар: а) далиллар билан исботланган булиши. б) конун хужжатларига мос келиши. в) мехнат шартномасига асосланган булиши керак. Комиссия карори мажлис раиси ва котиби томонидан имзоланади. Карор мажбурий кучга эга булиб, узгартирилишига йул куйилмайди. Карор тасдикланиши билан, 3 кун ичида ходимга, иш берувчига ва касаба уюшма ташкилоти кумитасига топширилади. Карор устидан шикоят килиш муддати (10 кун) тугагандан кейин 3 кун ичида иш берувчи томонидан бажарилиши керак. Комиссия карори бажарилмаган такдирда купи билан 3 ой ичида суд органига мурожаат килинади. МК нинг 266 моддасида курсатилишича суд ижрочиси мехнат низолари комиссиясининг карорини мажбурий тарзда ижро эттиради.

Мехнат низолари комиссияси ишни 10 кун ичида куриб, хал этмаса, ходим ушбу низони суд органига хавола килишга хаклидир.

Амалдаги кодекснинг 268 моддаси куйидаги холатларда ходимга низони куриш хакида судга мурожаат килиш хукукини беради:

1.ходим ва унинг вакиллик органлари. 2.мехнат буйича инспектор. 3.иш берувчи комиссия карорига рози булмаган такдирда. 4.прокурор.

Мехнат конунчилигида белгиланишича мехнат низолари куйидаги холатларда судлар томонидан куриб чикилади: 1.иш жойида мехнат низолари комиссияси тузилмаган булса. 2.низолар принципиал масалаларга доир булса. 3.иш берувчига етказилган зарарнинг туланиши хакида булса. 4.соглигига етказилган зарар учун товон пулини ундириш хакида булса. 5.ишга кабул килиш рад этилгани хакида булса.

Мехнат низолари буйича ходим судга ёки комиссияга мурожаат этиш учун куйидаги муддатлар белгиланади.

1.ишга тиклаш низолари буйича – ходимга у билан мехнат шартномаси бекор килинганлиги хакидаги буйрукнинг нусхаси берилган кундан бошлаб бир ой.

2.ходим томонидан иш берувчига етказилган моддий зарарни тулаш хакидаги низолар буйича – зарар етказилганлиги иш берувчига маълум булган кундан бошлаб бир йил.

3.бошка мехнат низолари буйича–ходим уз хукуки бузилганлигини билган ёки билиши лозим булган кундан бошлаб уч ой.

Бундай муддатлар узрли сабаблар билан утказиб юборилган такдирда суд ёки мехнат низолари комиссияси томонидан кайта тикланиши мумкин. Ходимнинг соглигига етказилган зарарни коплашга доир низом буйича судга мурожаат килиш учун муддат белгиланмайди.

Мехнат шартномаси асосий холда бекор килиниб, ходим бошка ишга утказилган такдирда, низони кураётган орган уни аввалги ишга тикланиши керак. Карорнинг ижроси кечиктирилган барча вакт учун ходимга уртача иш хаки туланади. Мехнат низоларини курувчи органнинг ходими 3 ойдан куп булмаган муддат учун иш хакини тулаш тугрисидаги карори хам дархол ижро этилиши лозим.

Мехнат низолари комиссиянинг карори ёки суднинг хал килув карори назорат тартибида кайта курилиб бекор килинган такдирда,

ходимга туланган пул суммаларини ундан кайтариб олишга йул куйилмайди.

Аммо низо масаласи буйича ходим томонидан ёлгон маълумотлар берилиши, сохта хужжатлар такдим этилиши низо юзасидан чикарилган карорларнинг бекор килинишига сабаб булса ва ходимнинг бу сохадаги айби суд хукми асосида белгиланган булса, у холда унга туланган барча суммалар ходимдан кайтариб олинади.

Назорат учун саволлар.

1.Ишлаб чикариш жараёнидаги нормал маънавий мухит тушунчасини баён этинг.
2.Мехнат низолари деганда нимани тушунасиз?
3.Мехнат низоларининг олдини олиш йулларини санаб беринг?
4.Мехнат низолари комиссияси кандай ташкил этилади?
5.Мехнат низолари комиссиясининг иш фаолиятини тушунтиринг?
6.Мехнат низоларини судда куриш коидаларини биласизми?
7.Мехнат низолари буйича чикарилган карорлар ижросини тушунтириб беринг?

Адабиётлар.

1.Узбекистон Республикасининг Конституцияси. Т. 2001 й.
2.Узбекистон Республикасининг Мехнат кодекси. Т. 1996 й.

Мундарижа

1. Мехнат жамоаси ва унинг ваколатлари 15
2. Мехнат муносабатлари ва уларнинг тартибга солиниши . 19
3. Мехнат муносабатлари субъектлари 26
4. Мехнат жараёни субъектларнинг вакиллик органлари 29
5. Жамоа шартномаси ва келишуви, уларнинг хукукий холатлари .....…….. 35
6. Ишга жойлаштириш ва унинг юридик асослари 44
7. Мехнат шартномаси ва уни тузиш тартиблари 51
8. Мехнат шартномасини узгартириш тартиблари 59
9. Мехнат шартномасини бекор килиш коидалари 64
10. Иш вакти ва дам олиш вактлари 71
11. Мехнат таътилларининг хукукий асослари 77
12. Мехнатга хак тулаш коидалари 83
13. Кафолатли туловлар ва компенсациялар 89
14. Мехнат интизоми ва уни мустахкамлаш усуллари 94
15. Шартнома томонларининг моддий жавобгарлиги 98
16. Мехнатни мухофаза килишнинг хукукий асослари ... 103
17. Айрим тоифадаги ходимларга бериладиган кушимча кафолатлар .....…….. 108
18. Мехнат низолари ва уларни хал этиш йуллари 113